

СЕНТЯБРЬ 9 1988

ISSN 0235-1277



# ЁШ КУЧ





А. КУДРЯШОВ фотоси.

# КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

СССРдаги барча гражданларнинг она тилларини эркин ривожлантириши ва улардан тенг ҳуқуқли фойдаланиши, совет кишилари томонидан миллатлараро алоқа воситаси тарзида эркин қабул қилинган рус тилини эгаллаши — кўп миллатли давлатимизнинг энг муҳим принциpidир. Миллий — рус икки тиллилиги ҳар бир регионнинг хусусиятларини эътиборига олиб, уйғун равишда, табиий ривожланиб бориши, расмиятчиликдан ҳоли бўлиш учун ҳамма шароитларни яратиш лозим. Давлат турмуши, ижтимоий ва маданий турмушнинг турли соҳаларида миллий тилларнинг актив ишлатилиши тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилинсин.

Республикага номи қўйилган халқ тилининг шу республика территориясида яшовчи бошқа миллат гражданлари, аввало болалар ва ёшлар томонидан ўрганилиши рағбатлантирилсин. Буларнинг ҳаммаси таълим олиш тилини эркин танлашдан иборат демократик принципларга қарама-қарши қўйилмаслиги керак.

Конференция ошкораликни изчиллик билан кенгайтириш ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида демократиялаш жараёнларини авж олдириш, социализмни янгилашнинг зарур шarti эканлигини таъкидлайди. Партия ошкораликни ривожлантирар экан, ҳаммаша омма ҳамма нарсани билиши керак, ҳамма нарса ҳақида фикр юртиши керак ва ҳамма ишга онгли тарзда бориши керак, деган ленинча кўрсатмага муттасил амал қилади. Коммунистик партияга, совет халқига ҳақиқат зарур, жамиятда содир бўлаётган барча воқеалар ҳақида тўла ва холис ахборот керак. Ошкоралик қайта қуриш ғоялари ва принциплари асосида барча ижтимоий кучларни жипслаштириш мақсадларига хизмат қилиши керак.



## «КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИ» ДАН САТРАЛАР

Партия ёшларни қайта қуришнинг фаол ва ташаббускор кучи, деб билади. Конференция ёш авлодга нисбатан давлат аҳамиятидаги кучли, яхлит сиёсатга эга бўлиш зарур, деб ҳисоблайди. Бу сиёсат ёшларга имкони борича эртароқ мустақиллик олиш, ўз қобилиятларини иложи борича намоён этиш ва ўз ҳаётий мақсадларини рўёбга чиқариш, мамлакат тақдирини учун, социализм тақдирини учун иқтисодий, сиёсий ва маънавий масъулиятни ўз вақтида зиммасига олишга яхшироқ тайёргарлик кўриш имконини берадиган шароит яратиши керак.

Маънавий — ахлоқий соҳада бюрократизмга қарши ҳужумни авж олдириш маънавий турмушнинг ленинча анъаналари ва мезонларини қайта тиклаш, марксизм-ленинизм идеологиясидан ижодий фойдаланиш ҳамда уни ривожлантириш, янгича сиёсий тафак-

курни ўзлаштириш ва авж олдириш, догматизм, мешчанлик ахлоқи, социал жихатдан тайёрга айёрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмом қилиш каби кўринишларга нисбатан муросасиз бўлиш, демакдир. Қарашлар ва фикрларни эркин қиёслаш вазиятини вужудга келтириш, майда-чуйдаларга аралашаверилишига, фан ва маданиятга раҳбарликдаги буйруқбозлик услуби сарқитларига қатъиян барҳам бериш керак.

Иттифоқдош республикаларни ва автономияларни ривожлантиришни партия уларнинг кўп миллатли давлатимизни мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш учун бўлган масъулияти билан чамбарчас боғлиқ, деб билади. Социалистик идеал қарахт қилувчи бир хиллик эмас, балки миллий кўп хилликнинг тўлақонли ва жўшқин бирлигидир.



# САМАРҚАНДНИНГ ЕНГИЛМАС ПАҲЛАВОНИ

Осмон билан елка тирашган Ҳисор тизма тоғлари кеч киргач, яна ҳам салобатли, ҳатто ваҳимали туюлади кишига. Абдулхай Одилов бошлиқ отряд аъзолари эса бир неча кундан буён дарома-дара юриб, бу ҳолга кўникиб қолишган. Қизил аскарлар Фелон қишлоғида тунашди. Бу жойларда Берди додхоҳ бошчилигидаги бир тўда каллақесарлар бир неча ойдан буён яшириниб юриб, атрофдаги қишлоқлар аҳолисини талашарди. Улар янги тузумга зарба бериш ниятида ҳар қандай ёвузликдан ҳам қайтишмасди. Шу боис қизил аскарлар уларнинг изига тушишган. Бу маҳсус топшириққа ўтюррак комсомол Абдулхай Одилов бошчилигидаги қисм ҳавола этилганди. Газандалар жойи аниқлангач, уларни тор-мор этиш режаси тузилди. Додхоҳни қандай бўлмасин тирик қўлга олиш, у халқ олдида қилмишига яраша жазоланиши керак. Операцияни ниҳоятда уддабуронлик билан амалга ошириш даркор. Отряд аъзолари ярим тунда босмачилар ошёнига қараб жўнашди.

Зим-зиё кеча. Атрофда жилғаларнинг бир маромдаги ёқимли овози эшитилади холос. Сокин тоғ ҳавоси кишига ҳузур бағишлайди. Отряд аъзолари душман томонни синчковлик билан кузатиб бораётиб олисда элас-элас кўзга чалинаётган гулханга кўзлари тушди. Ҳамманинг юраги жимирлаб кетди. Берди додхоҳ тўдаси шу эканлигига ишонч ҳосил қилишгач, отряд жанговар операцияни бошлади. Қўққисдан бошланган ҳужум босмачиларни саросимага солиб қўйди. Отряд уларни қуршаб олди. Қочқлар бирин-кетин ўққа дучор бўлишар, ваҳшийларча бақириб-чақириварди. Абдулхай қочиб кетаётган Берди додхоҳга қараб от солди. Кўп ўтмай қийналиб бўлса-да, уни тириклайин қўлга туширди.

Ғалаба билан қайтган отряд аъзоларини шаҳрисабзликлар катта хурсандчилик билан қарши олишди. Газандалар тўдаси қилмишига яраша жазоланди. Мураккаб операцияни муваффақиятли амалга оширганлиги учун Шаҳрисабз уезд милицияси район жинойат қидирув бўлими бошлиғи Абдулхай Одилов



## ҲАЁТ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ



ШОНЛИ ТАРИХ  
САҲИФАЛАРИ

**Т**уркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлмаган. Уша даврда Наманган уезди ёшлари кўз ўнгида янги тарих туғилиб, эски турмуш ичида эндигина тетапоя қила бошлаган кунлар...

Фарғона область партия комитети Ботиоров ва Менеєв бошчилигида бир гуруҳ коммунистларни Наманган уездида комсомол ташкилоти тузгани юборди. Бу иш нечоғлиқ қийин эканини ёшлар ўша давр ҳақида ҳикоя қилувчи кинофильмлардан олган тассуротлари орқали яхши ҳис қиладилар. Ҳар лаҳзада коммунистларни пистирмадан узилган ўқ ер тишлатиши ҳеч гап эмасди. Бироқ — ўз ҳақлигига ишонмоқ — одамни жасоратга ундаркан — коммунистлар ёрқин келажакка ишондилар. Улим ортага чекинди. Ташкилий группа ўз бурчини бажарди. Комсомол ташкилотини тузиш учун илк қадам коммунистлар уюштирган йиғин бўлди. Кескин баҳслар билан ўтган йиғинда 200 дан ортиқ йиғит ва қизлар иштирок этишди.

Йиғинда кўпчилик яқдил фикрга келди: мумкин қадар тезроқ ёшлар союзи фаолиятини йўлга қўймоқ керак. Фаолиятни эса саводсизликка қарши курашдан бошламоқ зарур. Уша пайтдаёқ уезд-шаҳар партия комитети раҳбарлигида ўқувчи-ёшлар коллективи тузилди ва унга Петр Лукич Старинец деган одам бошлиқ этиб тайинланди.

Кейинроқ яна бир қатор ташкилий йиғинлар ўтказилди ва натижада тузилган ўқувчи ёшлар коллективи базасида шаҳар комсомол ташкилоти ўз фаолиятини бошлаб юборди. Комитетга Кривдин, Туманов, Мирзаев, Низомов ва Зоуровлар сайланишди. Шундай қилиб 1921 йилнинг кузига келиб бу ерда 5 та район

ва 17 ячейкада жаъми 270 (шундан 35 нафари қизлар) аъзо бор эди.

У пайтларда «комсомол» тушунчаси энг аввало ўқиётган ёшларга нисбат бериларди. Наманган уезд комсомол ташкилоти ҳам ўзининг биринчи даражали вазифасини маърифатда, саводсизликни тугатишда деб билган. Бу муаммони ҳал қилиш шунинг учун ҳам керак эдики, у Совет ҳокимиятини мустақамлаш, хотин-қизларни озодликка чиқариш, ўтмиш сарқитларига қарши курашга чамбарчас боғлиқ эди.

Комсомоллар аҳоли ўртасида илм олишнинг буюк аҳамиятини тушунтириш йўлида тарғибот ишларини олиб бордилар, саводсизликка қарши аёвсиз кураш очдилар. Бунинг учун ўқитувчилик касби бўйича миллий кадрлар тайёрланди, жойларда аҳолининг турли ёш қатламлари орасида бошланғич маълумот курслари очилди.

Ўтмиш сарқитлари билан курашда хотин-қизларни ижтимоий ҳаётда иштирок этишга жалб қилиш муҳим ўрин тутди.

Хотин-қизлар ўртасида маърифат тарқатиш, уларга ўқишни ўргатиш учун комсомоллар аёллар клубларини туздилар. Бу клублар хотин-қизларни озодликка чиқаришда, диний сарқитлар билан курашда, ташкилотни маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига мустақамлашда асосий таянч бўлиб хизмат қилди.

Табийки, янги ҳаёт душманлари комсомолларни ҳар қандай йўл билан йўқ қилишга ҳаракат қилдилар. Бу йўлда уларга халқни кишандай эрксиз қилиб қўйган диний сарқитлар қудратли қурол бўлиб хизмат қилди. Дин пешволари босмачилик ҳаракатини қўллаб-қувватладилар ва уларни энг фаол комсомолларни йўқ қилишга ундадилар. Аҳоли

ўртасида диндорлар охирзамон яқинлашганлиги, қиёмат-қойимда кофирга қўшилганлар — «комсомол ва коммунистлар жазоланишлари» ҳақида миш-мишлар тарқатдилар. Шаҳарда ҳар куни ўнлаб хотин-қизлар паранжидан озод бўлишар, ҳаттоки уларнинг илғорлари — Ҳамро Эралиева, Тўхтаҳон Шарифбоева, Ҳабиба Мирзааббарова, Мушарраф Иномова биринчилар қаторида артелга ишга киришган эди. Улар сафи тобора кенгайиб борарди. Комсомолга кирганлар хонадонларда бўлиб, хотин-қизлар билан суҳбатлашишар, уларни паранжини улоқтиришга, ижтимоий ҳаётда иштирок этишга жалб қилишар эди.

«Бу — жасорат талаб қиладиган иш эди. Ўнлаб дугоналарим бу йўлда ҳалок бўлдилар. Лекин улар маърифатдан кўнгилларига тушган зиё билан ўнлаб кўнгилларда чироқ ёқиб кетдилар», — деб эслайди ўша йилларни партия ва комсомол ветерани Х. Қирғизбоева.

1927 йилда 48, 1928 йили 205, 1929 йил 165 (шундан ўн нафари Наманган уезидан) фаол комсомол аёлларимиз жаҳолат қурбони бўлишган.

Жасур комсомолларни, бошланган «Ҳужум» ҳаракатини зулм ва кўрқитишлар чўчита олмади. 1925 йилдаёқ 211 хотин-қиз қишлоқ уезд Советлари ижроия комитетининг аъзолари бўлиб сайланганлиги ўша давр учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган факт эди. Хотин-қизлар клублари кутилганидан ҳам зиёда самара берди. 1926 йилнинг 8 март куни икки мингдан кўпроқ хотин-қизлар паранжиларини улоқтириб, янги ҳаётга қадам қўйдилар.

А. МИРЗААҲМЕДОВ

жанговар Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Хўш, Абдулхай Одилов асида ким бўлган? Абдулхайнинг отаси Одилобо Самарқанд районидagi Конигул қишлоғининг биринчи муаллимларидан эди. Абдулхай ҳам отаси издан қишлоқда янги мактаб очди, унда математика фанидан дарс берди. Уша йиллардаги муаллимларни чинакам зиёли деб аташ мумкин. Негаки улар ўқитувчилик билангина чекланиб қолмай халқни маърифатга етаклайдиган турли тадбирларни уюштиришар, бунинг учун ширин жонларини гаровга қўяётганликларини яхши билишарди ҳам.

Жамоат ишларидаги фаоллиги учун Абдулхай 1918 йилда комсомолга қабул қилинди. Бир йил ўтгач, эски шаҳар комсомол ячейкаларини тузишда раҳбарлик қила оладиган даражага етди. 1920 йилда партия сафига киргач, унинг сиёсий фаолияти янада кучайди. 1922 йилда у Туркистон Коммунистик Ешлар Союзи Самарқанд Эски шаҳар комитетининг масъул секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

24 ёшга қадам қўйган Абдулхай афсонавий қаҳрамон хитойлик Пау-Ти-сан командирлик қилган мусулмон отлик дивизиясининг комиссарлигига тайинланди. Дивизияда рус, ўзбек, тожик, арман, хитой, белорус, қозоқ, қирғиз, татар сингари турли миллат ва элат фарзандлари Урта Осиёни синфий душманлардан, чет эл интервентларидан тезроқ халос этиш йўлида мардоновар курашдилар. Интернационал отряд аъзолари Ургутда Очилбек, Шаҳрисабз воҳасида Берди додхоқ каби босмачиларни йўқ қилишда катта маҳорат ва жасорат кўрсатишди. Бу галабаларни таъминлашда қизил комиссар Абдулхай Одиловнинг тадбиркорлиги, сиёсий билимининг чуқурлиги, энг оғир пайтларда ҳам тўғри, аниқ қарорга келиши муҳим ўрин тутди.

— Жуда кўп босмачиларга қарши энг муҳим операцияларни мусулмон отлик дивизияси ўтказарди, — дея хотирлаган эди область ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи марҳум Р. Азимбеков. Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Оҳақлик томонда босмачиларнинг катта тўдаси изғиб юрар, улар кирмаган, таламаган хонадон бу яқин ўртада қолмаганди. 1922 йилнинг ёзида ана шу мусулмон отлик дивизиясига босмачилар гуруҳини тугатиш топширилди.

Операция тунда белгиланди. Тоғ яқинидаги қишлоқлар қуршаб олинди. 20 қақиримли масофага чўзилган босмачилар гуруҳини йўқ қилиш ҳазилакам иш эмасди. Операция бир неча соат давом этиб, босмачиларнинг энг катта гуруҳи тор-мор этилди.

Бунга ўхшаш мисоллар Абдулхай Одилов ҳаётида кўп учрайди.

1924 йилда Абдулхай Одилов Зарафшон районида милиция бошлиғи бўлиб ишлаган пайтларда Муғол қишлоғида босмачиларга қарши курашда алоҳида жасорат кўрсатганлиги учун 6-Туркистон ўқчи полки кўмондонлиги уни жанговар от билан му-

кофотлайди. Бугина эмас, Ургут тоғларида ин қуриб олган босмачилар тўдасини йўқ қилишда ҳам Абдулхай Одилов катта жасорат кўрсатди. У район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган йилларда бир қанча колхозлар барпо этилди.

«Қаҳрамонлар унут бўлмайди, уларнинг хотираси мангудир», — дейди халқимиз. Ҳақиқатан ҳам қаҳрамонлар мангу яшайди. Абдулхай ҳам ана шундай қаҳрамонлардан бири эди. Уни партия қаерга йўлламасин доим ҳақиқат йўлида минг ўлиб, минг тирилди. Шунинг учун ҳам у қадам босган маскан тузумимиз душманларидан тозаланиб, адолатли турмуш эшиклари очилди. Абдулхай ҳам совет тузумини тиклашда душманлари билан жон олиб, жон берган миллионлаб кишилардан бири-да, деган фикр ҳаёлингиздан кечиши мумкин. Йўқ, у халқнинг фидойий қаҳрамони, Ватан қаҳрамони. У курашда енгилмайдиган, меҳнат қилганда чарчамайдиган, қўшиқ айтганда юракдан айтадиган, рақс тушганда бутун вужуди жунбушга келадиган, сўзлаганда ёниб сўзлайдиган, болаларни жони дили билан севувчи инсон бўлган. Унинг табиатида ана шу хислатлар борлиги учун халқ ҳозирги кунгача Абдулхай Одиловни ҳақиқий инсон сифатида билишди ва унутишмайди.

1929—1930 йилларда Челак шаҳри атрофи, Қўшробот тоғларида Баҳромбек, Эсиргап, Жонибек, Аминча деган босмачилар тўдаси изғиб юрарди, — дея хотирлайди уруш ва меҳнат ветерани, Пойарик районидagi «Ленинизм» колхозни Одилов қишлоғида истикомат қилувчи отахон Пўлат Ибоев. — Абдулхай ана шу газандаларни йўқ қилишда ҳам жасорат кўрсатган. Шунинг учун ҳам қишлоғимиз номи мард ва довиорак эл фарзанди Абдулхай Одилов номи билан юритилади.

Октябрь инқилоби ишига садоқат ва эътиқод билан хизмат қилган Абдулхай ака 1930 йили Бойсун район партия комитетининг ташкилий бўлими мудири сифатида фаолият кўрсатди. Бу ерда у меҳнаткашлар ўртасида санъат ва маданият ишларини кенг тарғиб қилди. Унинг ташаббуси билан районда «Кўк кўйлак» тўғараги ташкил қилинди. Абдулхай Одиловнинг ўзи ҳамда кизи Кубарро ҳам бадий ҳаваскорлик тўғарагига аъзо бўлиб кирди. Лекин Бойсун тоғларида изғиб юрган босмачилар ҳар бир янгиликни, эзгуликни бўйишга, янчиб ташлашга ҳаракат қилишарди. Тўғарак фаолияти ҳам душманларнинг қаршилигига дуч келди. Аммо санъат ихлосмандлари қишлоқларда, жамоат жойларида тарғибот ишларини кучайтиришдан қайтмадилар. Уларнинг программасидан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Завқий ва бошқа забардаст шоирларнинг шеърлари, қўшиқлари мустаҳкам ўрин олди.

Халқ душманлари Абдулхайга жуда кўп суиқасд уюштиришган. Абдулхайнинг жияни Додарой Одилова 1920 йили халқ милициясида ишларди. Самарқандликлар жасур ва қўрқмас аёлнинг жасоратли ишларидан ҳайратга тушишарди. Лекин душманлар уни ваҳшиёна ўлдиришди. Бу тушкунлик Абдулхай-



нинг қалбига наштардек санчилди. У душманлардан ўч олишга, уларни таг-томири билан йўқ қилишга қарор қилди.

1931 йилда Абдулхай Одилов Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети аппаратида ишга юборилди. У масъулиятли вазифада ҳам ишни янгиликка бошлади. Республикада халқни саводхон қилиш, янги мактаблар очиш, хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, социал ва маданий соҳаларда ўзгаришлар яшаш ишида актив қатнашди.

Тошкент шаҳрида муқим яшаш, фарзандларини ҳам марказга кўчириб келиш Абдулхайнинг истаги эди. У 1931 йили оила аъзоларини олиб кетиш учун Самарқандга келди. Абдулхайни меҳрибон онаси, бир-биридан ширин, ақли олти нафар фарзанди, қолаверса бутун самарқандлик ёру-биродарлари соғинч билан кутиб олишди. Абдулхайнинг келганини эшитиб, узоқ районлардан колхозчилар келишди. Янгиликлар ҳақида, янги қарорлар ва кўрсатмалар тўғрисида Абдулхай халққа тушунтириб берди. Лекин...

Эрта тонг. Бутун Самарқанд шаҳрида Абдулхайни билганлар мотам либосини кийди. Ишчи ва деҳқонларнинг, комсомол ва коммунистларнинг, хотин-қизларнинг, ёш-ёш болаларнинг қалби чуқур ўкинчга, изтиробга тўлди. Ёвуз кучлар, эски тузум тарафдорлари Абдулхай Одиловнинг Самарқандга бир муддат келганлигидан фойдаланиб, уни ўлдиришди. «Наҳотки уни асраб қола олмаган бўлсак?» Бу фикр ҳар бир самарқандликнинг қалбидан нидосига айланди.

Самарқанднинг «енгилмас паҳлавони» деб ном олган революционер ўғлон Абдулхай Одилов аини навқирон чоғида, янги орзу-умидларга интилаётган бир пайтда ваҳшиёна ўлдирилди. Қаҳрамон орамада йўқ бўлса ҳам унинг ўлмас сиймоси, мангуликка, эзгуликка даҳлдор қаҳрамонлиги келажак авлод қалбида комсомоллар хотирасида, халқ дилида абадий яшайди. Унинг янги ҳаёт қуриш йўлидаги фидойилиги, қаҳрамонлиги ҳеч қачон унут бўлмайди. Ҳа, довиорак комсомол ана шундай яшаган эди...

Гулнора УЗОҚОВА.

# МАКТАБ КЎНГИРОКЛАРИ

**Шоирлар учун ўйчан фасл ҳисобланмиш куз фасли маориф ходимларига ҳам масъулиятли давр ҳисобланади. Мактаб ислоҳоти мамлакат миқёсидаги масала сифатида жиддий ўрганилмоқда. Бугунги кунда мактаб ҳаёти ҳар жиҳатдан туб ўзгаришлар арафасида турибди. Мухбиримиз шу хусусда Тошкент шаҳар Акмал Икромов район халқ маорифи бўлимининг мудири Йўлдош Эргашевга редакциянинг бир қатор саволлари билан мурожаат этди.**

**Мухбир:** — «Мактаб мустақил бўлиб, унинг бутун турмуши ва фаолияти демократик негизларга қурилиши керак» деган тушунчани Сиз қандай изоҳлайсиз?

**Й. Эргашев:** — Шу йил февраль ойида КПСС Марказий Комитетининг Олий ва ўрта махсус таълим ислоҳоти муаммоларига оид Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «Урта ва Олий мактабда ислоҳат қандай бораётганлиги ва уни амалга ошириш соҳасида партиянинг вазифалари тўғрисида» қилинган докладда халқ маорифини бошқаришнинг буйруқбозлик усулларидан воз кечиш, ўқув юртлари коллективларининг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, уларга имкон борича кўпроқ ваколатлар бериб қўйиш таъкидлаб ўтилган.

Мактаб директори кўп сонли мактаб коллективини бошқаради.

Лекин доклалда кўрсатилганидек, мактаб директори мактабдаги таълим-тарбия ишларини йўлга қўйишда мустақил ҳаракат қила олмайди, чунки у юқоридан бўладиган буйруқларни қутади, халқ маорифига оид топшириқларни коллектив ичида муҳокама этади.

Мактаб директори афсуски, билим савияси паст ўқитувчини ишдан олиш ёки яхши ўқитувчини коллектив ўртасида ўзича мустақил равишда ишга қабул қила олмайди.

Агар мактаб директориға ўқитувчини ишдан бўшатиш ёки уни ишга қабул илиш ҳуқуқи берилса, мактаб директори коллективнинг ҳар бир аъзоси билан алоҳида иш олиб бориши, уларга йўлланма,

кўрсатмалар бериши мумкин бўларди. Мактаб раҳбари РайОНО мудириларидан ҳам кўра ўқитувчи меҳнатига кўпроқ реал баҳо бера олади.

Ҳозирги кунда ўқитувчининг обрўси тушайтганлиги сезилиб қолмоқда.

Масалан: намунали хулқ ва аъло баҳолар билан мактабни битирган ўқувчи олтин ёки кумуш медаль олади.



Олтин ва кумуш медалга ёзилган ёзма ишлар мактаб имтиҳон комиссияси ва фан ўқитувчиси томонидан кўриб чиқилади, лекин мактаб имтиҳон комиссиясига ишонч билдирилмай, уни район медаль комиссиясига, ундан кейин шаҳар медаль комиссиясига ҳавола этилади. Районда ёки шаҳарда баҳоси пасайтирилган ёзма ишлар ҳақида ўқитувчи шаънига жуда кўп гаплар бўлади. Бу борада менинг шахсий

Ёш куч 3

фикрим шундай. Кумуш ва Олтин медал оладиган, шу мукофотга лойиқ ўқувчилар мактаб маъмурияти, комсомол, ўқувчилар комитети ва педагогик совет муҳокама-сига кўйилса, район мактаб инспекторлари томонидан назорат қилинса, уларнинг тавсияси билан ўқувчига бериладиган медал тўғри деб топилса, мактабнинг мустақиллиги ҳам, ўқитувчининг обрўси ҳам ошган бўларди.

Ўқитувчиларни меҳнатига қараб тақдирлашни ҳам мактаб ихтиёрига берилса.

Ҳозирги кунда раҳбарни демократик асосда сайлаш яхши анъанага айланмоқда, лекин демократик асосда сайланган раҳбарга нисбатан турлича ёв қарашлар пайдо бўлмоқда.

Мактабдаги айрим коллективлар ҳозиргача эски метод билан иш олиб бормоқдалар, бундай коллектив ўз ичидан савияси баланд ва талабчан ўртоқларни раҳбар лавозимга сайламасликлари ишимизга путур етказмоқда.

Агар коллектив бўш бўлса, мактабда таълим-тарбия ишлари ҳозирги кун талаб даражасида бўлмаса, бундай мактабга раҳбарни район халқ маорифи томонидан тайинлаш мақсадга мувофиқдир.

**М: Ўз-ўзини бошқаришга оид тадбирлар ўқувчиларга нима беради!**

**Й. Э:** — Ўз-ўзини бошқариш ўқувчиларга мустақиллик бериб, уларда меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишда катта аҳамиятга эга. Ҳар бир ўқувчининг ўзини-ўзи бошқариши коллективни шакллантиради.

Ўз-ўзини бошқариш ҳаётда режали иш тута билишга, атроф-муҳитдаги воқеаларни тийрак кўз билан кузатишга, дўстлари, синфи ва мактабдаги ўзгаришларга берадиган қарамасликка ўргатади. Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришини ўрганишда синф раҳбари, ҳар бир фан ўқитувчиси муҳим ўрин тутди. Синф раҳбарининг асосий вазифаси ўғил-қизларнинг ички ҳаракат механизми сирларини билиб олиш, уларнинг фаолиятини зарур ижтимоий йўналишга буриб юборишдан иборат. Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришга доир ўтказиладиган тадбирларга:

ўқувчилар комитетининг иши; синф мажлислари; синфда ота-оналарнинг фарзандлари билан олиб бориладиган йиғилишлари, ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш, ахлоқий темаларда ўтказиладиган суҳбатлар ва бошқалар кирди.

Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш фаолияти синфдаги ташкилий ишларда, октябрларни оталиққа олиш, пионер ташкилоти томонидан берилган топшириқларни бажаришда, комсомол ишларида фаоллик кўрсатишда кўринади.

Ўқувчилар комитети — ўқувчилар коллективининг ташкилотчилик маҳоратини тарбиялайди. Ўқувчилар комитети мактабда ўтказиладиган барча ўқувчилар коллективига хос бўлган ишларга бошчилик қилади.

Айниқса, синфда ўтказиладиган синф мажлиси ўқувчиларни ўз-ўзини бошқаришнинг энг юқори табақаси ҳисобланади, чунки синф мажлисида комсомол комитети аъзолари, педагоглар, синф раҳбари, синф умумий мажлисини тайёрлайди, бу мажлисда ўқувчиларнинг хулқ-атворлари муҳокама қилинади, айниқса юқори синф ўқувчиларига характеристика тайёрланади.

Айрим вақтларда синф раҳбари ота-оналар билан бирга фарзандларнинг қўшма мажлисини ўтказди, бу йиғилишда ота-оналар ўз фарзандларининг ютуқ ва камчиликларидан хабардор бўладилар. Йиғилишларни ўқувчиларнинг ўзлари бошқариши ҳам яхши натижа беради.

Ўқувчилар коллективини шакллантириш учун ҳар бир синф раҳбари ўз синфидаги коллектив аъзолари билан якка тартибда суҳбат олиб бориши лозим. Якка тартибда олиб борилган суҳбат ҳар бир ўқувчининг уйда ва мактабда олиб бораётган ишлари ва унинг мактаб учун, жамият учун фойдаси ҳақида бўлиб, ўқувчининг онгини шакллантиради.

Ўқувчилар билан турли касблар, жамиятнинг ривожланишида ҳозирги фан-техника, билимнинг аҳамияти, ремонт бригадалари, уларнинг иш фаолияти, ижтимоий-фойдали меҳнатда иштирок этаётган комсомол ва пионерларнинг ишини кўрсатиб ўтиш лозим. Ҳар бир ўқувчи ёшига муносиб ишни бажара оладиган бўлсин, синфдан ташқари ишларда фаоллик кўрсатсин. Лекин ўз-ўзини бошқариш ўқувчиларнинг ахлоқ кодексидан, ўқувчилар қонидасидан четга чиқмаган ҳолда бўлсин. Ўқувчилар билимини баҳолашда ҳам ўз-ўзини бошқариш катта аҳамиятга эга, агар ўқувчи жавобига бошқа ўқувчилар баҳо берсалар, унинг нутқидаги камчиликни ошкоралик билан айтсалар, ўқувчидаги камчиликлар камайиб боради.

Ўқувчиларда активлик, ижодкор-

ликни тарбиялаш лозим.

Пионер, комсомол ташкилотларининг ишини янада жонлантириб, ўқувчиларнинг ташаббускорлигини, уларнинг ўз-ўзини бошқаришига, мустақил равишда топширилган вазифани бажаришларига эришиш лозим.

**М: Ўқувчилар ишлаб чиқариш комбинатлари ҳақиқий ҳунар маскани бўла олмаётганлигига сабаб нима!**

**Й. Э:** Ҳозирги кунда юқори синф ўқувчилари ишлаб чиқариш комбинатларида бирор бир касбга йўналтирилмоқда. Ўқувчиларни касбга йўналтиришда албатта, ўқувчиларнинг ва уларнинг ота-оналари қизиқишини, мойиллигини ҳисобга олиш лозим.

Ўқувчи ва ота-оналарнинг қизиқиши ва мойиллигини ҳисобга олиш учун бизда жуда кўп касблар етишмайди. Ишлаб чиқариш комбинатларида касбга доир асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги ҳунарни тўла эгаллаб олишга имкон бермайди.

Ишлаб чиқариш комбинатларида касбларга оид устахоналар ҳам етишмайди, комбинатлар мослама равишда эски биноларда ўз ишини давом эттирмоқда, бу эса ўқувчиларнинг касб-корга бўлган қизиқишини бутунлай сўндирмоқда.

Комбинатларда ўқув-моддий база йўқ, улар замон талабига жавоб бермайди.

Ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларидаги мастер-мутахассисларнинг билим даражаси паст, педагогик маҳоратлари етишмаслиги натижасида касб-ҳунарга ўргатилаётган ўқувчиларнинг савиялари талабга жавоб бермайди.

Мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари, факультетлар очилса, ўқувчиларга ҳар томонлама пишиқ ҳунар ўргатилса...

Районда ташкил этилган ёки ҳозирги кунда ишлаб турган ишлаб чиқариш комбинатларидаги касблар ўқувчиларни қаноатлантирмайди, уларнинг эҳтиёжларини қопламайди.

Ишлаб чиқариш комбинатлари, ҳунар-техника билим юртлари, мактаб, ота-оналар ва оталиқ ташкилотларида зарур ҳамкорлик ўрнатилса.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш комбинатларининг ҳақиқий ҳунар маскани бўла олмаётганининг сабаби шулар.

**М: — СССР халқ маорифи Давлат комитетининг раиси Г. А Ягодин ўқувчилар мактабнинг сўнги 2 йилида 11 та фан ўрнига 6 ёки 5 та фани ўзлари танлаб ўрганишга эҳтиёж туғилганлигини айтган эди.**

**Сизнинг бу ҳақдаги фикрингиз!..**  
**Й. Э.:** — Ўқувчилар 1 синфдан 9-синфгача умумий фанларни чуқур ўзлаштиришлари лозим, чунки ҳар бир фан ўқувчига ҳар томонлама ҳаётни тушунишга, атроф-муҳит билан танишишга ёрдам беради.

10-11 синфларда эса ўқувчилар ўзлари қизиққан фанларни ўргансалар, бунинг учун райондаги мактабларни уклон бўйича ажратишлари лозим. Махсус фанларга тегишли мактаблар очилиб, ўқувчиларнинг қизиқиши бўйича шу мактабларга янгидан қабул қилинса. Фанлар бўйича ташкил қилинган мактабларда кўпроқ фанларнинг ўқитилишининг амалий машғулотларига эътибор берилса.

Ўз қизиқиши билан ўқитиладиган мактабларга шу фан юзасидан билим даражаси ва қизиқиши суҳбат йўли билан аниқланса. Ҳақиқатан ҳам, Г. А. Ягодин 10—11 синф ўқувчиларига ҳаётда ўзи учун ва жамият учун керак бўладиган 5—6 фаннинг ўқитилишига эътибор берилишини тўғри изоҳлаб берган. Чуқурлаштириб ўтиладиган фанларни ўтишда практик машғулотга кўпроқ аҳамият берилса жуда яхши бўлади.

**М: — Комсомолсиз мактаб қўлсиз одамдай гап. Мактаб ва комсомол ҳамкорлиги ҳақида нима дейсиз!..**

**Й. Э:** — Комсомол ташкилотининг ишлари кейинги вақтларда бироз сусайиб кетгандек тўйилляпти, аслида эса ундай эмас.

Комсомолнинг жасорати, қаҳрамонлиги, инсоний фазилатларини оммавий ахборот воситалари кам ёритмоқда, деб ҳисоблайман. Комсомолнинг босиб ўтган тарихий йўли, жасорати матбуотда, телевидениеда, кино-театр, экран сахналарида кўпроқ ёритишга лойиқ.

Мактаб комсомол ташкилоти секретарларининг семинарлари, район комсомол комитети қошида эмас, балки жойларда, мактабларда кўргазмалар қилиб ўтказилса...

Ташаббускор, илғор комсомоллар рағбатлантирилиб борилса...

Ёшларнинг Ленин комсомоли сафига ўтишлари тантанали равишда эса қоладиган даражада ташкил қилинса.

Жасур комсомоллар номи кўчаларга, мактабларга, корхона, муассасаларга қўйилиб, номлари абадийлаштирилса.

Комсомол ишлари педагогик советда муҳокама қилиб борилса бу ҳамкорлик янада кучайган бўлар эди...

## Маркалар ҳикоя қилади



Усмирлар орасида марка йиғиш кенг тус олганлигини ҳамма билади. Чунки бу қизиқарли машғулот айна пайтда ёшларнинг билим ва савияларини бойитишга ёрдам беради. Бу гал биз Сизга улғур рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой ҳаёти ҳақида сўзловчи маркаларни тавсия этялмиз.

Ёзувчига бағишланган дастлабки Марка қачон чиққанини биласизми? 1935 йили Ёзувчи вафотининг 20 йиллиги муносабати билан. Кўриб турибсиз унда Лев Николаевичнинг ижод қилаётган вақти акс эттирилган. Аслида бу тасвир мусаввир Н. Ге мўйқаламига мансуб. Рассом Ю. Пржешкевич ана шу тасвирни маркага кўчирди.

Биласиз, «Уруш ва тинчлик» ёзувчининг энг йирик асаридан бири. У ўтган асрнинг олтинчи йилларида яратилган. 1956 йили рассом В. Завьялов томонидан яратилган маркада улғур ёзувчининг қиёфаси асардаги жанг воқеалари билан уйғунликда берилди.

1960 йили ёзувчи вафотининг 50 йиллиги муносабати билан бир йўла учта марка чоп этилди. Биринчиси ҳозирда уй-музей деб эълон қилинган (Москва шаҳри) Хамовник чорбоғи фониди, иккинчиси ёзувчи яшаб, ижод қилган Ясная Поляна фониди, учинчиси эса ёзувчининг портрети. Бу ажойиб тасвирларни рассом Х. Ушенин яратди.

Ёзувчи таваллудининг 150 йиллигига эса рассом И. Мартинов ажойиб портрет чизди.

Толстой тасвири туширилган маркалар на фақат СССРда, чет элларда ҳам нашр этилиб келинмоқда. Масалан Чехославакияда ёзувчининг 125 йиллиги муносабати билан иккита марка, Венгрия, Руминияда эса «Маданиятимиз намояндалари» сериясида маркалар, марка тасвирлари туширилган почта конвертлари чиқарилди.

Мана кўрдингизми, маркалар ҳам бамисоли солнома экан.

**А. ОКУНОВ.**



Қадрли редакция! Чорасизликдан қўлимга ручка олдим. Маслаҳат сўраб ёзилган бу дароли мактубимни эътиборсиз қолдирмадан. Зеро «Еш куч» ёшларнинг энг яқин маслаҳатгўйига айланиб бормоқда...

Моддий дунё доимо ҳаракатда, ўзгаришда — биров келади, биров кетади. Ҳаётни бир ерда ушлаб туриб бўлмайди. Ҳар бир тугилиш уни қайтадан яшартираверади. Елиб-юзуриб ўқийсан, ишлайсан, қарийсан, вақти келиб ёруғ дунё билан видолашасан...

Бу табиатнинг ўзгармас қонунидирки, унга бўйсунмай иложинг ҳам йўқ. Бир ҳисобда шундай бўлгани, яъни ҳаёт дарёсининг тўхтамай айқириб оқгани маъқул. Муҳими инсон ўзгаларга, жамиятга зарар етказмай ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлиб, табиат ато этган бу улғур неъматни армонсиз эгас қилиб ўтиши керак. Мен ёшлиқдан энгил-елли ҳаёт кечириб қизиқдим. Нақадар тузалмас хатога йўл қўйганимни эди тушуняпман. Бироқ... жуда кеч.

... Мен 1968 йил Қашқадарё области, Чироқчи район Кўкдала совхозининг «Пахтакор» қишлоғида тутилдим. Отам — Очил Чоршанбиев совхозда шофёр бўлиб ишларди. Очиги, мен ёшлиқдан инжиқ ва эрка бўлиб ўсдим. Мактабга қатнай бошлаганимда ҳам инжиқлигим йўқолмади. Уша йиллари отам Кўкдала совхозидagi матлубот жамиятининг автомагазинида ишларди. У пулни қадрини билмас, маст-аласт юрганидан уйда ҳар кун жанжал бўларди. Менинг тарбиям билан ҳеч ким қизиқмасди. Эҳтимол шунгадир, бора-бора ўқишдан ҳам кўнглим совиб кетди. 1982 йили отам хасталанди — бир қўли ишламай қолди. Ҳар қанча даволанган билан фойда бўлмади. Шундан сўнг мен 8-синфни тугатиб совхозда ишлашга мажбур бўлдим. Совхозда бир йил ишлаганимдан сўнг онам «сенга оғир иш тўғри келмас экан» деб мени ва укаларимни врачлар тавсияси билан (онам II группа инвалиди, тубдиспансерда учётда турарди) Китоб район Паландара болалар санаториясига жойлаб қўйди.

1986 йили армия сафига қақирилдим. Ҳарбий хизмат мен учун Москва шаҳрида қурилиш отрядида бошланди. Санаторийда-санаторий юрганим, жисмоний меҳнат билан шугулланганим учунми, қурилиш иши менга оғирлик қилди. Эҳтимол қийинчиликларга чидашим мумкин ҳам эди, бироқ иродам етишмади, берилган топшириқларни қониқарли бажаролмадим. Менинг қийналаётганимни кўрган баъзи ўртоқларим ҳазиллашиб «ўзингни жиниликка солсанг армиядан қайтасан» дейишди. Менинг ҳаёт фожиам мана шундан бошланди — мутлақо ўйлаб ўтирмай шу йўлни танладим. Командирларнинг мени тугатиш учун қилган барча саъй-ҳаракатлари бекор кетди. Москва шаҳар руҳий касалликлар 1-клиникасида ётиб чиққач, мени уйга жўнатишди. Мана армиядан қайтганимга ҳам бир йил бўлди. Одамлар менга ола қарай бошлагач, Чироқчи район ҳарбий комиссариатига учрашиб хизматни давом эттиришим мумкинми-йўқлигини сўрадим. Улар хизмат мен учун тугаганлигини айтишди.

Ҳурматли редакция!  
Мен хизматни давом эттирмакчиман. Сиздан илтимос қиламан, ёрдам ва маслаҳатингизни мендан аяманг.

Мен ўз хатоимни тушуниб етдим. Олтига укам бор. Ота-онам ҳам ишламайди. Мен ишлаш учун қаерга учрашмай, ҳарбий билетимни кўриб ишга қабул қилишмаляпти.

Ёрдам беринг, маслаҳатингизни кутаман.

Рустам ЧОРШАНБИЕВ.

**РЕДАКЦИЯДАН:** Инсон ўз бахтини ҳам, бахтсизлигини ҳам ўзи яратади. «Қилиш-қидирмиш» деганларидек Рустам «жинни» ликнинг роҳатидан кўра азобини кўпроқ тортиб

ди. Биз унга қанча ачинмайлик ҳали маъмурий идораларга Рустамнинг ҳарбий хизматни давом эттириши ҳақидаги истагини тушунтириш осон бўлмайди. Лекин «адашмиш ёшликка хос» деган гап ҳам бор. Биз Рустамнинг самимий изҳори дил мактубига Қашқадарё области комсомол комитетининг эътибор беришини истардик...

\* \* \*

Мен ҳаётни эндигина тушунадиган ёшга етганимда республикамизда қўшиб ёзишлар, кўзбўямачиликлар авжига чиққан экан. Ана шу ишларни ўз кўзимиз билан кўрдик, лекин уларнинг қанчалик қимматга тушишини ҳалла ҳам келтирмабмиз. Шу боис менга эндиги қўшиб ёзишга алоқадор кичкина иллатлар ҳам аянчли, мудҳишдай туюлади.

... Биз 26 май кунини географиядан имтиҳон топишардик. Менга имтиҳонда беш баҳо «қўйишди», шунда суюниш ўрнига ростини айтсам жаҳлим чиқди. Ахир мен ўрта баҳога жавоб бергандим-да!..

Менга эса аъло баҳо қўйилди. Бир менгагина эмас, бошқа синфдошларимга ҳам аъло баҳолар саҳийлик билан улашилди. Ахир бу пок ва тоза виждонга тўғри келмайди-ку?! Шу кетишда биз эртанги кунда қандай одам бўламиз? Олий ўқув юртарига, техникум, ҳунар-мактабларига борсан аълолимиз не кечади?.. Фалончи мактабни «аъло»га битирганди, ўқишдан «йиқилиб» кетди, таниши ўқининг қисмати шу-да», деган ёлгон гаплар мана шунақа ишлардан кейин болалаб кетмайдими ахир?..

Менимча қўшиб ёзишнинг катта-кичиги бўлмайди, бу иллатнинг бари даҳшатли...

Қашқадарё области, Чироқчи районидаги 18-мактаб ўқувчиси Абдуназар УРОҚОВ.

\* \* \*

«Еш куч» журналининг 1988 йил 5-сонидa «Ҳақиқат излаб» мақоласи журналхонлар муҳокамасида рубрикаси остида Фарғона области Қува районидаги 21-ўрта мактабнинг 1987 йилги битирувчиси Нигора Жалолованинг Бўз педагогика билим юрти қабул комиссияси ҳақидаги танқидий мақоласи босилган. Танқидий мақола эълон қилинган. Қува район 21-ўрта мактабнинг ўзида Бўз педагогика билим юрти директори Т. Иминов, билим юртнинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари К. Ашуров, Қува район халқ маорифи бўлимининг мудири М. Расулов, 21-ўрта мактаб директори Т. Қурбонов, мактаб илмий бўлим мудири М. Ботировлар иштирокида Нигора Жалолованинг «Мақтов Ерлиги» ўрганилди.

Ушбу «Мақтов Ерлиги»да ёзилган фанлар ўқувчига педагогика билим юртига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқини бермайди, чунки ўқувчининг аттестати ва журналдаги она тили ва алгебрадан қўйилган баҳолари тўғри келмайди. Журналда алгебрадан баҳоси «4» бўлгани ҳолда аттестатга «5» қўйилган ва мақтов Ерлигида «алгебра ва бошланғич анализ» деб кўрсатилган. Она тилидан журналда «4» бўлгани ҳолда аттестатга «5» баҳо қўйилган. Бу эса мактаб маъмуриятининг қўпол айбидир.

Бу нарса Нигора Жалолованинг ўзига ҳам, унинг отасига ҳам мактаб раҳбарлари иштирокида тушунтириб берилди.

Нигора Жалолова кириш имтиҳонидан адабиётдан «Бой ила хизматчи» драмасыда синфий курашнинг инфодаланиши» мавзусида ишю ёзган. Иншода 7 та орфографик, 7 та стилистик, 3 та пунктуацион хатоларга йўл қўйгани учун 2 баҳо олган. Баҳо имтиҳон комиссияси томонидан тасдиқланган.

Шундай қилиб, ушбу танқидий хабарда билдирилган фактлар — яъни порахўрликнинг давом этаётгани; деҳқончилик билан тирикчилик қиладиган ҳалол кишиларнинг болалари (жумладан Нигора Жалолова ҳам) билимлари яхши бўлгани ҳолда ўз орзуларига ега олмаётганликлари мутлақо тасдиқланмади.

Т. НИЗОМОВ,  
Бўз педагогика билим юрти

Синфдошларим кўпгина фанларга қизиқишмайди. Дарсда темага қулоқ солишмагани етмагандек, яхши ўзлаштирадиганларга ҳалақит беришади.

Яхши ўзлаштирадиганлар, дедим. Уларнинг баҳоси гарчи «беш» бўлса ҳам, бу аъло баҳо кўпинча ноҳақ жабр чекади. Узимни мисол қилиб кўрсатай — физикадан ҳамма чорақлигим «5», лекин мен унга нолойиқман. Ахир ҳозир ошкоралик замони, ҳақ гапни айтиш замони келди. Биз эса (ўқувчилар ҳам) бунга амал қилмаймиз.

Шунинг учун кўп ўқувчилар мактабда орттиришган олтин медалнинг институтларда миси чиқиб қоляпти. Мен республикамиздаги барча ўқитувчиларга «биз — ўқувчиларнинг ўзлаштиришига ҳаққоний баҳо беринг, аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат яхшики, шунда кўпчилигимиз ичи пуч ялтироқ баҳоларимизга ишониб ўқув юртларида сарсон бўлиб юрмадик» — деб мурожаат қилгим келади.

Таманио ҚАМБАРОВА,  
Андижон области, Хўжаобод шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси

Биз ўқувчиларнинг сизга бир саволимиз бор. Бизнинг Макаренко номли мактабда соч масаласи қийин. 8—9—10 синфлар соч қўяди-ю, 6—7 синфларга руҳсат йўқ. Нима учун? Ахир сочининг ўқишига нима дахли бор?..

Нима учун ўқувчи соч қўйгани учун калтак ёйиши керак? Тўғри, сочини тартибда ўстириш керак. Масалан, биз синфда ўғил болалар сочини кунда кўриб туриш учун бир болани санитарликка сайламоқчи эдик. Бу таклифни синф раҳбарига айтган эдик, аммо у таклифга қўшилмади. Бизга, яъни Макаренко номли мактаб ўқувчиларига жавобни аниқ қилиб ёзиб юборинг.

Соч олдириш мажбурийми? Нима учун ўқитувчилар ўқувчи сочини қийиши керак? Шундай қонун борми?..

Анвар БОБОЖОНОВ,  
Хоразм области, Хонқа шаҳри.

...Мен 1986 йилда 8 йиллик 52-мактаб-интернатини битириб, 1-сентябрь кунини ҳамма қатори 45-ўрта мактабга 9-синфга ўқишга келдим. Шу кунини менга ва қатор ўқувчиларга, «Сизлар 56—СПТУ га ариза бергансизлар» деб, бизларга мактабда ўқишга руҳсат берилмади. Бизлар ариза бермасак ҳам ноилж бу ҳунар мактабига ўқишга бордик. Мана ҳозир II курсда ўқиямиз. I курсда ўқиб юрганимизда «Саодат» журналига ҳам хат ёзган эдик. Лекин фойдаси бўлмади. Мен ёшлигимдан ҳамшираликни орзу қилар эдим. Билим юртида эса бизлар «тракторчи-машинист» бўлиб чиқамиз. Ҳеч бўлмаса тикувчиликка ўргатишсаям майли эди-я. Ахир бизнинг қишлоғимизда пахта экилмайди, майли деб ерни шўдгор қилиб умримизни ўтказсак. Е фан — техника шу кетишда тараққий этаверса, қўлимизга тегадиган «тракторчи-машинист» дипломи билан ойни шўдгор қилгани учиб кетармикимиз...

Мухаррам МҒМИНОВА,  
Самарқанд области  
Советобод район  
«Ленинчи чорвадор»  
совхоз

Салом ҳурматли редакция! Мен 1-«А» синфидa ўқийман. Агар музқаймоқ есам кайфим чоғ бўлиб, «5» баҳолар оламан. Лекин музқаймоқни бизнинг қишлоғимиздагилар қандай тайёрлашни билмайдилар. Мен ҳам билмайман. Музқаймоқни яхши кўрганим учун журналингизда уни қандай тайёрлашни, иложи бўлса бизга музқаймоқхона очиб беришингизни сўрайман.

НОРОВА Мавлуда,  
Бухоро области, Ғиждунов район  
Ленин номли колхоз.

Мана икки йилдан бери «Еш куч» бизнинг маслаҳатгўйимиз, суҳбатдош дўстимиз бўлиб қолди. У бизни гоҳ кўлдириб, гоҳ ўйлатиб баҳс-мунозарага чорлаб турибди...

Журналининг шу йил 5-сонидa эълон қилинган «Тарих сабоқлари» туркумидан «Шахе фожиаси — давр фожиаси» мақоласини ўқиб қаттиқ таъсирландим. Айниқса Сталиннинг Совет Армиясининг етук ҳарбий қўмондонларини ўлдиришда бош-қош бўлгани мени жуда ғазаблантирди.

Сталин асар уларни бевосита ўлдирганида эди, Улуғ Ватан уруши 1941 йилдан 1945 йилгача қўзилмаган, қанчадан — қанча одамларнинг ёстиғи бевақт қуримаган, қанчадан — қанча болалар очлик, юпунлик ва айронларда отасиз қолиб ҳазондек сарғаймаган бўлур эди.

Унинг социализмни ҳимоя қилишга қўйган ҳиссасини бу қотиллик билан бир тарозига солишнинг ўзи адолатдан эмас.

Мақолани ўқиб мен бир вақтлар ўқувчилик пайтимиздаги воқеани эсладим...

Бир кунни ўқитувчиларимиз колхозимизга Рашидов келармишлар, шунинг учун дарсдан тўғри шанбалликка борамиз ва у кишим ўтадиган йўللарга сув секиб, суңуриб-сидириб, ўтлардан тозалаймиз, — деб ҳаяжонланиб қолишди. Юқори синфларга жавоб тегди. Қўёшли иссиқ кун эди ўшанда. Биз чанг, тупроққа беланиб, яқин бир километр йўлнинг икки четини тозаладик, колхоз идорасининг олдида ювиниб ўша жойнинг ўзига саф тортиб турдик, бир вақт «келишяпти» деб ҳаммалари шошиб қолди. Биз «ҳаммамиз учун ҳурматли бўлган Рашидов» машинадан тушиб, колхоз раҳбарлари билан гаплашар, кичкинтой укаларимиз бир неча кун тайёрлашган концерт программасини кўрар, йўл бўйида нонтуз тутган оксоқолларимиз олдида бориб, лоақал саломлашар деб ҳаммамиз кутиб турдик, лекин... машина гизиллаганча ўтиб кетди...

Ушанда бу менга жуда қаттиқ алам қилган: қарияларни менсимагани, уни кутиб олиш учун чанг-тупроқ ютиб, тозалаган йўлларимизга қиё ҳам боқмай ўтиб кетгани ҳали ҳамон кўнглимни музлатиб юборади. Нима бу — каттазангликми? Халқни менсимадикми? Ахир бунақа раҳбарларни ҳам халқ боқадикун?

Бунақа одамлар халқнинг меҳр-муҳаббатини қозониш учун эмас, халқни ўзига бўйсундириш ва халқ устидан ҳукмрон бўлиш учун ҳаракат қилдилар.

Ҳаётда ўзига берилган ҳуқуқ ва имкониятдан фойдаланиб, шахсий манфаатларини умум манфаатидан устун қўйган кимсалар авлодлар олдида шундай юзи қора бўлаверади.

Бир кишига берилган ҳаёт икки эшик орасидай қисқа экан, шу қисқина умримизда инсонларга яхшилик қилиб, ўзимиздан яхши ном қолдириб кетайликки, токи бу ишимиз раҳбарларга ибрат бўлсин.

Олима МАМАЖОНОВА,  
Наманган области, Чуст район  
Жданов номли колхоз.



...Меҳнаткашлар партия органлари ва оммавий ахборот воситаларида юбораётган турли шикоят хатларининг сони камаймаяпти. Ҳозиргача ҳам танқид учун таъқиб этиш ва ҳатто ўч олиш ҳоллари учраб турибди... Партия ошқораликни ривожлантираётган экан, ҳаммиса омма ҳамма нарсани библиши керак, ҳамма нарса ҳақида фикр юритиши керак, деган ленинча кўрсатмага муттасил амал қилади. Коммунистик партияга, совет халқига ҳақиқат зарур, жамиятда содир бўлаётган барча воқеалар ҳақида тўла ва холис ахборот керак...

\* \* \*

...Мен қишлоқиман. Қишлоғимиз ниҳоятда ғариб. На клуб, на ҳаммом, на магазин бор! Ҳеч нарса йўқ! Эрк-чи? Уям йўқ. Қишлоқда ҳеч қим қизларини ўқишга юбормайди! Бизга эрк, озодлик керак! Орзуларимиз юрагимизда тошдек қоғиб қоляпти! Қайта қуриш қишлоққа мутлақо кириб бормаяпти.

Бағрим қондир  
ўз орзумга етолмай,  
Юрагимда тугун

Кайда у эрк?!  
— Қайда озодлик?!

Орзуларга етишмоқлик  
бир гумон...

Қишлоқиман айбим шудир.  
Уй тозалла, ҳовли сунур.  
Бундан ўзга ишим йўқдур  
Ўтмоқдаман мисоли кўр.

Кашкадарё области, Чирокчи район,  
Кўкдала совхозы «Коммунист» қишлоғининг бир гуруҳ қизлари

\* \* \*

Бу мактубни ёзишдан олдин кўп ўйладим. Ёзсамкин ё ёзмасамкин, деб. Охири ёзишга қарор қилдим. Ёзиб тўғри қилдимми ёки нотўғрими — билмайман. Фақат мени тўғри тушунишларим бас. Яхшиси бир бошдан гапириб бера қолай.

Мен Г. исмли қизман. 9-синфда ўқийман. 6-синфда ёшимиздаги қишлоққа аммаминикига кетаётганимда олдимдан иккита бола, яъни йўл тўсарлар чиқиб қолди. Жуда қўрқиб кетдим, улар мени мажбурлаб қилик номусимни паймол қилишди. Қандай уйга келганимни билмайман. Келиб ошимга айтгани ҳам қўрқдим, ҳам уялдим. Анча вақт нима қилишни билмай юрдим. Кейин вақт ўтгач бу эсимдан ҳам чиқиб кетди. 8-синфга келганда йигитлардан ишқий мактуб кела бошлади. Хуллас, мени тинч қўйишмади. Дугонамага «нима қилсам қутиламан» деб ёрилдим. Уям, «биттасига жавоб хатини ёзда қўй, шунда қутиласан» деди. Шу тариқа бир йил ўтди. Мен хат ёздим. Мана, ҳозир 9-синфни битираялман. Уша 6-синфдаги воқеа энди эсимга тушиб юрибди. У йигит ҳозир Армияга кетган. Энди ўша йигитга жавоб ёганимга пушаймон бўлиб юрибман. Ахир мен, бахти қаро қил, бир бахти кулган йигитни алдаб

юриманку. Кечалари уйқум ўчиб кетади. У йигит менинг «бунақа» лигимни билмайди. Мен эса унга қандай айтишни билмайман. Овоқ жойларда қизларнинг номусини паймол қиладиган йўлтўсар йигитларни инсофга чақириб бўлмайдимми? Қачонгача улар гулдай очилган қизларнинг бахтини қаро қилиб келади? Қачонгача? Мен учта йўлни танладим. Йигитга айтиш, дунедан ёлғиз ўтиш ва ўлиш. Ҳа, бу нарсалар айтиш учун осон, лекин буни бажариш жуда қийин. Менинг мактубимни ўқиб, балким куларсизлар. Лекин нима қилай, ҳозир қай аҳволда бу мактубни ёзаётганимни билсангизлар, эди. Мен ва менга ўхшаганларнинг ҳаёти ёшигидан сўлиб борса, бу нима ахир, шу аллозда ўтиб кетаверамизми? Аборт қилдирай десам, бизда камида 500—1000 сўм билан қилади. Мен у пулни қаердан оламан, қилдирай десам...

Хурматли журналхонлар! Сизлардан илтимос, мен бахти қаро қиздан озгина бўлсаям қимматли маслаҳатингизни аяманглар. Ердам беринглар менга. Бу мактубни журналда босишингизни илтимос қиламан.

Г. Т.

Хурматли редакция!

Мен Умида Қобилова яқинда Ч. Айтматовнинг «Кунда» романини ўқиб чиқдим. Роман менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Асарнинг бош қаҳрамони она бўри Акбара ўз фарзандларини топшириш учун кеча-кундуз тинмай меҳрини, жонини аямай азоб чекади, сарсон бўлади ва охири ўзи ҳам ҳалок бўлади. Ёри-ку, оддий тил билан айтганда ҳайвон. Наҳотки онгли мавжудот — инсоннинг ўз фарзандига бўричалик меҳри бўлмас. Мен Хива шаҳридаги 20-сон болалар уйи тарбияланувчисиман. Мен шу романи биринчи навбатда ўз боласини болалар уйига топшириб, бемалол, яшаб юрган, йилда 1—2 марта, фақат жига тушган вақтида, байрам кунлари, «кайфияти» яхши кунларидagina болалар уйига келиб-кетувчи ота-оналар ўқисалар, деб орзу қиламан. Балки улар ўшанда бўри Акбарчалик ҳам бўла олмаганларини ҳис қилган бўлармидилар, деб ўйлайман.

Шу маънода Г. Энинг — келинг, уни Гавҳар деб атайлик — ёзганлари хусусида анчагина чуқур мулоҳазалар юритиш мумкин.

«Аслида редакцияга мактуб йўллашдан ҳеч қандай наф йўқ. Шунчаки, ёзганларингни тирик инсон ўқибтангани, оз бўлса-да, дардларингга кулоқ солаётганини ҳис қилсанг анча енгил тортасан экан, киши».

Гавҳар, шу сўзларингда «яшашдан чарчаш» фалсафасининг асосий қирралари акс этиб турибди. Сен баалоғат ёшидасан, бошқачароқ айтганда ҳам жисмонан, ҳам руҳан ўзгаришлар пўртанасида яшамокдасан. Атрофингда бўлаётган ҳодисалар дам жуда қизиқ, дам ўта бачкана, зерикарли туюлади.

«Хатни дарс ватида ёздим, чунки йигирма йилдан бери ўқилавериш сийқаси чиқиб кетган фикрлардан иборат лекцияни тинглашдан кўра ўзингни қийнаётган туйғулар ҳақида ўй суриш фойдалироқ экан», дебсан. Бу сўзларингда қараганда студентга ўхшайсан, мулоҳазаларингни раво баён этгансан ва шулар баробарида кўнглингда ҳаётга муҳаббат гунчалари ҳам мавжудлигини «айтиб» турибсан. «Яшашдан чарчашинг» жуда нозик ва мураккаб руҳий жараёнлар ҳосиласи эканидан қатъий назар унга бошқа бир жиҳатдан қарасанг, сенга азоб бераётган муаммо ўта оддий, жўн ва энг муҳими — ўткинчи ҳол эканини англайсан.

...Муассасалар ва корхоналарда, партия, совет, касба союз органларида одамларни шахсий масалалар бўйича қабул қилишни ташкил этишни анча яхшилаш зарур. Меҳнаткашларнинг асосли илтимослари ва қонуний талабларини кўриб чиқишдан бўйин товлаш мансабдорнинг жиддий ноҳўй ҳаракати, деб ҳисобланиб, бунинг учун унга ишдан то бўшатилишгача бўлган жуда қаттиқ жазо чораси кўрилиши керак.

КПСС XIX конференцияси резолюцияларидан

\* \* \*

Ўзбек миллий асбоблари оркестри деган гапни эшитиш сизга маъқулми? Каттароқ ёшдагилар бу саволга албатта, деб жавоб беришларига шубҳа қилмайман. Бироқ ёшларчи? Улар савол моҳиятини чуқурроқ тушунай туриб елка қисинишди.

Кейинги йилларда ўзбек миллий асбоблари оркестри маданият масканларида жуда кам кўринаяпти. Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва шу нингдек яна бир қатор областларда эса умуман йўқолиб кетган. Менинг касбдошларим бу ҳақида ҳаммиса афсусланиб гапирдилар. Кейинги йилларда кўп жойда миллий асбоблар оркестрлари ўрничи вокал-чолғу ансамбллари батамом эгаллаб олган.

Мен консерватор эмасман, бироқ мизакдек бир-бирига ўхшаш эстрада ансамбллариининг кўпайиб кетишига, йиллар давомида санъатимиз равиқига замин бўлиб келаётган миллий музика ананаларимизнинг йўқолиб кетишига қаршиман.

Ҳаётимиз қанчалик шиддат билан ўзгармасин, қашқар рубоби, чанг, дутор, танбур ва бошқа миллий асбоблар чолғучилари ижросидаги куйларни мароқ билан эшитадиган кишилар, уларга холисона баҳо берадиган тингловчилар орамизда талайгина топилади.

Атоқли ва машҳур миллий асбоб чолғучилари — Қобил Эсмонов, Аббос Баҳромов, Тоҳир Ражабов, Турғун Алиматов, Ориф Қосимов, Адҳам Худойқуловлар санъатини ёдга олиб, уларнинг ажойиб ананаларини қайтариши керак. Яна шундай тўғараклар ташкил қилиши керакки, бу ерда ёшларимиз бошланғич музика таълимидан назарий ва амалий сабоқ олсинлар. Бу ўз ўрнида оилада музика санъатида бўлган қизиқини оширади, шу билан бирга маданият уйлариининг бу борада олиб бораётган ишларини бирмунча енгилаштиради.

Ҳаваскор ўзбек чолғу асбоблари оркестридаги жиддий камчиликларни йўқотиш, тўғри йўлга солиш учун биринчи навбатда маданият уйларида малакали раҳбарлар етиштириб бериш, уларнинг фаолиятини кучай-

тириш керак. Бу гап менимча, фақат маданият институтларигагина эмас, балки шу соҳада кадрлар етиштириб беришчи барча ўқув даргоҳларига ҳам тегишлидир.

Қишлоқ жойларда, республикамизнинг турли чекка районларида махсус музика мактабида ўқимаган, лекин бу соҳада анча талант ва қобилиятга эга кишилар талайгина. Улар жойларда тўғараклар ташкил қилиш истагини ҳам билдиришмоқда. Афсуски уларда махсус назарий билим етишмайди. Худди шундай кишиларни илмий-методик марказлар ўз қанотлари остига олас, улар учун махсус малака ошириш курслари очилса, семинарлар ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўларди.

Музика асбобларининг етишмаслиги тугал оркестр коллективи ташкил қилишда маълум қийинчиликлар тугдирмоқда. Сотувда эса бундай комплеклар йўқ. Тўлиқ тўпламсиз эса ёқимли оҳанг беришчи, тингловчи эътиборини торта оладиган ҳақиқий оркестр ташкил қилиш мумкин эмас.

Ниҳоят, ҳал қилиниши керак бўлган энг сўнги ва муҳим масала — бу репертуар. Нашриётлар — биз бадиий ҳаваскорлик раҳбарларини оркестрлар учун, халқ чолғу асбоблари ансамбллари учун махсус ёзилган қўлланмалар билан таъминламаяпти. Борларида ҳам ҳаваскорларнинг ижрочилиги ижмонилари ҳисобга олинмаяпти. Миллий асбобларда коллектив ижро учун эса умуман китоблар йўқ.

Менимча, Т. Жалилов номли ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри репертуари учун ёзилган музика асарларининг бир қисмини ихчамроқ қилиб қайта нашр қилиш керак.

Халқ оркестрлари саногини кўпайтириш учун, уларга ижодий ёрдам бериш учун ҳамма биргалликда, бу ишни пайсалга солмай ҳаракат қилмоқ лозим. Фақат шундагина биз ўзбек маданияти маънавий хазинасини ташкил қилувчи ўзбек халқ оркестрининг аввалги нуфузини тиклай оламиз.

Ш. ЖАНАЙДАРОВ.

Авиасозлар Санъат саройи қошидаги ашула ва ракс халқ ансамблининг бадиий раҳбари.

## Яшашдан чарчама, синглим!

«Яшашдан чарчадим» деб ёзибди 20 ёшли тошкентлик Г. Э. исм-шарифли қиз. «Яшашнинг энди менга қизини йўқ» дейди хоразмлик 16 ёшли Р.

Алам, армон ва мунг тўла бундай хатларни ёзишга қизларни нима мажбур қилди? Ўн гулдан бир гули очилмаган, ширин ўй-хаёллар, орзу-умидлар қанотида парвоз этиб юрадиган бир даврда нега энди яшаш қизларга ортиқчадек туюляпти?

Бундай мазмунда олинган хатларнинг аксарияти имзосиз жўнатилган, имзоси борлари ҳам «исем-фамилия» ни журналга ёзмаганлар» деб илтимос қилишган. Лекин бундай мактуб эгаларининг барчасига хос бўлган хусусият шундаки, уларнинг бари редакцияни самимият билан суҳбатдош деб билдилар. Бинобарин, энг яқин дўстларига ҳам очмайдиган кўнгли дафтарларини бизга раво кўрадилар.

Шундай эмасми, Гавҳар синглим? Сенга азоб бераётган жумбоқлар ўткинчи эканини наҳотки сезмаётган бўлсанг, Гавҳар?.. Шу тариха сал чуқурроқ ўйласан, хоразмлик Р. «баъзан ўзимни ўлдиргим келади» деб ёзгани нақадар бемаъни хулоса экани кўринмайди?! Наҳотки, арзимас ўткинчи эҳтирослар алдовига учиб ҳаётни, меҳрибон ота-она, ёр-дўстларини доғда қолдириш ақлдан бўлса?!

Сен ҳам Гавҳар, Р. синглимиз, қолаверса бундай мураккаб ўтиш даврини бошидан кечириётган йигит-қизлар ҳаёт талабларига жиддийроқ қарашлари, оғир-енгил синовларга бардошли бўлишлари керак! Оғирни енгили қилишнинг энг синалган чораси эса, ўзинг ёзгандек, изҳори дилдир. Сирдош дугонанг бор, онанг, опа-синглинг бор — уларга кўнглингни ёз, хасратлаш, фикр алмаш — олам гулистон бўлади. Жилла курс, қалб ҳаловатингни ўғирлаган ўйларни кундалик тарикасида қоғозга тушир. Ана ўшанда ишончим комилки, енгили тортасан, ўзинг ёзгандек, «яшаш нақадар гаштли» туюлаверади!

Суҳбатдош 7

Очиғини айтиб қўяқолай, мактаб, маориф соҳасида ишламаганман. Аммо фарзандларим туфайли шу кунгача мактабдорлар билан барбар нафас олиб келдим. Аввало ўғлим ўрта маълумотли бўлди, институтда ўқияпти, бу йил эса эгизак қизларим мактаб билан ҳайрландилар. Кўриб турибсизки, уч фарзандим билан уч марта биринчи синфдан ўнинчи синфгача бўлган йўлни босиб ўтдим ҳисоби. Бу йўл машаққатларини бола тарбиясига андармон бўлган ҳар бир ота-она, шахсан болаларнинг ўзлари ҳам яхши тушунадилар. Кузатувлардан хулоса чиқариб шуни айтиш мумкинки мактабда ҳали деярли кўп нарса ўзгармай қоляпти. Уқитиш ва ўқиш услубининг қўйма қолипи ҳамон амалда. Шунинг учун ҳам бу соҳада революцион қайта қуришни амалга ошириш зарурдан ҳам зарур, деб ўйлайман. Бу гапларни айтишдан мурод «Еш куч»нинг кенг, талабчан журналхонларини, ўғил-қизларни, ота-оналар, педагогларни мактаб ҳақида кўпроқ, асослироқ, кенгроқ ўйлашга жалб қилиш, тарбия бу — программалаштирилган механизм, ўзгармас жараён эмас, у ҳаётнинг ўзидек турланиб, янгиланиб турадиган жараён эканлигини таъкидлаш.

Аммо шуням тан олиш керакки, тарбия соҳаси жудаям нозик соҳа. Менимча етти ўлчаб бир кес деган ибора шу соҳагагина тааллуқлидек. Чунки жамиятнинг қай тарзда ривожланиши, олдинлаб кетиши, орқада қолиши тарбияга боғлиқ. Ҳозирда мактабни ислоҳ қилиш, базавий мактаблар яратиш, компьютерлаштириш, шунга ўхшаш кўпгина муаммолар маорифимиз олдида кўндаланг бўлиб турибди. Шуниси ачинарлики бу муаммолар ҳалиям тор доираларда, шу соҳанинг мутахассислари даражасидагина муҳокама қилинмоқда. Бутун жамоатчилик ўзини сафарбар деб

жавоб топиш қийин. 11 йил ўртача ўқийдиган боланинг ўрта мактаб программасидаги фанларни қанчалик ўзлаштира олишидан келиб чиқиб белгиланган муддат. Агарда ўқув муддатини фанлар қўламининг кенгайганига қараб 10 йилдан 11 йилга узайтирган бўлсак, амалдаги мактаб ислохотидан кейин фанлар кўлами янаям кенгайиши мумкин, унда муддатни яна чўзамизми? Шуниси қизиқки, ҳозирда 11 йиллик таълимни амалга ошираётган мактаблар билан ёнма-ён ишлаётган шундай новатор-педагоглар борки, уларнинг тажриба ва методлари ўқув-тарбия жараёнини бирмунча жадаллаштириш, ўқув курсларини бир бутун ҳолга келтириш, ўқувни дифференциялашдан иборат. Бу методлар, шубҳасиз, ўқув муддатини узайтиришга эмас қисқартиришга олиб келади. Базавий мактабларимиз шу истиқболли тажрибаларга асосланишса бўлмайдими?

Базавий мактабларда ўқишга жалб қилинаётган болаларнинг психологик ва жисмоний етуқлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шундай қилинапти. Масаланинг яна бир энг муҳим томонларидан бири ўн бир йил ўқиган ўқувчининг билими ўзининг касб билан боғлиқ шахсий қизиқишларига тўла мос тушади-йўқми? Ҳаётимизнинг у ёки бу соҳасида қийналмай ўқиб ёки ишлаб кета оладими? Бошқачароқ айтганда жамиятнинг ишчиларга, мутахассисларга бўлган ташналигини қондира оладими? Улар ҳаётнинг актив аъзоларига айланадиларми, ҳамма гап шунда!

Менимча ҳаётнинг мана шундай қўядиган талабларига олдиндан «Ҳа» ё «Йўқ» деб жавоб беришга ожиздек кўринамиз. Болага ёшнинг қайси палласида нималарни миянинг маълумотларни қабул қилиш фаолияти, боладаги умумий активлик, пассивлик ҳолатлари охиригача ўрганилиб чиқилгани йўқ. Ахир ниҳолга

Биз юқорида болаларнинг неча ёшдан, неча ёшгача ўқиш масаласини кўтарган эдик, энди бу гапни ўзимизча хулосалайдиган бўлсак ўқув муддати 14—16 ёшни ташкил этса, бирон бир мутахассисликни эгаллаш (шу жумладан олий маълумот олиш ҳам) 19—20 ёшда ниҳоясига етса энг қулай вариант шу бўларди. Ёшлар 20—22 ёшда ҳаётга кириб келарди.

Энди биз базавий деяётган мактаблардаги ёки базавий бўлмаган мактаблардаги таълим-тарбиянинг асл маъзига яқинроқ борайликчи. Мактаб ҳаётида катта воқеа бўлган партиямиз Марказий Комитетининг февраль Пленумида базавий мактаблар ёш авлодга ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш ва бошқа фанларни ўргатишдан ташқари энг муҳими ҳаётда яшашни ўргатиши кераклигини уқтирди. Хўш, биз болаларга чиндан ҳам яшашни ўргата бошладикми? Йўқ, ҳамон болалар саводсиз бўлиб чиқишяпти. Урта мактабни битирган ёшлар ҳатто идораларга учрашиш, ариза ёзиш, хужжат тўлдиришни билишмайди. Жисмоний етуқлигичи? Ҳатто эрталлабки гимнастика комплексини ҳам тугал билишмайди. Бундан ташқари энди улар оила ҳам қуришлари керак: қизларни эрга тегишга, йигитларни уйланишга тайёр деб бўладими? Фарзанд кўришганда унинг тарбияси билан шуғуллана оладиларми? Йўқ! Ҳатто улар ўзлари ўзлари тарбия қилишни ҳам билмайдилар. Айтайлик йўлда, уйда бирон кор-хол юз берди. Бировнинг юраги тутиб қолди, биров жароҳатланди. Хўш, йигит-қизларимиз ёрдам кўрсатишга қодирмилар? Водопровод трубаларини, электр асбобларини тузатишни қўя турайлик. Ҳатто дастурхон атрофида ўтириб, тартиб билан овқатланишни, бир-бирлари би-

## МАКТАБ ҲАҚИДА ЎЙЛАР ЭКАНМИЗ...

билмаяпти. Тарбиями, демак, мактаб шуғулланиши керак, деган нотўғри тушунча ҳамон миямизни заҳарлаб турибди.

Масалан, болани неча ёшдан ўқитиш муаммосини олайлик. Бир қараганда бу муаммо ҳал бўлгандек. Базавий мактаблар очиб олти ёшдан ўқита бошлади-ку. Тўғри, кўпгина тортишувлардан кейин шу ёшни ҳозирча мезон қилиб олдик. Хўш, шу билан бўлдими? Мактабни битта қолипга солиб олдикми? Бу масалада бошқа нуқтаи назарлар йўқми? Бор! Жумладан Англияда мактабга болалар беш ёшдан жалб этилади. Ўзимиздачи, масалан, Никитинлар оиласида болалар янаям эртароқ ёшдан ўқитилади. Ҳатто ёзиш ва ҳисоблаш машғулотларида ҳам бу оила болалари қийналишмайди. Албатта, оилавий шароитда ўқитилаётган битта оила болаларини бутун мамлакатга қислаб бўлмайди. Ёш масаласи асосий чегара эмаслигини айтмоқчиман. Болаларни эрта ёшдан ўқитишга олимлар, психологлар ҳаммиша тарафқаш бўлиб келишган. Бунда улар биринчи ўринга — болада фикрлаш қобилиятини пайдо қилиш ва уни ўстириб боришга эътиборни қаратадилар. Биз бўлса ўқиш деганда — ёзишу, ўқишни ўргатиш деб тушунамиз. Наҳотки, бошқачароқ бўлиши мумкин эмас. Масалан, ўқитишни жисмоний машғулотларнинг турли-туман элементларидан бошласакчи. Сухомлинский ўқитиш ишларини табиатни ўрганишдан бошлаган эди-ку. Болада энг аввало ўқишга, ёзишга қизиқиш пайдо қилгандан кейингина бу машғулотларга ўтса бўлмайдими?

Энди ўқувчининг мактабдаги ўқиш муддати-га келсак, бу ҳам анчагина баҳсли масала. Гарчанд ўрта мактабни ислоҳ қилиш Низомида ўқув муддати 11 йил қилиб белгиланган бўлсада. Хўш, нима учун 11 йил! Бу саволга илмий жиҳатдан асосланган, қониқарли тугал бир

ҳам ташналиги ошганда сув берилади-ку. Ортиқча сув тегирмонни бузади деганларидек, таълим ва тарбияда ҳам аниқ меъёр, ўлчам жуда муҳим.

Мактаб ислохотининг ҳозирги талабларини ўйлар эканман беихтиёр савол туғилади: наҳотки XXI асрда ҳам ўрта умумий таълим мактаблари 11 йилга, олий ўқув юртлари 5—6 йиллигича қолаверади? Ёшлар ўрта мактабни 16—17 ёшда, олий ўқув юртларини бўлса 22—23 ёшда тамомлайдилар? Ҳарбий хизматга олий ўқув юртларидан ҳам қақирляпти. Бу икки йил хизматни ҳам қўшадиган бўлсак 25 ёшдагина йигитлар қўлларига диплом олиб ҳаётга кириб келадилар. Бу жудаям кеч эмасми! Бундан ташқари ҳар бир ёш мутахассис борган куниданоқ коллективда сип-силлик ишлаб кета олмайдди. Маълум даражада тўсиқларни енгиб ўтиш, бир-бирларига кўниқиш жараёни давом этади. Қарабсизки актив фаолиятга киришгунча ёш ҳам ўттизани қоралаб қолади.

Энди ҳарбий хизматга қақирляпти даврининг яна бир жиҳатини олиб кўрайлик. Йигитлар ҳарбий хизматда жисмонан чиниқадилар, мустақил яшашга кўникадилар, ўзларини-ўзлари бошқаришни ўрганадилар. Буларнинг бари яхши. Лекин хизматдан бўш қўл билан келадилар. Ҳарбийда орттирган касби тинч ҳаётга асқотмай қолади. Қишлоқ хўжалиги, завод ва фабрикалардаги техника, станоклар олдида соқов бўлиб тураверадилар. Бу ёшда улар росмана йигит ёшида — 20 да бўладилар. Ана энди бирон бир касбни ўзлаштириш туртинишлари бошланади. Назаримда ҳарбий хизматларни ҳам ҳаётга яқинлаштириш зарур, 18—20 ёш энг актив фаолият кўрсатиш даври, бу вақтда ёшлар бирон бир касбни ўрганишга ҳам ўзларида куч топа оладилар.

лан муомала қилишни билмайдилар-ку. Қулоқ солсангиз: «хов менга қара», «хей қиз», «хов бола». Мана шунақа бақариқ-чақариқ. Ёшига хос назокат, ифбат қани? Мана шуларнинг барига ёшларни мактаб тайёрламайдими? Ҳаётда яшашни ўргатиш керак деган талабга лутф ва назокат, жасорат ва уддабуронлик, хушёрлик ва билимдонлик ва бошқа ахлоқ нормалари кирмайди ва у мактаб ёшида шаклландмайди?

Айтайлик, шахсан мен бугунги мактабимизни — фанларни ўқитишни қандай тасаввур қиламан:

Мактабда математикани, илмий асосланган табиёт фанини, (физика, химия, биология эмас, бу фанларни шу соҳани мутахассис бўладиганларга махсус ўргатиш керак, тарихни, чет тилини лекин бугунгидек лутф билан бир амаллаб таржима қилиш даражасида эмас, асослироқ қилиб) ўргансин. Мактаб яна болаларга компьютерни ишлата билишни, мотоцикл, автомобиль, трактор бошқаришни ўргатсин. Ўқувчи расм сола олсин, суратқашликни билсин, музика саводи бўлсин: қўшиқ айтсин, бирон бир чолғу асбобини чалишни удалласин.

Ўқувчи адабиёт ўқиганда фақат ёзувчилар ва улар ёзган асарларнинг тарихингина эмас, асарларнинг ўзини, эртақлардан тортиб халқ мақолигача ўргансин. Навоидан тортиб Пушкингача, Гомердан тортиб Евтушенкогача, Чингиз Айтматов, Абдулла Қодирий, Ойбеккача ўқисин. Кино, театр санъати — булар энди дарслик сифатида ўқитилиши керак. Мантиқ фанини? Нима учун мактабларимизда бу фан ўқитилмайди. «Еш куч»нинг шу йил 7 сониди журналхон Н. Курникованинг мактабларда мантиқ фанини ўқитишга бағишланган мақоласига тўла қўшиламан.

Бундан ташқари ҳаётга кириб келадиган ҳар



## ХАТЛАР ВА УЙЛАР

## ХАТЛАР ВА УЙЛАР



бир ёш ўз имкониятларини: нимага қодир, нимага қодир эмаслигини, ирода кучини, руҳиятидаги камчиликларини, заиф томонларини тўғри англаб етган бўлиши керак — бу унга ҳаётда ўз ўрнини топиб олишга ёрдам беради.

Умумий таълим мактабларининг асосий вазифаларидан яна бири бу — ёшларни меҳнатга ўргатишдир. Биз бировга баҳо бераётганда меҳнатсевар деймиз. Ҳамма гап меҳнатни қандай севишга ҳам боғлиқ. Бунда ёшларда меҳнат кўникмасини пайдо қилиш, меҳнатга ҳурмат билан қарашни шакллантириш, жамоатчилик бажараётган у ёки бу меҳнатни юракдан ҳис этиш, ҳар доим ҳам қувонч келтирмайдиган меҳнат ҳам бўлишлигини ёшларга англаштириш зарур. Ўқувчилар қишлоқ ва шаҳарларимизда мавжуд бўлган меҳнатнинг у ёки бу турига имкони борича кенг жалб этилиши мақсадга мувофиқдир. Нима учун ўқувчилар шанбаликлардагина қўлларига супурги ушлашлари керак! Мактаблари атрофини, яшаб турган бинолари подьездларини, маҳалла кўчаларини кунора, кунда супураверсалар бўлмайди-ми? Нима учун улар фақат йилда бир марта баҳор кезлари дарахт экиш учун қўлларига белкурагу, сув тўла челақ тутадилар? Нима учун ниҳоллар парвариши билан йил давомида шуғулланмайдилар? Почта хатлари ва газета-журналларни хонадонларга етказиб беришчи? Болаларни фойдали меҳнатга ўргатадиган, уларда чинакам меҳнатсеварликни пайдо қиладиган ишлар атрофимизда қалайши ётибди. Агарда тушунсак ота-она учун ҳам, мактаб учун ҳам бола тарбиясида МЕҲНАТ биринчи ёрдамчидир. Лекин мен ўқувчиларни сурункасига қишлоқ хўжалик ишларига жалб этишларини назарда тутмаяпман. Уқишга зарба берадиган, болаларни меҳнатдан бездирадиган бундай жалб қилишларга қаршиман. Яна шуни эсдан чиқармаслик керакки, меҳнат ҳеч қачон ҳайбаракаллачиликка айланмаслиги керак. У давомли, ўйланган, шу билан бирга ўлчанган бўлсин. Бола ишлаганда ўз меҳнатидан завқлансин, меҳнатга сал тўймай қолсин. Шунда қизиқиш, интилиш кундан-кунга ошиб бораверади. Баъзи мактабларда шундай ҳолларни кузатиш мумкин. Ўқувчилар тўпланган темир-терсақлар боланинг кўз олдида мактаб ҳовлиси, спорт майдонларини банд қилиб, без бўлиб ётаверади. Тўпланган қоғоз парчалари чирийдеради. Бу меҳнатни улуғланиши эмас, аксинча қадрсизланишику. Темир, қоғоз парчаларини бойлик деб тўпласакда уларнинг кўз олдида чиритсак. Қани мантиқ?

Бу борада базавий мактабимиз ташаббускор бўлсинлар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари илмий жиҳатдан асослансин. Тарбия заминиде иқтисодий билим, ҳуқуқ асослари, қолаверса, фалсафий қарашлар, умумлашмалар, ётиши зарур.

Юқоридаги гаплар менинг шахсий қарашларим. Баҳсли ўринлар бўлиши табиий. Қолаверса, муаммолар қизгин баҳсларда пишиб такомилга етади.

Ўйларимга бир баҳя хотима бериб шуни айтмоқчиманки, ёшларни ҳаётга йўллаш учун умумий ўрта таълим мактабларимизда ҳали жуда кўп ишларни қилишимиз керак.

Зарур бўлса қабул қилинган қонунлардан ҳам воз кечиб, ўзгартиришлар киритишдан чўчимайлик. Муҳими шуни эсдан чиқармаслик керакки, маорифимиз қисман яхшилашига эмас, тубдан, инқилобий ўзгаришга муҳтож.

**В. ИВАНОВ,**  
фалсафа фанлари кандидати.

Тошкент шаҳар Сергели районидаги «Мебель ва Егочсозлик Вирлашмаси»да ошхоналар учун мебель ишлаб чиқарилади. Яқинда янги бир цех қайта реконструкция қилиниб ГДРлик мутахассислар ўз ватанларида тайёрланган станокларни ўрнатиб кетишди. Ҳар хил буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бу станокларда энди сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга киришилди.

**В. И. Ленин** номидаги болалар фонди ташкил этилгани яхши бўлди. Завод комсомоллари бундан руҳланиб яқинда ажойиб бир ташаббус билан чиқиди. Улар Ҳамза райони Лисунов кўчасидаги 21-болалар уйига атаб болалар мебели соғга қилишга қарор қилишди. Ҳар 242 нафар комсомол ўз маошидан 6 сўмдан ажратиб жами 1452 сўм пул тўплаб, соғгани болалар уйига топширишди.

Маълумки Ўзбекистонимиз пойтахти Тошкентда АР да ўз ватанпарварлик бурчини ўташда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўзбекистонлик йигитлар хотирасини абадийлаштириш учун қўйиладиган ҳайкалга маблағ йиғишга киришилди. Биз ҳам бу ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқчимиз.

Завод комсомоллари Сергелидаги ўрта мактабни оталиққа олиб уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ёрдам беришмоқда. Зарница ўйинларига тайёргарликка бош-қош бўлиб, ҳафтада икки кун Сергели район ДОСААФда улар билан машғулот ўтказишмоқда. Айниқса бу ишда армия хизматини ўтаб келган заводимиз комсо-

моллари фидойилик кўрсатмоқда.

Вирлашмамизда азалий анъана — ҳарбий хизматга жўновчиларни кузатиш, комсомолларнинг бахт тўйларини коллектив бўлиб ўтказиш, туғилган кунларни нишонлаш яхши йўлга қўйилган.

Ҳозир биз қайта қуриш, жадаллаштириш даврида яшаётимиз. Бу ўз навбатида қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Бизга сиёсий иқтисод фанидан маълумки, кишилар эҳтиёжи қондирилган сари сифатли маҳсулотга бўлган талаб ортаверади.

Корхонамизда янги йилдан бошлаб Давлат қабули жорий этилди. Бу ишга жуда катта тайёргарлик кўрилмоқда. Кун тартибига сифат масаласи асосий қилиб қўйилди. Ўртоқларига ўрнатилган бўлиб ишлайдиган ишчилардан Руслан Хайрулин, Евгений Еремин, Замира Тошматова, Фотима Отахоновалар зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар.

Ҳал қилиниши тергов қилган муаммолар ҳам бор. Спорт зали, бассейн қуриш, видеотека ташкил этишимиз керак.

Корхонамиз комсомоллари қишлоқ хўжалик ишларида ҳам актив иштирок этмоқдалар. Пахта йиғим-теримида қатнашдик. Куз бошида наъматак йиғиб коопторгларга топширдик.

Корхона комсомоллари ўз кучлари билан теннис майдончаси қуриб битказишди. Ҳали битмаган ишларимиз ҳам кўп. Қайта қуриш биздан доимо изланишни тақозо этади.

Абдусамат ЮНУСОВ

Ўзбекистон ССР Олий судидан:

Ўзбекистон ССР Олий Суди Авгонов А.нинг отаси, судланган Авгонов Суянинг жиноят иши юзасидан ёрдам беришни сўраган аризасини кўриб чиқди.

Суднинг ҳукмига кўра Авгонов С. Каттақўрғон совхозида бош зоотехник бўлиб ишлаш даврида совхоз директори Хантов ва бошқалар билан жинойи тил бириктириб, сохта ҳужжатлар тузиб совхоз кассасидан 121263 сўм пул олиб, бу пулни сут заводи ходимларига пора сифатида бериб, эвазига улардан «совхоз 554 тонна 820 кг. сут топширди» қилиб сохта қитанциялар олиб кўзбўямачилик билан шуғулланиб давлатнинг жуда катта миқдордаги маблағини талон-тарож этишда қатнашганликда айбли топилиб, ЎзССР ЖК-нинг 119-1, 149-1, 149, 153-1, 155-моддалари йиғиндисини билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Ўзбекистон ССР Олий Судининг коллегияси ишни 13 октябрь 1986 йилда кассация тартибида кўриб, суд ҳукмини ўзгартириб, Авгоновни ЎзССР ЖК-нинг 119-1, 153-1-моддалари билан айблов қисмини қайта тергов қилиш учун юбориб, уни 149, 149-1, 155-моддалари билан айбдор деб топиб, ўташ учун 4 йил озодликдан маҳрум этиш жаъоси белгиланган.

Авгонов С. томонидан содир этилган жиноят иш материаллари, ўзининг айбига иқрорлиги билан тўлиқ исботланган.

Суд Авгонов С.нинг шахси, оғир жиноят содир этиб давлат экономикасига жиддий зарар етказгани, оилавий аҳволини ҳисобга олиб, унга нисбатан қонун доирасида тўғри жаъо чораси белгиланган.

Шуларга кўра суд йўли билан Авгонов Суянига енгиллик бериш лозим топилмади.

Ўзбекистон ССР Олий Суди раисининг биринчи ўринбосари А. В. ДОБРОПРАВОВ.



«Ёш куч»нинг шу йилги 1-сониде самарқандлик мактаб ўқувчиси Ақром Авгоновнинг отаси қамалиб қолгани, кўп болали оила қаровсиз қолгани ҳақидаги «Ёрдам беринг!» деб номланган хати босилган эди. Мазкур мактуб юзасидан олинган ўйлаб хат муаллифлари Авгоновлар оиласига ҳамдардлик билдирадилар.

Шунингдек, Ақромнинг отаси — Суянов Авгоновнинг жинойи жавобгарликка тортилиши ҳақида Ўзбекистон ССР Олий судидан ҳам жавоб олинди.

«Ҳурматли редакция! Биз «Ёрдам беринг!» сарлавҳали хатни ўқигач, 9 норасида гўдакнинг мўлғиллаб қараб туриши кўз ўнгимиздан кетмай қолди. Ақромнинг онаси 70 сўм билан бутун оилани боқар экан. Ахир бу пул биргина гўдакнинг кийинишига ҳам етмайди-ку! Норасида гўдакларда не гуноҳ?»

Қашқадарё область,  
Дехқонобод райони,  
77-мактаб 10-синф қизлари номидан  
Қуируз МЕНГЛИЕВА».

«Биз 9-синф ўқувчилари хат ёзиб Ақром билан танишиб олдик. У қобилиятли, тиришқоқ болага ўхшайди. Ақромни биз тенгдошлар якка-лаб қўймаймиз. Яқинда унга ўқув қуроқлари жўнатимиз. Лекин Ақром моддий ёрдамдан маънавий кўмакка муҳтожлигини ёзибди. «Ота дийдорига муҳтожмиз» дебди. Агар унинг отаси ноҳақ қамалган бўлса редакция ёрдам беради деган умиддамиз.

Н. ИКРОМОВА, Д. НОСИРОВА,  
Э. МИРЗАЕВ, Ч. ҲАНИТОВ,  
Сурхондарё область, Ленин йўли район,  
20-мактаб ўқувчилари».

## ХАТЛАР ВА УЙЛАР



# ОЛТИ БОЛАНИНГ ОНАСИНИ СУД ҚИЛМОҚЧИЛАР

(текширувни журналист олиб боради)

Редакция ҳар куни ўз ўқувчиларидан кўплаб хатлар олади. Бугун улардан бирига эътиборингизни жалб қилмоқчимиз.

«Бу хатни сизлардан ёрдам ва нажот сўраб ёзаётirman. Мен, Чориев Муродулла, ўз солдатлик бурчимни Афғонистонда ўтаётганда ярадор бўлдим, 1988 йил, январь ойида 3 группа инвалиди бўлиб уйга қайтиб келдим.»

Уйга келсам онам, Диёрова Қизларойга қўшнмизнинг пулини ўғирлаб олди, деган тўхмат қилишибди. Район Ички ишлар бўлими бошлигининг муовини Қиличев онамни қамаб қўйиб, нотўғри сўроқ қилган ва ҳар хил гаплар билан ҳақорат қилган, пулни олдим деб ёздириб олган ва жиноий иш қўзғаб уни район судига оширган.

Чироқчи район суди тўғри суд қилган, лекин у прокуратурани қониқтирмади ва протест берди, область суди ишни қайтадан кўриш учун бошқа районга юборибди.

Юз берган воқеа мени ҳам, ука ва сингилларимни ҳам ташвишга солаётир. Ҳаммамизни боқиб катта қилган, ҳам ота, ҳам она ўрнида бўлган онамизнинг ўғирлик қилганлигига ишонмаймиз. Шундай бўлса ҳам сизлардан сўраймизки, пулни ўғирлагани чин бўлса онамга чора кўрилсин. Агар ёлгон чиқса, тўхматчига чора кўрилсин, онамни қийнаб нотўғри сўроқ қилган Қиличев қонун олдида жавоб берсин. Ука ва сингилларим номидан шу ишни тез орада аниқлаб беришингизни илтимос қиламан. Қачонгача давом этади бу тўхмат? У менинг ҳам юзимни ерга қаратди, ниҳоятда эзилиб, қийналиб кетганимдан сизларга шу хатни ёзишга мажбур бўлдим. Чориев Муродулла».

Бу хат май ойининг ўрталарида келди. Хатда келтирилган воқеа эса ўтган йилнинг октябрь ойида юз берган. Демак етти ой, ҳатто ундан кўп вақтдан буён Қизларой Диёрова бўйнида ўғри деган хунук ёрлик билан юрибди. Ўғирлик қилганлиги исботланган бўлса, илож қанча, чидашга мажбур — қилмиш қидирмиш... Аммо хатда айтилганидек, тўхмат қилинган бўлса-чи? Эҳ-ҳе, унда тўхмат балосига чидаш қийин, жуда қийин... Лекин...

Лекин бизнинг шубҳаланишга ҳақимиз борми? Ахир бу иш билан қилни қирқ ёриб, оқни оқ, қорани қора қилишнинг машқини олган кишилар — тажрибали милиция ходимлари шуғулланишган. Диёровани бекордан бекорга ўғри деб айтишмаётгандир... Хатни ўқийганимизда ана шундай андишага борганимиз рост. Аммо хатни яна бир бор ўқиб чиққач, редакциянинг бошқа ишларини бир четга суриб қўйиб сафарга отландик.

## Ҳужжатга қарасанг...

Чироқчида эшитган биринчи хабар шу бўлдики, Муродулла хатида тилга олган Қиличев район ички ишлар бошлиғи ўринбосарлигидан олиниб қўйириқ лавозимда ишлаётган экан. Янги муовин М. Хонов ишга алоқадор кишилар билан учрашишда менга оператив ёрдам кўрсатди.

Энг аввало, Диёрова қачон қамоққа олинганлигини билишим керак эди. Махсус дафтардан унинг фамилиясини қидирдик. Диёрованинг номи дафтардан чиқмади. Модомики, номи қайд қилинмаган экан, демак, қамоққа ҳам олинмаган, нотўғри сўроқ ҳам қилинмаган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Бу дастлабки хулосани Диёрованинг иши билан бевосита шуғулланган милиция ходимлари: И. Қиличев, терговчи Т. Жамолов, жиноят қидирув бўлимининг ходими М. Равшановлар ҳам тасдиқлади. И. Қиличев билан суҳбат муҳимлигини ҳисобга олиб, уни мумкин қадар батафсилроқ келтиришга ҳаракат қиламан.

— Диёрова Қизларой ҳақиқатан ҳам ўғирлик қилган! — деди И. Қиличев қатъий, мунозарага

ўрин қўймайдиган оҳангда. Кейин менга савол берди: — Дело билан танишдингизми ўзи?

— Йўқ.

— Танишиб чиқинг, унда ҳаммаси ёзиб қўйилган.

— Уни қамоққа олганмисизлар?

— Қамоққа? Қаяқда! Кўкдаладан (район ички ишлар бўлимининг Кўкдала бўлинимасидан) терговчи телефон қилиб, ўғирликда гумон қилинаётган Диёрова ўз айбига иқроф бўлмаётганини айтди, мен бу ёққа олиб кел, ўзим суҳбатлашаман дедим. Диёрова сиз ўтирган жойда, — мен кабинетга кираверишда чап томондаги қатор қўйилган стулларнинг бирида ўтирган эдим — ярим соатча ўтирди. Суҳбатлашдик. Тушунтирдим. Шундан сўнг қўшнисининг пулини ўғирлаганлигини ўз қўли билан ёзиб берди. Уйига бошлаб бориб ўғирланган пулдан 200 сўмини олиб чиқиб берди. Бор гап шу. Делода ҳаммаси ёзилган...

Сал кейинроқ делони олиб ўқиб кўрдик. И. Қиличев таъкидлаганидек, унда ҳамма нарса ёзиб қўйилган экан. Шулардан айримларини кўчириб блокнотимга ёзиб олган эдим. Мана ўша ёзувлардан бири:

«Мен Диёрова Қизларой, 1942 йили Шўркудук қишлоғида туғилганман. Ҳозирги пайтда пахта пунктида ишчиман. Мен 15 кун олдин ҳамсоям Ҳамроева Ўрознинг уйига вино олиш учун бордим. Уйда Наргиза қизи, Зойир ўғли бор экан. Шу пайт уйнинг ичидаги сандигининг эшигини тортиб очдим, сандиқ ичида кичкина халтачада бир нарса турган экан, мен халтачани олдим, халта ичида пуллар ва Ҳамроева Ўрознинг болаларининг гувоҳномалари, бир нечта ҳужжатлари бор экан, пулини олиб қолиб, ҳужжатларни уйнинг ёнига ташлаб кетдим. Пулларни ўзларининг молхонасининг ёнига кўмиб қўйдим. Шу пуллардан 200 сўмини магазинга, яъни Поёнов Шеркулнинг магазинига топширдим. Қолган 600 сўмини



Ж. УСМОНОВ расми

уйнинг ёнига халтаси билан 4 октябрь куни кеч-қурун ташлаб кетдим, қолган пуллар кўмилган жойида турибди, ўз хоҳишим билан олиб бераман.

(Диёрова Қизларойнинг тушунтириш хатидан)

Сиз бу кўчирмани ўқиб, тепа сочингиз тикка бўлганлиги, Қ. Диёровага нисбатан нафратингиз минг чандон ошганлиги шубҳасиз. Лекин хулоса чиқаришга, Диёрованинг юзига қора чапашга шопилманг.

Делода яна бир ҳужжат бор — сўроқ протоколи, Кўкдалада тузилган бу протоколда Диёрова ўзига қўйилган айбни бугундай инкор қилган. Ана шунда терговчи И. Қиличевнинг таклифига биноан Диёровани Чироқчига олиб келган. Виламизки, бу ерда у ярим соат ичида айбига тўла иқрор бўлибгина қолмай юқорида келтирилган тушунтириш хатини ўз қўли билан ёзиб ҳам берган.

«Делони кўрдингизми, у ерда ҳаммаси ёзилган» деганда И. Қиличев шу ҳужжатларни кўзда тутган бўлса керак.

Хўш, Диёрованинг айбига иқрор бўлишга қандай фактлар, далиллар мажбур қилди? Қани, ўша факт ва далиллар? Делодан уларни қидириб топа олмадик.

Яна район ички ишлар бўлимидаги суҳбатимизга қайтайлик.

— Хатда Қиличев қийнаб сўроқ қилган деган гаплар бор... Вунга нима дейсиз?

— Э, йўқ,— бош чайқади Қиличев.

— Диёрова ички ишлар бўлимига олиб келинганда соат неча эди?

— Кеч соат етти-саккизлар бўлиб қолганди, бўлимда бор йўғи ярим соатча ўтирди, холос...

Бу суҳбатни, азиз журналхон, эсдан чиқармай туринг. Чунки ҳали уни кўп ёдга оламиз.

## Жабрланувчилар

Жабрланувчилар иккита: Ҳузур Ҳамроева ҳамда унинг турмуш ўртоғи Раҳмат Бозоров, У. Ҳамроева уй бекаси, Р. Бозоров эса Қаршида ишлайди, темир йўл ишчиси. Ҳамроевлар билан Диёровалар девор-дармиёна қўшни. Ўғирлик юз бергунга қадар ҳар иккала оила аъзолари қадрдон, бир-бирлари билан қўшничилик қилишар экан. Ҳозир бу икки оила ўртасида кўзга кўринмас девор пайдо бўлган. Энди Ҳамроевалар томонга нафрат билан боқишади. Кўзларида ғазаб учқунлари, гапларида эса асабийлик, бетоқатлик зоҳир. Ҳузур Ҳамроева ҳам, Раҳмат Бозоров ҳам пулни Диёрова олган деб, ишонч билан айтишади. Келинг, сўзни жабрланувчиларнинг ўзига берайлик:

Ҳузур Ҳамроева:

— Далага маккажўхори эккан эдик, уч кун бориб макка ўрдим, уйга тушда, сўнг кечқурун келардим. Маккани ўриб бўлиб, магазиндан мой оламан деб пул олиш учун сандиқни очсам пул йўқ. Пул, эрим ҳам ўзимнинг паспортим, болаларнинг турилганлик тўғрисидаги гувоҳномани солиб қўйилган халтани топа олмадим. Халтага сотган бузоғимизнинг ҳамда эримнинг маошидан орттирган пулни қўшиб 1200 сўм қилиб қўйган эдим. Сельсоветга йиғлаб бориб, райсга айтдим. Райс, уйингга боравер, милицияга ўзим хабар бераман, деди. Қайтиб келсам уйим олдида милициялар кутиб турган экан. Улар кимдан гумон қилмасиз деб сўраганда мен Қизларойни айтдим. Чунки бундан ўн-ўн беш кун олдин Диёровага унинг кўз олдида сандиқни очиб, 100 сўм олиб берган эдим.

— Диёрова қачон ва нима учун сиздан 100 сўм олган эди?

— Диёрова молхона солиш учун ёғоч сотиб олмоқчи бўлиб юрган эди. Бизга ҳам ёғоч керак эди. Диёровага: ўзингизга ёғоч сотиб оладиган бўлсангиз бизга ҳам қўшиб келинг, дегандик. Ёғочга кетаётганда бизникига кирди...

Раҳмат Бозоров:

— Пул йўқолганлиги ҳақида милицияга хабар берганимиздан сўнг Диёрова бизникига серкатнов бўлиб қолди. Мен унга пулни олган одам ҳеч бўлмаганда ҳужжатларни ташлаб кетгандай, майли эди, дедим. Пул йўқолган куни эртасига томорқамиздан ҳужжатларни топиб олдик. Қизларой ташлаб кетган-да! Яна бошқа куни оқшом у бизникига чиқди. Супада чой ичиб гап-лашиб ўтирдик. У нимадандир безовта эди. «Пулларингизни олган одам ярим-ёлчисини бугун эрта у ер-бу ерга ташлаб кетар», деди у.

Шу гапни айтиб у ўрнидан турди. Кўнглим бир нарсани сезди. Востирма ёнига бориб, уни кузатдим. Диёрова ўн қадамча узоқлашгач, қўйнидан нимандир олиб сомонхона ёнига ташлади. Кейин бориб қарасам, ўша, биз йўқотган халта, ичида нимадир бор эди. Қўшнилари чакирдим, милицияга хабар бердим. Халтада 600 сўм пул бор экан...

Бу икки ҳикоядан Қизларой Диёрова ҳақиқатан ҳам уларнинг пулни ўғирлаган, сўнг фош бўлишдан қўриқиб аввал ҳужжатларни томорқага ташлаган, кейин ўғирланган пулнинг ярмисини ташлаб кетган, деган маъно келиб чиқади, шундай эмасми? Лекин ишнинг бориши ниҳоятда силлиқ давом этаётганлиги сизни ажаблантирмаяптими? Мени ажаблантирди. Йўқолган ҳужжатларни жабрланувчиларнинг томорқасига Диёрова ташлаб кетганими? Буни ким кўрган?

— Йўқ!— биз ўз кўзимиз билан кўрмадик,— дейишди жабрланувчилар.

Бошқалар ҳам кўрмаган. Шундай экан, ҳужжатларни Диёрова ташлаб кетган деб айтиш мумкинми?

— Йўқ! Диёрованинг қўйнидан пул олиб сомонхона ёнига ташлаётганлигини Раҳмат Бозоровдан бошқа яна ким кўрди? Модомики, у кўрган экан, нима учун Диёровани ушламади? Одамларни чакирмади? Диёровани кузатишдан мақсад унинг пул ташлаш ёки ташламаслигини билиш эди-ку?

— Аёл киши бўлганлиги учун уни ушламадим. Эракк киши бўлганда ўзим билардим,— деди Раҳмат Бозоров.

Р. Бозоров дастлабки тергов пайтида пулни сомонхона ёнига Диёрова ташлаб кетган, деб кўрсатма бермаган. Далилий ашёни (600 сўмни) олиш протоколида пулни Диёрова ташлаб кетганлиги қайд қилинмаган. Пулни Диёрова ташлаб кетганини жабрланувчи анча вақт ўтгандан кейин эслаб қолганлиги кишини таажублантиради.

1200 сўм озмунча пул эмас, шунча пулнинг йўқолиши оиланинг бюджетига салбий таъсир этмай қолмайди. Лекин шунини унутмаслик керакки, бирон бир кишини ўғри деб эълон қилишга тахминлару шубҳалар озлик қилади, бунинг учун асосли фактлар, гувоҳлар, исбот керак.

## Айбланувчи

Қизларой Диёрова пахта пунктдан ташқари яна медпунктда ҳам ярим ставка ҳисобига санитарка бўлиб ишлайди. Бундан 5—6 йил муқаддам эри билан ажрашган, эрининг асл касби врач, бошқага уйланган, кейин врачликни ташлаб магазинга ишга ўтган, камомад келтиргани учун қамалиб кетган, ҳозир ҳам қамоқда. Олти фарзанд, яна 84 ёшли қайнона Қизларой Диёрованинг қарамоғида. Икки жойда ишлаши ҳам шундан. Лекин ночор ҳам эмас. Уларига тўқ. Мол-қўйлари бор. Ишхонасида ўзига яраша обрў-этиборли, оддий, меҳнатқаш аёл...

Йўқолган пулни ундан кўришларининг иккита сабаби бор: биринчиси, у қишлоқ магазинчиси Шерқул Поёновдан 200 сўм қарз эди. Пул йўқолишдан сал олдинроқ шу қарзларини тўлаган.

Хўш, Диёрова пулни қаердан олган? Аслида бу саволга жавоб бериш қийин эмас. Иккита қўйини бозорга олиб бориб сотган. Пулнинг бир қисмини қарзига бериб, қолганларини рўзгорнинг бошқа кам-қўстларига ишлатган.

Унинг бозорга сотиш учун қўй олиб борганлигини кўрган, бирга ҳамроҳ бўлган, қўйларини сотишиб берган кишилар буни тасдиқлашди.

Иккинчи сабаб унинг Ҳузур Ҳамроевадан ёғочга 100 сўм олганлиги. Ўзингизда, У. Ҳамроева унинг кўз ўнгига сандиқни очиб, халтадан 100 сўм пул олиб бердим, деган эди.

Қ. Диёрованинг айтишича, у ҳамсоясининг уйига бориб, «Мен ёғочга кетаяпман, ёғоч керак бўлса пулнинг бер» деган ва изига қайтган. Ҳамроева пулни унга кўчада берган.

Кимнинг гапи тўғри?

Ёғоч сотиб олишга Диёрова билан бирга пахта пункти ўт ўчириш машинасининг шофёри Эшим Салимов ҳам борган. Мана, у нима дейди:

— Қизларой ёғочга боришини айтди, молхона қурмоқчи экан. Мен ҳам иморат солмоқчи эдим, ёғочга пункт шофери билан бормоқчи бўлдик. Мен Қизларойнинг келганимда у қўшниси (У. Ҳамроева.— Ш. А.) билан гап-лашиб турган экан. Қўшниси девор ортда эди. Мен ким билан гап-лашиб турувдигиз десам, у қўшнимдан 100 сўм қарз олдим, деди.

Биз бориб ёғоч олиб келдик.

Бу ерда Диёрованинг гапи ҳақиқатга яқин эмасми?

Энди гапни Қизларой Диёрованинг ўзидан эшитинг:

— 3 октябрда қўшнимиз Бозоров Раҳматларнинг пули йўқолибди деб эшитдим. 4-октябрь куни кеч соат еттиларда қизини юбориб, мулла келди, бизникига чиқаркансиз деб айтириб кетди. Мен бироз ҳаяллаган эдим Раҳматнинг ўзи келди. «Мулла келди, ҳамсояларнинг ҳаммасини чакир-

дик, обдастагардон қилади» деди. Мен уларникига чиқдим. Ҳовлисида ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Уйи олдида ўтириб чой ичдик. Мулла ҳам келмади, бошқа қўшнилари ҳам чиқмади.

— Мулла қачон келади?— деб сўрасам:

— Ҳозир келади,— деди. Бирпас кутдим. Кейин:— Нега мени алдадингизлар,— деб уришиб чиқиб кетдим. Чиқиб кетаётиб, «Мулла келса мени чакирарсизлар» дедим.

Энди жабрланувчи билан айбланувчининг гапларини бир қислаб кўрайлик. Раҳмат:

...Пул йўқолгандан кейин Диёрова бизникига серкатнов бўлиб қолди.

...4 октябр куни ҳам бизникига чиқди...

...Қайтиб чиқиб кетаётиб Диёрова қўйнидан пул олиб сомонхона ёнига ташлади...

Бироқ... олдин қизи, сўнг ўзи бориб, Диёровани уйига чақиргани, мулла, обдастагардон тўғрисида Раҳмат оғиз очмаган эди-ку. Бу ерда ким ҳақ? Кимнинг гапи тўғри?

Эртасига биз қишлоқ советининг раиси Бердиёр Сафаров ҳамроҳлигида Раҳмат Бозоров билан учрашганда шу саволларни бердик.

— Обдастагардонми?— кулди Бозоров,— Ҳа, айтгандай, эскича одатда бу, аслида ўзим бунақа нарсаларга ишонмайман.

Бу саволларга жавоб топиш жуда муҳим. Чунки Диёрова қўшнисиникидан қайтиб чиқиб кетгандан сўнг Бозоров сомонхона ёнидан 600 сўм пул топиб олган. У, эсингизда, Диёрова бизникига серкатнов бўлиб қолди, деган эди. Ваҳоланки, Диёровани унинг ўзи уйига чақирган экан.

Ана, энди бир дақиқага Диёровани пулни олган деб фарз қилайлик. Хўш, у мулла келади, обдастагардон қилади, деганидан кейин ҳам ўғирланган пулнинг ярмини қўйнига солиб қўшнисиникига чиқиши мантиққа тўғри келадими?

Тўғри келмайди-ёв. Р. Бозоровнинг «Пулнинг ярим-ёлчисини ташлаб кетар, дегани ҳам ёлгон», дейди Диёрова. Эртасига эса...

Қизларой Диёрова:

— 5 октябр куни эрталаб соат 8 ларда пахта пунктида иш қилиб турган жойимга Равшанов деган киши келиб, менга: «Сиз ҳамсоясининг пулни ўғирлагансиз»— деди ва мени Кўкдала милиция бўлимига олиб кетди. У ерда кеч соат 5 ларгача сўроқ қилди. Мен пулни ўғирламаганимни айтдим. Шундан кейин мени Равшанов ўз машинасига ўтказиб, Чироқчи милициясига олиб келди ва бир кабинетга киргизди. Қиличев деган милиция наватчетга: «9-камеранинг қалитини бер», деди. Мени ўшатга қамаб қўйди. Кейин соат 9 лар чамаси, мени олиб чиқиб Қиличевнинг ўзи бир кабинетга киргизиб сўроқ қилди. Ҳар хил сўзлар билан ҳақоратлади, «сочингни олдираман, 5 йилга қаматаман, Афғонистонда хизмат қилаётган ўғлингни йўқ қилдираман, ўғлинг армиядан қайтмайди» деб, мени руҳан эзди. Болангни ўлдираман дегандан кейин ҳаёт кўзимга қоронги кўриниб ўзимнинг ўлимимга ҳам рози бўлдим. Руҳан тушқунликка тушиб, қўриқиб Қиличев берган рўкка билан қоғозга ўзи айтиб турган сўзларни, яъни пулни олмаган бўлсам ҳам қўрққанимдан, ҳўрланганимдан, алданганимдан, очликдан ҳолдан тойганимдан пулни олган эдим деб ёзиб бердим. Қиличев, агар пулни олдим, деб ёзиб берсанг ёзган қоғозингни кўз олдингда аппаратга соламан, агар олмаган бўлсанг, аппарат сени оқ деб чиқаради, кейин сени қўйиб юборамиз, қоғозни кўз олдингда йиртиб ташлаймиз, деганди. Унинг гапи ашониб, нима деса шуни ёзиб бердим, шундан кейин у қўлимдан қоғозни юлқиб олиб сейфга солиб қулфлаб қўйди. Менга дабдурустан: «Сенда пул кўп, энди сени қамаймиз, доднинг худога айт — деди.— Уйингда қанча пулинг бор», деб сўради. Мен унга уйда ўзимнинг 10 сўм пулим борлигини, қайнонамнинг армиядаги неварасини уйлантириш учун пенсиядан тўлаган пули борлигини айтдим. Кейин улар: меҳмон киши, (терговчи Т. Жамолов ўзини Диёровага Тошкентдан келган меҳмон деб таништирган — Ш. А.) Қиличев, Равшанов уччаласи мени Кўкдала милициясига олиб келишди. Бизлар меҳмон билан машинада ўтирдик. Бошқалар милицияхонага кириб кетишди. Бир соатлардан сўнг яна ГАИ машинаси билан иккита нотаниш одамларни эргаштириб, соат 2 ларда менинг уйимга келдик. Ҳеч ким билмасин, болаларинг ҳам билмасин дейишди улар. Меҳмон киши билан Қиличев уйимнинг оғзига келиб турди. Мен момомдан пулни олдимда 200 сўм пулни уларга бердим... Чунки улар Бозоров топиб олган пулнинг номери билан сиз берган пулнинг номерини солиштирамиз, агар улар бошқа-бошқа бўлиб чиқса пулнингизни қайтариб берамиз, ўзингизни қўйиб юборамиз дейишган эди-да.

Шу ерда Диёровани бир зумга тўхтатамиз-да.

Бувиш момодан олиб берган 200 сўм унинг тақдирида нақадар машъум роль ўйнаганлигин кўриб чиқамиз.

Хўш, ярим тунда олинган пул милиция ходимларига нима учун керак эди? Пулни мен олган эдим, деб айбига иқроор бўлиб ўз кўли билан ёзиб берган тушинтириш хати, барибир, уни ўғирликда айблаш учун камлик қилади. Далилий ашё ҳам керак.

Бувиш момонинг 200 сўми далилий ашё учун хизмат қилдирилди.

Жиноий ишдан ёзиб олинган мана бу кўчирмани ўқисангиз, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

«**Чироқчи район ИИБ (Ички ишлар бўлими.— Ш. А.)** терговчиси Т. Жамолов, жиноят қидирув группасининг инспектори М. Равшанов иштирокида ҳолислардан Фармонов Мурод, Охунбобоев номли совхоз Сувлиқ қишлоғидан Саримсоқов Қувон, Кўкдала совхозининг марказида яшовчилар қатнашувида Ф. Хўжаев номли совхознинг Пахталисой қишлоғида яшовчи гражданик Диёрова Қизларойдан қуйидаги купюрдаги пуллар олинди:

1.  $10 \times 5 = 50$  сўм  
2.  $30 \times 5$  (сўмлик) = 150

Гражданка Диёрова Қизларой шу пулларни кўшини гражданка Ҳамроева Урознинг уйидаги сандиги ичидан ўғирлаб олганлигини айтди» (Далилий ашёни олиш ҳақидаги Протоколдан)

Диёрованинг юқорида танишган тушунтириш хатидан айрим жойларини яна бир бор эслайлик-а.

«...Пулларни ўзларининг молхонасининг ёнига кўмиб қўйдим...»

«...қолган пуллар кўмилган жойида турибди, ўз хоҳишим билан олиб бераман...»

Қаранг, ҳамма нарса очик-ойдин айтилган, лекин очик-ойдин айтилган бўлишига қарамай, далилий ашёни қўлга киритамиз, деб Чироқчи шаҳридан етмиш километрча йўл босиб келган кишилар Диёровани бошлаб бориб молхона ёнига кўмиб қўйилган пулни нима учун кавлаб олишмади? Кавлаб олишганда Диёровани ўғирликда айблаш учун инкор қилиб бўлмайдиган фактни қўлга киритишарди-ку? Е Диёрова кўмиб қўйган жойдан пулни олиб бошқа жойга яширган, масалан, дейлик, Бувиш момога бериб қўйганмиди?

Йўқ!..

Диёрова тушунтириш хатини Қиличевнинг кабинетидеда ёзган, қишлоғига эса Қиличев бошчилигида келди.

Мана шунинг ўзиёқ Диёровага қўйилган айб қуруқ тухмат эканлигини исботлайди...

Лекин Сизнинг ҳам битта айбингиз бор, Қизларой опа! Бошинга қилич келганда ҳам тўғри сўзла дейди халқимиз. Наҳотки ўша қўрқитишларга ишондингиз. Қилмаган ишни бўйингизга олдингиз. Ҳақиқатга фақат ҳақ йўлдан бориш керак. Сиз бўлса қўрқиб кетиб ноҳақлик, айни пайтда, болаларингиз, ўз обрў-этиборингизни емириш тегирмонига сув қуйгансиз. Бу гап фақат Сизгагина эмас, Сизга ўхшаган дўқ-пўписалар олдида ўзини йўқотиб қўйиб, кейин доғида куйиб юрадиганларга ҳам тегишлидир.

Сўзни яна Диёрованинг ўзига берайлик:

— Пулни берганимдан сўнг ҳужжатга имзо қўясиз деб, мени яна машинага ўтказишди-да, Файзулла Хўжаев номли совхознинг идорасига олиб келишди. Меҳмон билан иккита кишини ҳамда мени идорага киргизиб мана, ишингни шу меҳмон ҳал қилади деди-да ўзлари чиқиб кетишди. Менга меҳмон киши: «мен иш билан Тошкентга кетяпман, пул олаётганда ведомостга қандай қўл қўйсангиз, мана бу қоғозларга ҳам ана шундай қилиб қўй қўйинг, деб уч дона оқ қоғозга қўл қўйдирди, қўл қўйиб берганимдан сўнг, эртага болаларингизнинг гувоҳномаси билан паспортингизни Чироқчига олиб боринг, пулингизни аппаратга соламинг, агар уларга ҳамсоангиз пулингиз номери тушмаган бўлса, пулингизни қайтариб олиб келасиз деди-да, мени уйимга соат 3 лар чамаси олиб бориб қўйишди. Мен 6 октябрь куни эрталаб етиб бордим. Борсам, менга меҳмон деб таништирган киши терговчи экан, сўроқ қилди. Алданганимни тушуниб Чироқчи район милицияси бошлиғига 5 октябрь куни юз берган воқеалар ҳақида ариза ёздим. 7 октябрь куни кундуз соат 2 ларда Жамолов, Рашанов, Элмоновлар уйимга келиб, уйимни, молхона, ошхона ва ҳамма жойини тинтув қилишди ва шу кундан бошлаб мени катта ўғрига чиқаришди...»

Тухмат, бўҳтон, гирдобнинг домига тушиб қолган Диёрова бу гирдобдан чиқиб кетишига қурби етмаслигига кўзи етгач, ёрдам сўраб район партия комитетига, прокурорга, сал олдинроқ эса Ички ишлар бўлимининг бошлиғига ариза ёзди. Бироқ, ҳеч ким унга ёрдам қўлини чўзмади.

Ҳеч ким...

Аёл, олти фарзанднинг онаси кутилмаганда бошига тушган куфат билан юзма-юз қолди.

\* \* \*

Диёрованинг юқоридаги гапларини И. Қиличев ҳам, Т. Жамолов билан М. Равшанов ҳам бошдан-оёқ инкор қилишга уринишлари шубҳасиз. Чунки инкор қилишга уринмас терговни ман этилган усул билан олиб боришгани очилиб қолади-да.

Содир этилган жиноятни очиш ҳаммавақт ҳам ички ишлар бўлимининг бош вазифаси бўлиб келган. Лекин жиноятни очиш осон эмас, оғир, жуда оғир иш. Фактлар ва исботлар қидиришни игна билан қудуқ қазишга қиёслаш мумкин, холос.

Бироқ, афсуски, кейинги пайтларда айрим тергов ходимлари айбдор деб гумон қилинган кишиларни қийнаб ёки алдаб иқроор қилдириш ҳоллари учраб қоляпти.

Бу — тергов олиб боришнинг энг осон, аммо нопок усули. Нопок усулдан фойдаланувчилар учун жиноят очилди, деб рапорт бериш муҳим. Бегуноҳ одамларни гуноҳкор қилиб қўяётганлиги, қурбон қилаётганлиги билан мутлақо ишлари йўқ.

Диёрованинг тақдири шундай деб айтишга асос беради.

Тергов ходимлари Диёровани гувоҳларсиз сўроқ қилиб: ўзларини оқлаш, ҳимоя қилиш учун имконият яратишган бўлса-да, биз баъзи бир фактларни уларга қарши қўймоқчимиз.

И. Қиличев кеч соат тўққиз бўлмасдан Диёровани уйига олиб бориб қўйганмиш, деди.

Диёрова эса уйдан 200 сўм пул олиб чиқиб бергандан сўнг ҳужжатга имзо қўйдириш учун Ф. Хўжаев номли совхоз идорасига олиб боришганини, бу пайтда соат 2 бўлиб қолганлигини айтган эди.

Уларнинг қайси бири тўғри гапирди?

Айбланувчи Диёровами ёки милиция майори, ўша пайтда район ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини бўлган И. Қиличевми?

Бу масалани объектив ҳал қилиш учун фактлар, гувоҳлар керак. Бусиз мумкин эмас. Гувоҳлар... **ОРОЛ ХОЛМУРОДОВ, 1928 йилда туғилган, Пахталисой участка пахта пунктининг қоровули.**

— Кечқурун соат 12—1 ларда пунктда иш вақти тугаган, мен эшик олдида ўтирган эдим, кўчадан биттама-иккитта машина ўтди. Биттаси ГАИ машинаси эди. Қизларойни олиб келган бўлса керак, деб ўйладим. Кундузи терговчи келиб уни Кўкдалага олиб кетганини билардим.

**НАЗРУЛЛА ЖўРАЕВ, 1958 йилдан КПСС аъзоси, республика аҳамиятидаги пенсионер. 1983 йилдан Ф. Хўжаев совхоз идорасида қоровул бўлиб ишлайди.**

— Ўтган йили, — деб ҳикоя қилди Н. Жўраев, — октябрь ойида соат тахминан 24 дан кейин (вақт анча кеч бўлиб қолувди) совхоз идорасига Қизларой Диёрова, милиционерлар ва яна бир неча йигитлар келишди. Мен парткомнинг кабинетини очиб бердим. Уларга бир чойнак чой дамлаб келдим. Идорага келганлардан фақат Қизларойни танийман, қолганларини танимайман...

Далилий ашёни олиш протоколига иккита ҳолис гувоҳ имзо чеккан. Орган ходимларининг таклифига биноан ҳолис гувоҳликка ўтиш учун Ф. Хўжаев номли совхозга келган бу кишилар бошқа совхоз территориясига истиқомат қилишади. Хўш, уларнинг бири — Фармонов Мурод Ички ишлар бўлимининг Кўкдала бўлимасида навбатчи шофёр эди, бирга келиши мумкин, дейлик. Аммо иккинчи ҳолис гувоҳни ҳам Кўкдаладан олиб келиш шартмиди? Пахталисойликлардан бирини ҳолис гувоҳликка таклиф этса бўлмасмиди? Бўларди! Бўларди-ю, лекин вақт кеч, жуда кеч эди-да. Ҳа, ҳолисларни бошқа жойдан олиб келинганлиги ҳам вақт алламаҳал бўлганлигини кўрсатади. Исбот, дейсизми? Марҳамат!

**МУРОД ФАРМОНОВ, шофёр, ҳолис гувоҳ:**

— Мен 1987 йил, октябрь ойининг бошларида Охунбобоев совхозидеги савдо бирлашмадан — мен шу ерда шофёр бўлиб ишлайман — Кўкдала милициясига дежур бўлиб борган эдим.

Соат 24 лардан кейин Қиличев билан Равшанов ва яна бир терговчи йигит: «Юринг, бир аёл ўғирлик қилибди, Ф. Хўжаев номли совхозга борамиз» деди... Милиция ходимлари ва аёл билан бирга совхоз идорасига кирдик.

Терговчи йигит менга:

— Бу аёл кўшинисининг пулини ўғирлабди. Мана шу қоғозга ҳолис гувоҳ сифатида қўл қўйинг, деди. Мен қўл қўйдим. Стол устида пул ётган эди, унинг қанчалигини билганим йўқ. Бу пайтда соат 2 лар чамаси эди...

Ким ҳақ деган саволга менимча, энди аниқ жавоб берса бўлади. Демак, ички ишлар бўлими ходимлари Диёровани, Қиличев айтганидек, соат 20 ларга яқин эмас, эрталабки соат 3 гача ушлаб туришган. Кекса қайнона ва беш норасида фарзанди уйда қолган Диёрованинг милицияда ҳаммаси бўлиб 16—17 соат қолиб кетганлигининг ўзи унга тергов ходимлари томонидан тазйиқ ўтказилганлигини аңглатмайдими?

## Айби исботланмаса...

Тергов ишлари охирига етгач, Диёрованинг жиноий иши судга оширилди.

Табиийки, бунгача жиноий ишни прокурор кўради, ўрганади, баҳо беради ва имзо чекади.

Бироқ, прокурор ишнинг моҳиятига чуқур кириб бордимикин? Бу саволга «ҳа» деб жавоб бериш қийин. Нега дейсизми?

Биз юқорида ишда Диёрованинг пул ўғирлаганига иқроор бўлишга мажбур этган асосли факт, исботнинг йўқлиги ҳақида кўп тўхталдик. Бундан ташқари, ишнинг 26-варағидаги юзлаштириш протоколида ўзига қўйилган айби рад этади, 40-варақда эса Диёрова яна ўзи қўйилган айбга иқроор эмаслигини айтган. Буни ҳам майли дейликда, иш юзасидан судга қақирилган кишиларнинг рўйхатини кўрайлик. Судга Раҳмат Вазоров, Уроз Ҳамроева, Қизларой Диёрова, Шеркул Поёнов қақирилган. Жабрланувчилар айбланувчини ўғирликда айблаши, у эса ўзини ҳимоя қилиши, табиий ҳол. Шеркул Поёнов-чи? У магазинчи, судда Диёрова 200 сўм қарзини тўлаганлигини тасдиқлайди, холос. Уша 200 сўм Ҳамроевалар йўқотган пулдан олиб тўланганлигини ким исботлайди? Ҳеч ким! Ҳолбуки, Диёрованинг бозорга ўзининг иккита қўйини олиб бориб сотганлигини тасдиқлайдиганлар бор.

Яна жиноий ишда терговчилар алдаб, қўрқитиб ўғирламаган пулни ўғирладим деб ёзириб олганлиги ҳақида Диёрованинг аризаси бор эди. Афсуски, прокурор буларнинг биронтасига ҳам эътибор бермаган.

Энди суд... Чироқчи район халқ судининг раислигида январь ойида ўтган суд мажлиси ишни қайта терговга юборишга қарор қилди. Сабаби «суд муҳокамасида тузатиш имконияти бўлмаган камчиликлар, қарама-қаршиликлар ва янги ҳолатлар очилгани учун иш бўйича оқлаш ёки қоралаш ҳақида ҳукм чиқариб бўлмаган», дейилди ажримда. Янги ҳолатлар очилган деганда суд нимани кўзда тутган?

Диёрова пул ўғирлаганда ҳужжатларни ҳам қўшиб ўғирлаган, шунинг учун иш ўзгартирилиши кераклигини суд талаб қилган. Бу — асоссиз. Асоссизлиги шундаки, аввало, Диёрова пулни олган-олмаганлигини исботлаш керак. Шу билан бирга суд, тергов органи ишни ўзгартириш процессуал кодексининг 14-моддаси талабини қўпол равишда бузиб, ишни бир томонлама олиб бориб, тўлиқ, атрофлича тергов олиб борманган, деб тўғри баҳо берган.

Шунингдек, судда тергов ман этилган усулда борилганлиги ҳам тўғри қайд қилинган. Бироқ, у суд мажлисига тергов органи ходимларини чақириб орқали муҳокама қилиниб, охирига етказилмаган. Энди қарама-қаршиликлар, камчиликларга келсак, маълумки, айбдорнинг айби исботланмаса унинг айбсизлиги исботланади. Шундан келиб чиқиб, суд терговдаги барча камчилигу қарама-қаршиликларни Диёрова фойдасига ҳал қилиши лозим эди. Шу маънода суднинг ўзи ҳам, афсуски, бир томонлама бўлиб қолган.

Қўшимча гувоҳлар сифатида Бувиш момо, шунингдек Қизларой Диёрова билан бирга ёроч сотиб олиш учун борган Эшим Салимовлар судга чақирилганда 200 сўм пул аслида кимга қарашли эканлиги аниқланарди.

Бироқ, суд бундай қилмади. Судда қатнашган район прокурорининг ёрдамчиси Қ. Аҳмедов ҳақи равишда суд ажримига норозилик билдирди. Област суд коллегияси прокурорнинг норозилигини қабул қилди. Ишни қайта терговга эмас, бошқатдан кўриш учун Қамаш район судига юборди...

Диёрованинг тамомила бегуноҳлигига ишонадиган бир киши бор. У адвокат Ҳақназар Шавқиевдир.

— Диёрованинг иши бошдан оёқ шубҳа-гумон, тахминлар асосида қурилган. Диёрованинг айбдорлигини исботлайдиган ҳеч қандай факт йўқ. Шунинг учун судда мен Диёровани оқлашни талаб қилдим, — деди у.

Адвокатнинг бу талаби қондирилмади.

## Яна жабрланувчилар ҳақида

Йўқ, бу гал гап У. Ҳамроева билан Р. Вазоров ҳақида бормайди. Жабрланувчилар деганда мен айбланувчининг фарзандларини кўзда тутяпман.

Ҳа, юз берган воқеадан энг қаттиқ жабр торганлар — болалар, Диёрованинг болаларидир.

## «АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР»

Афғонистонда хизмат қилиб, ярадор бўлиб келган Муродилла унинг тўнғич фарзанди. Феруза 10-синф, Муҳаббат 9-, Раҳматулла 8-, Хайрулла 5-, Норҳол 3-синфни битирди.

Раҳматулла қуйдагиларни ҳикоя қилди:

— 3-синфда ўқийдиган синглим Норҳол яқинда мактабдан йиғлаб келди. Бир синфдоши «сенинг онанг ўғри» деб айтибди. Норҳол уйда анчагача ўзини босолмай йиғлади. Биз, катталар гап-сўзларга тишимизни-тишимизга қўйиб, чидаяпмиз. Бироқ, кичкиналар... — Раҳматулла оғир хўрсинди, ерга қаради, кўзлари маъносиз тортиди. Дарвоқе, бу маъносизлик мен хонадоннинг бошига аъзоларида ҳам кўрдим. Бу унсиз нигоҳлар оила шаънига отилган оғир маломат тош зарбидан қаттиқ азоб чекаётганлигини баралла айтиб турарди.

— Норҳол мактабдан йиғлаб келгандан сўнг акам редакцияга хат ёзди, — деди Раҳматулла.

Феруза... Онаси 5 октябрь куни Кўкдалада сўроқ бераётганда Феруза ҳам мактабда терговчига рўбарў бўлди. Унинг, уларнингизда қанча пул бор, деган саволига, ҳозир 10 сўм пулимиз қолган, деб жавоб берди, онасининг сўроқ пайтида айтганларини тасдиқлади. Онасининг гапларидан берадир қолди тасдиқлади. Бироқ, Ферузанинг терговчига берган кўрғазмаси жиний ишга тиркалмаган. Нега? Диёрованинг бегуноҳлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлгани учунми?..

Бу оилда яна бир жабрланувчи бор — Бувиш момо...

— Болам, — деди қадди дол Бувиш момо мунг билан, — менинг пулимни қачон қайтариб беришадими а?

— Нимагаям бердим-а, ўзи — куюнади момо энди, — эрталаб бераман десам бўлмасмиди, пул ўзимга керак десам бўлмасмиди? Муродиллагинамга тўй қилиб бераман деб сақлаган пулим эди-я. Пенсиядан тийинлаб йиққан пулим эди-я...

Диёрова уйдан олиб чиқиб берган 200 сўм пул қайнонам Б. Қўйбоқарованики эди, деб қайта-қайта айтган бўлишига қарамай, келиб у билан суҳбатлашни тергов ходимлари ўзларига эп кўрмадилар.

Нега? Нима учун?

Қўшнилари 1200 сўм пул йўқотган бўлса, Диёрова ва унинг фарзандлари, Бувиш момо ундан бир неча баробар кўп ва қимматли нарсани йўқотишди.

Қўнғил кўзгуси чил-чил синди...

Одамларга ишонч йўқотишди. Адолат тантанасига ишонч йўқотишди...

У. Ҳамроева йўқотган пулнинг 600 сўми ҳали топилгани йўқ. Жабрланувчиларга айтадиган гапимиз шуки, бирова айб тақашдан олдин, бунга бизда асос борми деб ўйлаб кўриш керак, акс ҳолда бир бегуноҳ одамни ёмон отликка чиқариб қўйиш мумкин. Халқимизнинг «Ўзинга эҳтиёт бўл, кўшинингни ўғри тутма!» деган мақоли биз ҳикоя қилган воқеага жуда мос келади.

Диёрованинг иши ҳали охирига етгани йўқ. Гарчи биринчи судда унинг айбдорлиги исботланмаган бўлса-да, қишлоқдаги миш-мишлар ҳамон барҳам топгани йўқ. Лекин Диёрова ҳақиқат қарор топишига, айбсизлиги узил-кесил исботланиб, ҳамқишлоқлари олдида юзи ёруғ бўлишига ишонади. Қаттиқ ишонади.

Биз ҳам ишонамиз.

Шоҳруҳ АКБАРОВ,  
«Еш куч» махсус муҳбири.



«Еш куч» журналининг шу йил 2-сонида В. Жуковнинг «Айбсиз айбдорлар» сарлавҳали суд очерки эълон қилинган эди. Унда Қўнғирот район ижрокоми ички ишлар бўлими ходимлари, шунингдек ҚҚАССР Ички ишлар министрлигининг бир гуруҳ ходимлари тўрт ёш йигитни асоссиз равишда қотилликда айблагани, уларни қийнаб қилмаган айбни қилдим деб ёздириб олганлигини, 2,5 йил қамоқда тутганлиги ва ниҳоят суд уларни айбсиз топганларидан сўнг қийноқлардан қутулганлиги ҳақида ҳикоя қилинган эди.

Очерк босилиб чиққач, республика прокуратураси ҳамда Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги жойларда текшириш ўтказди. Қуйида шу текшириш натижаларини ҳамда ўқувчилардан келган хатларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ўзбекистон ССР прокуратурасидан:

«Еш куч» журналининг 1988 йил, 2-сонида босилган «Айбсиз айбдорлар» мақоласи муҳокама қилинганлигини маълум қиламан.

Хегай, Сахипов ва бошқа граждандарни ноқонуний равишда жиний жавобгарликка тортишда айбдор бўлган шахслар ҚҚАССР прокуратурасининг 1988 йил 29 январдаги буйруғига биноан интизомий тартибда жазоландилар.

Автоном республика прокуратураси 1988 йил 29 мартда Қўнғирот райиҷрокоми Ички ишлар бўлими бошлигининг собиқ муовини Елмуротов ва бошқалар устидан ЎзССР жиноят кодексининг 150-моддасининг 2 қисми белгиси бўйича жиний иш кўзготилади ва бу иш юзасидан тергов олиб борилмоқда.

Иш юзасидан олиб борилаётган тергов натижасида қараб тегишли қарор қабул қилинади. Тергов жараёни назорат қилинмоқда.

Б. С. БУХОРОВ,

Тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари,  
юстиция маслаҳатчиси.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигидан: Журналингизнинг 1988 йил 2-сонида босилган журналист В. И. Жуковнинг «Айбсиз айбдорлар» мақоласи Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги томонидан кўриб чиқилди.

Чиндан ҳам 1984 йил 30 декабрда юз берган Зиёбетовнинг ўлими факти бўйича жиний ишни текшириш чоғида Қорақалпоғистон АССР Қўнғирот район ижроия комитетининг Ички ишлар бўлими ходимлари терговгача бўлган текшириш ва тергов пайтида жиноят изларини қайд қилиш ҳамда мустаҳкамлашда қатор нуқсонларга йўл қўйганлар.

ҚҚАССР Ички ишлар министрлигининг ходимлари Генжебаев П. ва Матниёзов М., шунингдек, Қўнғирот райиҷрокоми ички ишлар бўлимининг ходимлари Жаломонов Б. ва Айтжоноваилар илгари хизматда йўл қўйган хатолари учун Ички ишлар органидан бўшатилади.

Қўнғирот район Ички ишлар бўлимининг раҳбарлари Китжонов Ж. С. ва Елмуротов Д. мос равишда 1985 йилнинг июнида ва 1986 йил март ойларида ўзларига топширилган соҳада ишни эндай олмагадилари учун вазифаларидан озод қилинган ва қуйи лавозимда раҳбарлик билан боғлиқ бўлмаган ишларда ишлайтилар.

Милиция ходимлари Дўстжонов М., Елмуротов Д., собиқ милиция ходимлари Жоломонов Б. ва Айтжонов Б. сўралганда улар Хегай, Сахипов, Оқболаев ва Шибёновларни жиний ишни тергов қилиш чоғида урганликларини инкор қилишди. Н. Замированинг (исми фамилиясини ўзгартириб беряпмиз. — ред.) спиртли ичимлик билан ичириб, ундан иқроқ бўлувчи кўрғазма олинганлигини тасдиқловчи маълумотлар тўплашнинг ҳам имкони бўлмади.

1988 йил 29 мартда ҚҚАССР прокуратураси Елмуротов Д., Дўстжонов Б., Генжебаев П., Матниёзов Б. ва Айтжонов устидан Р. Зиёбетовнинг ўлими факти бўйича жиний ишдан ажратиб олинган материаллар асосида Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 150 моддасининг 2 қисмига биноан (ҳокимият ёки хизмат ваколатидан ташқари чиқиш) жиний иш кўзготилади, тергов натижаларига қараб Дўстжоновнинг ички ишлар органларида хизматда қолиш-қолмаслиги ҳал қилинади.

ҚҚАССР Ички ишлар министрлиги Елмуротов Ж.нинг Ички ишлар органларидан хизматга номувофиқлиги туфайли бўшатилиши масаласи аттестациядан ўтказиш тартибда ҳал қилинади.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги республика ички ишлар органлари ва бўлималарининг шахсий состави ўртасида интизомни ва со-

циалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш бўйича зарур чораларни кўради.

Текшириш натижалари Қўнғирот райиҷрокоми Ички ишлар бўлими шахсий состави ўртасида муҳокама қилинди, шунингдек Ўзбекистон КП Қорақалпоғистон область комитети ва Қўнғирот район партия комитетига маълум қилинди.

У. С. РАҲИМОВ,  
министр.

\* \* \*

Мен ватанимиз ишонч билдирган, халқниг тинч ҳаёти учун курашамиз деб онг ичган ва давлатимиз тинчлик герби туширилган погон ва формани ўзларига муносиб билан айрим шахслардан жуда қаттиқ нафратландим. Узим номидан ҳамда ваҳшийларча ўз манфаатларини ўйлайдиган кимсалар томонидан шафқатсиз азобланган 4 та тенгқулар номидан адолатсизликка йўл қўйган орган ходимларининг қилмишларидан бутун республикамизни огоҳ қилган ёзувчимиз Жуковга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман, шу билан бирга Ички ишлар министрлигидан шуни талаб қилардимки: шундай фаровон социализм тузумида яшаб, халқнинг яхши тинч-тоғув ҳаёт кечириши учун хизмат қилиш ўрнига инсонларга зулм ўтказган ходимларга аёвсиз жазо берилса ва инсонларга инсонларча муомала қилиш йўлларида йўл қўйётган хатоларни назорат қилиб борса.

Ҳурматли редакция! Мана шундай инсонлик қиёфасини йўқотганлар тўғрисида кўпроқ очерк ва мақолалар ёзишларингизни сўрайман. Бу эса кўпчиликка сабоқ бўлишига ишонаман.

Шухрат ХАННАЗАРОВ,  
Тошкент область, Янгийўл райони,  
«СССР 60 йиллиги» колхозчи.

Журналинг 1988 йил февраль сонида босилиб чиққан «Айбсиз айбдорлар» мақоласини ўқиб хайратдан ёқа ушлайсан. Шундай фаровон замонамизда ҳақиқатни четлаб ўтадиган милиция ва прокуратура ходимлари борлигидан афсуслансан.

Нола Замирова ичкиликка берилиб ёмон йўлга қадам қўйганда, тўртта ёш йигит туҳмат тоши орасида қолганда маҳалла комитетлари ва райком секретари қайёнда эди?

З. ҚАЛАНДАРОВА,  
Бухоро область, Свердлов район,  
«Ўзбекистон» колхозчи.

Тўрт ёш йигитнинг айбсизликда айбланганлиги, қилинмаган ишни қилинига чиқариб икки ярим йил бемаъни айблар билан асоссиз фактлар билан айбланганлиги бизни таажжубга солиб қўйди.

Қўнғирот районидagi тергов органлари ходимлари тўрт ёш йигитни қотилликда айблаб, уларга терговда ман қилинган методлар билан тергов қилишлари қонунга хилоф иш деб биламиз. Қонун ва жамоат тартибини сақлаш органлари ходимлари асоссиз фактларга ишониб ёш йигитлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатса, уларга қандай қилиб қонун ва тартибни сақлайди, деб ишониб бўлади. Аслида уларнинг ўзлари қонун ва тартибга хилоф иш қиларди-ку. Биз ўйлаймизки, бундай ҳуқуқбузар шахсларни лавозимдан пасайтириш, ишдан бўшатиш кифоя қилмайди. Бундай кишиларни органда ишлашларига йўл қўймаслик керак.


Қўнғирот районидagi тергов органлари ходимлари воқеани тўғри аниқлаб, асосли фактлар асосида текширув олиб боришганда эди, бу ёш йигитлар маънавий, жисмоний ва моддий зарарлар кўрмаган бўлар эди.

С. ШАБЕРДИЕВ, Э. ЖУМАЕВ, Ф. АБАНОВ,  
Н. ХОЛМУМИНОВ, Ф. ТУРСУНОВ, К. РАҲМОНОВ,  
Сурхондарё область, Гагарин районидagi  
Собир Раҳимов номли мактаб.

Редакция Бухоро шаҳар педагогика билим юртининг талабалари Г. Авлиёқуллова, Ш. Сайлиева, Андижон область, Хўжабод районидagi К. Маркс колхозида яшовчи Г. Норалиева ва бошқалардан ўндан зиёд хат олди.

Биз редакцияга хат ёзиб ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган барча журналхонларга самимий миннатдорчилигимизни билдираман.

# Кўксимдадир



Шу маънода У.Азимовнинг, аввало, ўзига нисбатан принципиал позицияда туриши бежиз эмас. Қани энди поэтик истеъдоди шубҳа турдирмайдиган ҳар бир шоир ҳам «ўз халқининг виждони» деган номга муносиб бўлса-ю, «фoш қилиш»ни ўзидан бошласа.

*Шоирликдан нима фойда  
Ўзингни фoш этмасанг...  
Ҳар кимсага кимлигини  
Очиқ айтиб кетмасанг,  
Бу — онангга хиёнатдир,  
Ватанингга хиёнат.*

Ҳақ сўзни, у қанчалик аччиқ бўлмасин, очиқ-ошкор айтиш — садоқат тимсоли ва аксинча, уни айтишга журъатсизлик қилиш — хиёнат аломати... Шоир бундай халқона мантӣқ билан ҳақиқатнинг қудратига қанчалик юксак маънавий қиммат беради. Бу шоир автопортретига Усмон Азимов қалами билан чизилган янги, фақат унинг мушоҳада тарзига хос ўтқир, ёрқин бир қиррадир.

«Театр» шеърда замондошнинг, биринчи навбатда, ижодкорнинг қиёфаси «халқ ғами» (Навоий)га нечоғли қиммат бериши билан белгила-нишини шоир ўзининг ижодий индивидуаллиги — поэтик дастхатини аниқ кўрсатиб турувчи лавҳа — образларда ифодалайди.

*Бу ерда ўзлари учун йиғлашмас,  
Бу ерда йиғлатар бировнинг дарди.  
Бу ерда бировнинг дарди муқаддас,  
Бу ерда табаррук ўзганинг қадри.  
Эски пальто кийган, мангу пиёда  
Санъат бу саҳнада қилар қўзғолон.  
Юрак бахш этмоқчи бўлар дунёга.  
Қалбларга — хўрсинмоқ учун бир имкон.*

Мен «Театр»нинг бундай ёниқ сатрларида Рауф Парфининг «Санъаткор» шеъри билан гоёвий умумият, руҳий ҳамоҳангликни ҳис қиламан. Ҳассос шоир театрининг инсонни «поклантирувчи» мўъжизакор кучини «бировнинг дарди йиғлатиши»да, шу тариқа «дунёга юрак бахш этмоқ»ликда деб билади. Борди-ю, бу Рауф Парфидан ё бошқа бир шоирдан ижодий таъсирланиш меваси бўлган тақдирда ҳам, биз уни ўша муштарак дардни бадийий оригинал мушоҳадалар билан чуқурлаштириш, ўша эзгу гоёни тугилмаган образлар билан ривожлантиришнинг ажойиб намунаси деб қабул қила-миз.

Шоирнинг «Дашт ҳақида баллада»сида граждандлик туйғулари она замин — Бойсун дашти билан азим шаҳар ўртасидаги янги характердаги зиддиятлар орқали ифодаланади. Биринчи қарашда қадрон она маскан ҳақидаги ўйлар, хотиралар билан Тошкент таассуротлари ўзаро муқоёса қилинаётгандай туюлиши мумкин.

*Тоғлар кичрайди. Пасайди осмон,  
Яшаб бўлмайди-ку, ахир энгашиб.  
Жўнадим баландроқ осмонлар томон,  
Ортимдан Бойсуннинг дашти эргашди,  
Мени ишонмади уфқларга у.  
Дош бериб тезликнинг шамолларига  
Ортимдан ҳаллослаб югурди ёху.  
Қоқилиб темир йўл шпалларига.*

Шеърнинг кейинги сатрларида бойсунлик бўз йиғитнинг бокира умидларини рўёга айлантирган катта шаҳар зиддиятлари, унинг аксари алдамчи жозибаси чизилади. Хусусан: «Тоғлар кичрайди, Пасайди осмон... Жўнадим баландроқ осмонлар томон» сатрлари замиридаги киноя диққатни тортади. Чиндан ҳам бунда Бойсун дашти ёки кенгроқ маънода Сурхон воҳаси, унинг еру осмони, одамлари, ҳозир ва келажаги ҳақида шоирнинг армонли хаёллари ифодаланган дейиш билан кифояланиб бўладими? Шеърда бутун Ўзбекистон қишлоқлари, дала-даштлари билан, заҳматқаш ва сабр-бардошли одамлари, айниқса унинг келажаги — болалари билан боғлиқ маънавий муаммоларга ишора, тафсилли аниқ бўлмаса-да, ҳар қалай, куюнчак бир муносабат яширинмаганмикин?..

Усмон Азимов «Сурат парчаси ҳақида дoston» сарлавҳали шеърда инсон учун, унинг маънавияти учун биринчи зарурат бўлган виждон, ҳақиқат, Ватан туйғуларига «кўз» рамзий образи орқали муносабат билдиради: алданган, таҳқирланган

бир ошиқ йиғит қайсидир боғда ё хиёбонда алам-изтироб исқанжасида «бурдалаб-бурдалаб отган» сурат парчаси — вафосиз ё асли севмаган қиз кўзларининг фотографик акси тасодифан шоир диққатини тортади. Бу ҳодиса уни кўздан қийнаб келатган ўй-хаёлларини конкрет лавҳа образлар тарзида умумлаштиришда ўзига хос «таянч нуқтаси» (Гёте) га айланади.

*Лабимда қогади энг буюк сўзлар,  
Бошимни чангаллаб инграйман ночор.  
Кўксимда турибди йўқолган кўзлар —  
Сурат парчалари қатору қатор.  
Биров виждонини йиртди беларво,  
Унут бурдалари кетдилар тўзиб.  
Шоир юрагини кўрдиму раво —  
Менинг кўксимдадир виждоннинг кўзи...*

Чин инсоний безовталиқ самимий ифодаланган бу оригинал мисралардан шундай ҳаётий ҳақиқат маълум бўлади: ҳар бир ҳассос шоирнинг «куйиниб сўзлаши» (Р. Парфи), шеърларида алам-ҳасратли, исёнкор оҳанглр устулик қилишининг асосий сабаби унинг «кўкси — юраги»ни макон тутган одамлар ташвиши, инсоният тақдирини — ижтимоий дарддир. Ўша безовта, қийноқли туйғу «сурат парчаси» (қизнинг кўзи) орқали конкретлик, айни чоғда, умумлашма характер касб этади, бундан тугилмаган кўпқиррали — рамзий образ тугилади.

Шахс қонунсизлиги йилларининг ўчмас доғи — «мероси» бўлган, кейинроқ, турғунлик даврининг ижтимоий дардларига замин яратган «шафқатсиз ҳақиқат» бугунги шеърятнинг, хусусан, унинг навқирон авлодига мансуб, бири бирдан фузуун ва ёрқин истеъодларнинг маънавий позициясига айланмоқда десак муболага бўлмас. Чунончи, У. Азимов «Эллигинчи йиллар балладаси»да жанг-вар йиллар хотирасини олис жануб кишлоқларининг бирида уруш қолдирган асурат — харобазор фониде ифодалайди.

Ўша кунларнинг реал картинасини, эҳтимол, қабартириб бериши мумкин бўлган ташбиҳ-тимсолларсиз, ҳужжатли ва предметли аниқлиги билан чизилган бу ҳаққоний манзарада нафақат уруш қурбонлари ёки мамлакат ичкарисидеги қаҳатчилик кўрсатилади.

Шоирнинг «Урушдан ўтгиз йил кейин ёзилган марсия» сида «уруш доғлари» ҳалок бўлган жангчи ва унинг мотамсору онаси образлари орқали кўрсатилади:

*Тинмайсиз — гўссани тинмаган энгар —  
«Воҳ болам!» — Кўкларга етар оҳингиз...  
Ҳеч ким сўз очмайди шахид ҳақида.  
Сиз ўчоқ қошида йиғлайсиз пинҳон.*

Ҳар бир ҳассос шоир дунёсини интим туйғуларсиз бутун, ёрқин тасаввур қилиш қийин. «Абадий мавзу»да ҳижрон қийноқларининг нолакор ҳолатларини — руҳий изтироблар тугёнга келган дақиқаларни ёки висол чоғларининг тансиқ, жозиб, бениҳоя лаҳзаларини фавқулodда аниқ ва таниқ ифодаланган мисралар оз эмас. Улар, шубҳасиз, китобхонда ўзгача шавқ, ҳайрат уйғотади, унинг шеърый дидини тарбиялайди. Айни вақтда муҳаббат қисмати кутилган ва кутилмаган зиддиятлардан холи эмаслигига, умуман, ҳаётнинг чин маъносини, инсоннинг фазлу камолини муҳаббатсиз тасаввур этиш қийинлигига унинг ишончини оширади, руҳан бойитди... У.Азимовнинг интим мавзудаги шеърлари ўзига хос полемик харктери — қаҳрамон кечинмалари, ўй-хаёллари, хотираларининг ички мунозара — ўз-ўзи билан тинимсиз муноҳаса қилиш руҳи билан сугорилганлиги аён сезилиб, ажралиб туради. Уларда ёниб, ўртаниб севиш, қуйинчак рашк, азобли иштибоҳ, тугёвли шиқоат, иложсиз нафрат ва яна муҳаббат илинжи, умиди, соғинчи ёнма-ён яшайди, ўзаро туташиб, бирлашиб кетади. Бу чуқур ҳаётий зиддият, масалан, «Шубҳа» шеърда шундай ифодаланади:

*Сен менинг фожеам, сен менинг бахтим,  
Сен менинг қорозга тушмаган шеърим,  
Талпиниб яшайман шу гўзал шеърга...  
Аммо сен бошқача... Сендан қўрқаман...  
Аммо бугун қалбда ярадор ишонч.*

Шоир «Сен йўқ эдинг...» деб бошланадиган сарлавҳасиз шеърда ҳам шундай руҳий зиддиятни — изтиробли ҳолатни аниқ чизади:

*Гулим, совуқ боқма, қўрқаман...*

«Кафечалар...» сўзи билан бошланадиган бошқа бир шеърда ўша ёлқинли муҳаббату «ярадор ишонч» туйғуларининг икки кутби — руҳий мунозара ўзгача лавҳа-образларда берилади:

*Вагда этиб менга ёғдулар,  
Юрагимда сен бўлдинг пайдо...*

Шоир дунёсини билиш учун, биринчи навбатда, унинг программ характердаги шеърларига, автопортретига алоқадор сатрларга мурожаат қилсак бўлади. Чунончи, Усмон Азимов ҳақиқий шеърят моҳияти, ҳақиқий шоир қисматининг воқелигимиз зиддиятлари билан узвий боғланган характерли қирраларини «Шеърят» сарлавҳали манзумасида «тулпор» рамзий образиде очиб беради.

*Кўзлари чақноқ тулпор,  
Тугёи чақмоқ тулпор,  
Суелиқ лабларин йиртган,  
Еллари байроқ тулпор...  
Тортган араванг — замин,  
Оловли ялов тулпор...  
Ҳавода ййнар қамчи,  
Қон оқар томчи-томчи.  
Торт заминни, тулпорим,  
Сендан ўзга — алдамчи!*

Халқона оҳанг заминиде шакланган бу сатрларда Шеърят илоҳаси бу гал ёлқин аравага қўшилган тулпорга айланади. Шоир анъанавий тимсолга («Пегас» — қанотли дулдул) фавқулodда кўламдор мазмун жойлайди — унинг тулпори, она заминнинг гаройиб аравасини тортади. Замон суронлари, довуллари шиддатиде унинг нафақат «лаблардин тирқираб қон» оқади, балки «жилво-лари узилиб, оловли ялов»га айланади. Унинг мўъжизакор, илоҳий қудратига, ҳар қандай ровни, хавф-хатарни писанд қилмас оташ руҳига айрича фақат шеърят тулпори «тундан ажратиб» куёш сари тортиб бориши мумкин. Шоир эътиқодича, она Сайёрамизнинг ягона умидли, истиқболли йўли — ҳақиқат йўлидир: «Торт заминни тулпорим, сендан ўзга — алдамчи!» сатрлари биринчи навбатда, ана шу сергак ҳақиқат гоёсини бадийий шарҳлашга хизмат қилади.

Ижтимоий қайта қуриш, янгилаиш жараёни, даставвал, қалбни поклашдан, янгича фикрлашдан бошланиши керак, деган журъаткор гоё шу куннинг маънавий мезъонига, шоирнинг ижодий позициясига айланиб бормоқда. Иттифоққа ва жаҳонга машҳур санъаткорлар партиямизнинг Ленинча иродасига суяниб, ундан мадад ва рағбат олиб, неча ўн йиллар мобайнида жиддий ижтимоий дардга айланган аччиқ ҳақиқатни, унинг чуқур сабабларини очиқчасига айтмоқдалар. Ҳақиқатни ҳайқариб айтишни, бонг уришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилапти. Муносиб устозлари, муносиб тенгдошлари билан изма-из, ёнма-ён бораётган Усмон Азимов айниқса бугунги ошкоралик муҳитида ҳақ гапни қандай айтиш кераклигини ўзича бадийий исботламоқда. Масалан, шоир «Тазарру» шеърда В.Маяковский қўллаган поэтик усулдан ижодий фойдаланиб ўз-ўзини аёвсиз «савалайди»:

*Тулкимасан, қилпиллама,  
Тек тур, муҳтарам ўзим,  
Айттайинми неча минг бор.  
Сўйладинг ёлгон-яшиқ,  
Биров ночор турганида  
Неча бор юмдинг кўзинг,  
Ҳаром ошга неча марга  
Ликиллаб бўлдинг қошиқ...*

Албатта, «ўзини фoш қилиш» одамнинг уйғоқ виждон туйғусига боғлиқ бўлса-да, бу — мураккаб психологик жараён; инсоний ғурур, орият, нафсоният, шахсий қадр-қиммат ўз позициясидан курашсиз чекинмайди. Лекин Шоирнинг виждон туйғуси даҳлсиз юксакликда туриши лозим. Воқелигимиздаги инқилобий ўзгаришлар унга ҳар қачонгидан фаол, куюнчак муносабатни тақозо қилапти.

# ВИЖСОННИНГ КЎЗИ



Сен недандир оғриниб, ўқсиб,  
Ултирардинг кўтаролмай бош...

Бу сатрларни ўқиб, муҳаббат туйғулари шунчалар табиий, самимий, бокира ва айни чоғда шунчалар тафовутли бўлишига («Ваъда этиб менга ёғдулар» — «Ултирардинг кўтаролмай бош») бейхитёр ишонч ҳосил қиламиз-да, яна иложсиз ўйга толамиз.

У. Азимовнинг ҳар бир янги шеърида ўша азалий зиддиятлар диалектикасининг ўзгача, бетакрор лавҳаси бадий тадқиқ этилганини кузатамиз. Масалан, «Ташқарига чиқаман...» деб бошланадиган бошқа бир сарлавҳасиз шеърда шундай мисралар бор:

«Эрта кўришгунча хайр» дейишга  
Ўзингни мажбур қил. «Тўхта» дема ҳеч...  
Ширин ўй оғудир айрилиқ они,  
Танни бурдалайди бир ўқсиқ алам...

Табиий, шайдо кўнгил дунёда энг сеvimли, энг азиз одам билан мулоқот дамлари сира тамом бўлмаслигини хоҳлайди. Ҳар қалай, бундай эрка, даҳлсиз истакни ҳам енгса бўлади: «эрта кўришгунча» хаёли билан. Лекин, борди-ю, шафқатсиз тақдир уларни нафақат эртагача, балки бир умр кўришмакка йўл бермас-чи?.. На чора? Шеър контекстидан шундай маъно англашилади. Демак, «Ширин ўй оғудир айрилиқ чоғи» сатрининг-бадий-мантаний ўрни бежиз эмас... Висол мулоқотининг сўнгги сониялари бунчалик аччиқ бўлишининг боиси ҳам шунда эмасми?.. Шеър китобхонни, шубҳасизки, безовта, ўйчан кайфиятга солади.

«Энди шеър ёзмайман» шеъри, чамаси, ўша айрилиқ юз бергандан кейинги кўиларнинг алам изтиробларини акс эттиргандай таассурот қолдиради:

Энди шеър ёзмайман унга боғишлаб,  
Энди хаёлини йўлаб йиғлайман...  
Энди мактублар ҳам битмайман — тамом!  
Занжирбанд қиламан телба қайғуни...

Қалбини, бутун орзу-умидини, тақдирини бағишлаган, энг лазиз ва муқаддас деб билгани — муҳаббат бахтсиз қисмат бўлиб чиқиши номусли, шурурли йигит учун чиндан ҳам фожеъ ҳолдир. Лекин муҳаббат шундай йигит учун чиндан ҳам шундай руҳий-маънавий қудратки, уни ҳатто ўша аламзада, ғазабнок йигит қалбидан ҳеч бир куч қувиб чиқара олмайди. У энди, майли, битмас жароҳат бўлиб, эзгу хотирот бўлиб қолиши керак. Алам-ғазаб тугёнида тушилган: «Занжирбанд қиламан телба қайғуни!» — бу беомон интиқом сўзлари эса муҳаббат дарди айниқса трагик вазиятда фавқулодда таъсир кучига эга бўлишини кўрсатади ва зинҳор унинг қадрини камайтирмайди. Бундай тугёни ҳолатлар, моҳият эътибори билан ўша бахтсиз қисматининг аксарият номаълум бўлган ижтимоий сабаблари — ҳаётнинг қуқур андиятларига алоқадор деб тушуниш тўғри бўлар. Зеро, жўридаги шеър билан руҳий муштараклик сезилиб турган «Бу кеча...»нинг кўйидаги сатрлари муҳаббат кўнгилнинг мудом азиз мулки, унутилмас хотираси бўлиб қолганини тасдиқлайди:

Ташқари чиқаман — кеча мунаввар...  
Шунда такрорлайман йиғлаб исмингни.

Ойдин (эҳтимол, бир умр унутилмас, дардли хотира бўлиб қолган бахтли мулоқот дамларининг шохиди, қадрдон) бир масканда, тун сукувати билан таянчо қолиб, ўша дилзор қизнинг «исмини такрорлаб йиғлаш» ёки «йиғлаб такрорлаш»дек ҳам бебахт, ҳам бебаҳо насиба — мураккаб қисматнинг моҳиятини — теран маъноларини, бу оташин жараёндаги туйғулар, хаёллар шиддатини, «руҳий поёни: (А.Орипов) ни фақат шоирнинг ўзи шарҳлаб бериши, аниқроғи, шеър қаҳрамони — ўша алам-армони чексиз йигитнинг ўзигина яхши билиши мумкин...

Умумлашма характердаги полемик образларнинг янги оригинал намунасини шоирнинг «Графика» шеърида кузатамиз. Полифоник характердаги муҳаббат образи зохиран «оқ-қора» контраст нисбатлар асосига қурилган, моҳият эътибори билан, улар икки покдомон, лекин «гуноҳсиз гуноҳкор» дунёсини — бахтсиз, васлсиз битилган севги қисматининг том маънодаги драматик, ҳатто трагик ҳолатини сувратлайди.

Унутишинг қаро, ҳижронинг қаро,  
Соғинчинг оппоқдир, хатларинг оппоқ,  
Қародир юрганнинг ўч — меҳр аро,  
Менга ташлаб кетган дардларинг — оппоқ...  
Ишон, юрак оқдир, қародир тақдир,  
Оқ-қора бўёқлар бизнинг боғларда...  
Мен миллион бўёқни билардим, ахир,  
Иккимиз бахтиёр бўлган чоғларда.

Бу — муҳаббатдек бениҳоя зиддиятли — гоҳ она Замин қадар яқин, дилбанд, азизу мукаррам, гоҳ Самоват қадар сирли, чексиз, юксак олам ҳақида фақат Усмон Азимов қалами чиқиши мумкин бўлган бетакрор, рангин тимсол — образ намунаси... Бундай тиниқ «нурли чизиқлар» (А.Мухтор) шоирнинг нафақат пурдод интим кечинмаларини ифодалайди. Улар даврнинг катта, мураккаб ижтимоий ҳақиқатини бадий умумлаштириб беришига ишонса бўлади.



Наташа.

ГҶЗАЛЛАР  
ЛАЗИЗЛАР

КҶРИК —  
КАҶНК —

КОНКУРСИ  
КОНКАҶСИ



Кейинги йилларда мамлакатимизнинг турли шаҳарларида гўзаллар конкурсларини ўтказиш анъана тусига кириб бормоқда. Жумладан республикамиз пойтахтида ҳам «Тошкент гўзали — 88» кўриги ўтказилди. Унда Наташа исмли қиз гўзалларнинг гўзали деб тан олинди. Кўрик якунида Вильнюс шаҳрининг гўзаллар маликаси Ингрид ҳам меҳмон сифатида иштирок этди.

Мухбиримиз икки шаҳарнинг икки гўзали билан суҳбатда бўлди.

— Ешларингиз нечада?

Ингрид: — Ҳн саккизда.

Наташа: — Ингриддан бир ёш каттаман. — Гўзаллик, ҳусн-латофат оилангизда илгаридан авлод суриб келяптими ё?

Ингрид: — Ҳамма қатори оилаларданмиз. Онам кутубхоначи, отам инженер-конструктор.

Наташа: — Менам бир нима дея олмайман. Отам — офицер, подполковник, онам — ўқитувчи.

— Ота-оналарингиз бундай кўрик-конкурсада қатнашишингизга қандай қарашди?

Ингрид: — Онамлар олдинга ҳаяжонда юрдилар, ғолиб чиққанимдан кейин қувондилар. Отам бўлса... оиламизда битта гўзал бор, у — онанг, дедилар.

Наташа: — Ғолиб чиққунча отам билан онамга конкурс ҳақида оғиз очмадим.

— Кейин қандай қабул қилишди?

— О, зўр! Хурсандчиликларини сўз билан ифодалаш қийин.

— Ингрид, Сизнинг келажак режаларингиз?

— Бу йил мактабни тамомлаяпман. Институтга кириш ниятим бор. Актёр бўлмоқчиман. Роль ижро этиш учун ҳозирдан Мосфильмга таклиф қилишган.

— Наташа, сиз нима дейсиз?

— Мен аллақачон студент бўлиб олганман. Тошкент енгил саноат ва тўқимачилик институтида ўқияпман.

— Сиз кийган либослар ҳаммага ёқди. Уларни ўзингиз тикканмисиз?

— Ўзим, яна «Ҳужум» либослар уйда ишлайдиган дугоналарим қарашиди.

Шундай қилиб, Тошкентдаги «Ешлар» уйда биринчи бор гўзаллар кўрик-конкурси ўтказилди. Жюри аъзолари озми-кўпми тажриба орттирдилар. Ўйлаймизки, бу ҳаракат қизларимиз орасида жисмоний соғлиқ, бардамлик, ҳусн ва латофат, дид билан кийиниш кўригига айланиб қолади.

Ингрид.

А. КУДРЯШОВ фотолари

Бурчмулла... Бу қишлоқнинг номи нафақат Тошкент область аҳолиси, балки кўпчиликка яхши таниш. Кўплаб шаҳарликлар ёз фаслида бу ерда Тошкент жазирасидан ўзини панага олишни, бир-икки ҳафта вақтини соя-салқинда, ўрмонзор орасида, тоғдан шилдираб оқаётган анҳорлар бўйида ўтказишни орзу қилишади.

Лекин Бурчмулла фақат дам олиш зонаси ҳисобланмайди. Бу ерда «Чорвоқ» совхоз, ўрмон хўжалиги, қурилиш-ремонт бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг ишчилари муқим истиқомат қилишади. Қурувчилар, шоферлар, ғаллакорлар, асаларичилар, врачларнинг кўп сонли отряди, маҳаллий мактабларнинг ўқитувчилари, болалар боғчаларининг тарбиячилари ҳам шу ерда яшашади. Бурчмуллада истиқомат қилаётган 16—30 ёшлилар бир ярим минг кишини ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги, шу жумладан, интернационалист жангчилар редакцияга ёзишган шикоят мактубига имзо чекишлари бежиз эмас.

Ёшлар нимадан шикоят қилишяпти? Албатта, табиатдан эмас. Аслида у ҳам ҳимоя этилишини талаб қилаётгани кўпчиликка маълум. Лекин бу ҳақда алоҳида фикр юритиш лозим. Мактубда эса жудаям улкан бўлмаса-да, аммо ниҳоятда муҳим масала хусусида гап боради.

Олинган маълумотларга қараганда ўсмирлардан айримлари бекорчиликдан наша тўлдирилган сигарет чекишга, қонун доирасига кирмайдиган ишлар билан шуғулланишга берилган. Қисқаси, активларнинг бонг уришига асос бор. Вазият жиддий, шошилинч равишда аралашувни талаб этади. Аммо, мактубдан маълум бўлишича: раҳбарлардан ҳеч ким бу масалага ўз муносабатини билдиришга шошилмапти.

Ёшларни ташвишга солаётган муаммолардан яна

яроқсиз бўлган сабабли директор Э. Тўйчиев уни беришни рад этяпти. Кейин ёшларнинг бўш вақтини ўтказиш учун нималар бор-у нималар қурилиши баён этилган.

1989 йилда «Чорвоқ» совхозининг Яккатут қишлоғида 500 ўринли клуб қурилиши бошланади. Бурчмулла қишлоғида «Самородок» пансионати томонидан 300 ўринли клуб қурилиши бошлаб юборилган. Бурчмулла қишлоғида спорт майдони мавжуд, уни кенгайтириш ва ободонлаштириш мақсадида март ойида ёшлар шанбалиги ўтказилади. «Чорвоқ» совхоз ҳузурида вокаль-чолғу ансамбли ишлаб турибди.

Хатни текшириш мобайнида ўртоқ Ш. Ҳасанов ва совхоз комсомол активлари билан учрашилди. Учрашув чоғида ёшларнинг бўш вақтини уюштириш масаласи муҳокама қилинди.

Жавобни хат билан солиштирар экансан, ҳазил шёрдаги деҳқон билан кар кампирнинг суҳбати беихтиёр ёдингга тушади:

- Салом, қудағай!
- Бозорга борувдим.
- Нима бало, кармисан?
- Хўроз сотиб олдим.

Бу ерда ҳам худди шундай. Ёшлар бир нима деса, жавобда бошқа нарса ҳақида оғиз очилади. Умуман олганда шуни айтиш керакки, бундай жавоб эндиликда урфдан чиққан, аммо, афсуски, ҳамон фойдаланиб туриладиган эски иш услубининг намунасидир.

Бурчмулла ҳозир маданий-маиший объектларга бой, келажакда унинг тармоғи янада кенгайиши хусусидаги қатъий ваъдалар эса ҳаддан ташқари содда одамларга, ёки келажакни кўролмайдиганларга мўлжалланган. Хўш, аввало, «Чорвоқ» совхоз 1989 йилда Яккатутда бошлайдиган 500 ўринли клубни олиб кўрайлик. Бу маълумотни ёшлар илтимосига жавоб деб ҳисоблаш мумкинми? Менимча, йўқ. Ҳатто чиндан ҳам белгиланган муддатда қурилиш бошланганда ҳам у юқорида айтилгандек, Бурчмулладан беш километр наридаги Яккатутда барпо этилади, хатда эса ёшлар марказини бевосита Бурчмулланинг ўзида очиш ҳақида гап борганди.

# МОШ ИЧИДАН МОШ

бири қишлоқ турмуши маданиятидир. Шуни ҳам айтиш керакки, қишлоқда турмуш маданиятига оид мактублар редакция почтасида оз эмас. Аммо буларнинг муаллифлари кўпинча «Мана бу нарса бизда йўқ, бизга тўғрилаб беришсин» қабилда истеъмолчилик мавқеини эгаллаб олишади. Бурчмуллалик ёшларнинг мактуби шу билан эътиборга молики, унинг муаллифларига четдан туриб кузатиш бегона. Мактубдаги асосий фикр: ўзимиз бажарамиз, фақат ёрдам беринг, бизни қўллаб-қувватланг!

Ёшлар нимага интилишяпти?

Бурчмуллада, «Чорвоқ» совхозининг марказий қишлоғи бўлган жойда қирқ-эллик йилдан бери, агар бундан кўп бўлмаса, идоранинг икки қаватли биноси қад ростлаб турибди. Албатта, бино вақт ўтиши билан эскирган, лекин ўз вазифасини бажариб келган. Кексаларнинг эслашича, биринчи қават доим омборхона вазифасини ўтаган, иккинчи қаватда эса чўтларнинг шақирлаши, ёзув машиналарининг чиқиллаши, телефон қўнғироқларининг жиринглаши эшитилиб турган. Совхоз маркази Бурчмулладан беш километрча нарида жойлашган Яккатут қишлоғига кўчирилгач, эски идора бўшаб қолди ва шунда қурилиш-ремонт бошқармаси қурувчиси Ш. Ҳасанов бошлиқ ёшлар қишлоқ Советининг раиси ўртоқ Ориповга мурожаат этиб, идорани ёшлар марказига айлантиришда ёрдам беришини илтимос қилишди. Ташаббускорлар агар қурилиш материаллари билан ёрдам беришса, бинони ўз кучлари билан ремонтдан чиқариш ва реконструкция қилишни зиммаларига олмақчи бўлишди. Дастлаб мурожаат қилинган идора бу иш билан шуғулланмасди, шу боисдан Орипов ёшларни совхоз директори Э. Тўйчиевга йўллади. У ерда ҳам бино фойдаланиш учун яроқсиз, эски экани вақт қилиниб ёшлар илтимоси рад этилди.

Йигитлар энди район партия комитетининг биринчи секретари Д. Д. Турдалиев номига ёзилган хатдан умид қилишди. Райкомдан хат Турдалиевнинг резолюцияси текшириб, чора кўрилсин, билан район комсомол комитетига юборилди. Ниҳоят, район комсомол комитетидан қуйидаги мазмунда расмий жавоб олинди:

«Чорвоқ» совхозининг 1-бўлим бошқармаси жойлашган бино эски ва ёшлар клубига айлантириш учун

«Самородок» пансионати қурадиган клуб ҳам маҳаллий ёшларнинг бўш вақтларини янада мазмунли қилолмайди. «Пансионат»ники эканлигининг ўзи ветеранлар билан учрашиш, бир пиёла чой устида суҳбатлашиш, бадий ҳаваскорлиқни ривожлантириш имкониятини бермайди. Маҳаллий ёшлар фақат вақти-вақти билан фильм томоша қилиш имкониятига эга бўлиши мумкин холос. Лекин гап бу ҳақда бораётгани йўқ.

Район комсомол комитетининг жавобида Бурчмуллада мавжуд спорт майдончаси хусусидаги эслатма қуруқ расмийчиликнинг ўзгинаси ҳисобланади.

Жавобда бирорта ҳам йўл-йўриқ йўқ: яъни бу мумкин эмас, аммо истак бўлса, мана бунга амалга оширишга уриниб кўринг, дейилмайди. Бирорта маслаҳат берилмайди. Шунчаки таъқиқланади, демек ташаббус бўғилади. Бурчмуллалик ёшлар ҳаммасини шу эски идора ҳал этади, деб ҳисоблашмайди. Уларнинг якуний мақсади битта — у ҳам бўлса ёшлар марказини барпо этиш, бўш вақтни кўнглили уюштириш, ёшларни кўча таъсиридан тортиб олиш. Улар ўз илтимосномаларига қатъий рад жавоби келгач, Ориповнинг ҳузурига янги таклиф билан кириб келишди: клубни ўзимиз қурамыз, чунки орамизда турли мутахассисликдаги қурувчилар бор. Қишлоқ советидан бунинг учун ер ва қурилиш материаллари ажратишга ҳамкорлик қилишни сўрашди. Аммо Орипов бу сафар таклифни умуман бажариб бўлмайдиган фикрга чиқарди, ёшларнинг ўзлари қуришлари мумкинлигига ишонмади. У учинчи таклифни ҳам қўллаб-қувватламади. Ёшлар Бурчмуллада жойлашган ҳар бир хўжалик вакилига клуб қуришни молиявий таъминлашда ёрдамчи бўлиб қатнашишни таклиф этдилар, ишчи кучларини эса, аввалгидек, ёшларнинг ўзлари таъминлашади. Яна рад жавоби, энди қишлоқ совети даражасида. Биргаликда муҳокама қилиш ва кейин юқори ташкилотларга мурожаат этиш мумкин бўлган бирорта йўл-йўриқ ёки план яна йўқ. Раис хиралик қилаётган ёшларга шунчаки қўл силтаб қўйди.

Ориповнинг консерватизмидан фақат бурчмуллаликлар нолишаётгани йўқ. Яккатут ёшларининг айрим вакиллари билан раис ўртасида анчагина мураккаб муносабат юзага келган. Редакцияга ёзил-

ган иккинчи хат мана шу ҳақда ҳикоя қилади.

Район комсомол комитетининг бурчмуллаликларга ёзган жавобидаги «Чорвоқ» совхозида вокаль-чолғу ансамбли ташкил этилган», деган жумла журналхоннинг ёдида бўлса керак. Шуни айтиш керакки, бу ансамбль қисқа вақт ичида ёшлар орасида катта обрў қозонди. Ансамблнинг раҳбари, Тошкент консерваториясининг битирувчиси Ботир Одинаев, концерт программасига ўзбек халқ кўшиқларини, шунингдек СССР халқлари кўшиқларини асос қилиб олган.

Ансамбль совхозда ўтказиладиган кечалар, қишлоқ совети уюштирадиган тадбирларда хизмат қилди. Шу йилнинг баҳоридан бери эса илтимосномаларнинг кўплиги ва совхоз касабаси союз комитетининг илтимоси муносабати билан бу ёшлар коллективига тўйларда хизмат қилишга рухсат берилди.

Мана шу масалада «мош ичидан тош» чиқиб қолди. Аввалига Одинаев ансамблнинг планига тузатиш киритмоқчи, қайси тўйга бориши мумкин-у қайсинисига бориш мумкин эмаслигини ҳал қилмоқчи бўлди. Кейин эса Одинаевга тўғридан-тўғри: «Истасам — тўйда хизмат қилсан, истамасам — хизмат қилмайсан», деди. Бу нима? Узининг қудратига шама қиляптими ё яна бир нимаси борми? Ансамбль аъзолари аввалига ҳатто доғдираб қолишди. Лекин илтимосномалар келаверди. Ёшлар тантаналарда айни шу ансамблини кўришни, айни унинг музикаси садолари остида рақсга тушишни исташарди.

Шунда Одинаев таванкал қилди. 6-ва 7-март, шунингдек 12-апрель кунлари ансамбль учта тўйга хизмат қилди. Ансамбль раҳбари олдиндан совхоз касабаси союзи кассасига ҳар бир тантана учун 25 сўмдан тўлаб қўйди. Бу вазносни қишлоқ совети ходимлари билишмаган, шу боисдан бундан хабар топиб шўх программа қатнашчиларини камситиш йўлига ўтишган.

Қишлоқ советининг кассири Исломов, масалан, тўйда хизмат қилаётган ансамбль аъзоларини кўриб, бу «жиноят»ни акт билан тасдиқлаб қўймоқчи бўлди. Лекин созандалар ёнига бориб, улар, унинг фикрича, қонунни бузишганини айтишдан чўчиди.

Бир суткадан кейин эса кассасида беркиниб олиб, акт тузди, унда Одинаевнинг ва ансамблдаги бошқа иштирокчиларнинг имзоси йўқ эди. Акт худди шу кўринишда Бўстонлик район маъмурий комиссиясига ётказиб берилди. Комиссия эса узоқ ўйлаб ўтирмай, ҳар бир созандага 50 сўмдан жарима солди. Тошкент область ижроия комитетининг маданият бошқармаси вакиллари бу низони қўнт билан текшириб чиққанларидан кейингина Бўстонлик қишлоқ советининг ёшлар ансамблига бўлган даъвоси асоссиз ва ғаразли экани аниқланди. Лекин ўртоқ Орипов ВЦСПС секретариатининг 1986 йил 14 мартдаги «Маданий-оқартув, мактабдан ташқари, маданий-спорт муассасаларининг аҳолига кўрсатадиган пулли хизматини янада кенгайтириш чоралари ҳақида»ги қарорини бошқалардан кўра яхши билиши, шу қарорга мувофиқ касабаси союзининг маданий муассасида тузилган вокаль-чолғу ансамбли ҳаваскорлик коллективи аттестация паспортига эга бўлса прейскурант бўйича аҳолига пулли хизмат қилиши мумкинлигини билиши, лозим.

Шундай қилиб низо ёшлар фойдасига ҳал бўлди. Одинаев билан унинг ҳамкасблари кайфияти яхшиланди. Аммо қачонгача? Ёшларнинг бўш вақтини кўнглили ўтказишини яхшилаш хусусида бирорта иш қилишни истамайди-ю лекин бу соҳадаги яхши ташаббусларга исталган пайтда тўғаноқ бўладиганлар яна гимирлаб қолмаслигини ким билади.

Бурчмулла ёшлари вақтларини шўх-шодон ўтказадиган, рақсга тушадиган, бир пиёла чой устида ўзаро суҳбатлашадиган ва фақат ёшларга эмас, балки катталарга ҳам ҳозирги пайтда зарур бўлган маънавий муносабатда бўлишга имкон берадиган ўзларининг маданий марказлари бўлишини орзу қилишяпти.

Ҳозир 10 дан 30 ёшгача бўлганлар бундай марказларнинг меҳмонлари бўлишни истамаётганлиги қойил иш. Улар бу марказларнинг хўжайинлари бўлишни орзу қилишяпти, ҳамма нарсага ўзлари бажариш, ҳамма ишни бақувват, серғайрат қўллари билан адо этишни орзу қилишяпти. Уларнинг шафқатсизлик ва лоқайдликка қарши қўяётган позицияси мана шундай!

Е. ТРАВАС.





**Т**ошкент педагогика билим юрти талабалари рус тилини дарсликлардангина эмас, балки замонавий жиҳозланган лингафон кабинетларида ҳам ўрганяптилар. Улар шунингдек, болалар боғчаларида амалий машғулотлар ўтадилар. Кичкинтойларни санъатга, музикага ошно қилдилар, расм солишга қизиқишларини ортирадилар ва... ўзлари ҳам ёш мақомчилар ансамбли ва спорт секцияларига ошиқдилар.

А. КУДРЯШОВ фотоси.





**Т**ошкент чарм-атторлик ва спорт маҳсулотлари фабрикасида асосан ёшлар меҳнат қилади. Улар дастлаб фабрика қошидаги махсус билим юртида таҳсил оладилар. Бу катта даргоҳ Октябрь райони мактаб ўқувчиларининг ҳам ўқув комбинатига айланган.

А. КУДРЯШОВ фотоси.





## МАҚОЛАСИ

## ТАЛАБАЛАР

## МУҲОКАМАСИДА



### Хурматли журналхонлар!

Сизларга маълумки, «Еш куч» журнаlining бу йилги 4-сонида Тошкент Давлат медицина институтининг 130 талабаси имзо чеккан «Бўлғуси шифокорлармиз-ку!» деб номланган мақоласи босилган эди.

Мақола институт талабалари орасида катта қизиқиш уйғотиб, кўпгина баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Куйида баҳс иштирокчиларининг фикрлари билан танишасиз.

Унда Тошкент давлат медицина институти 1-хирургия кафедраси ассистенти, медицина фанлари кандидати Мухтор Эшбеков ва 1 даволаш факультети студентлари иштирок этишган.

**Жуманазар ЭРЖОНОВ:** — Менимча, журналдаги мақолада ҳаётимиздаги кўп йиллик ачиқ ҳақиқат очик-ойдин айтилган. Кўпчилик кишилар республикамизда юқори малакали врачлар камлигидан нолишадими, лекин бунинг сабабларини — нима учун институтни битираётган ёшларнинг билим савияси паст эканлигини тушунишни исташмайди.

Сабаблардан энг каттаси, бизнинг қишлоқ хўжалик ишларида узоқ муддат-йилига, 1,5—2 ойлаб қолиб кетишимиздир. 6 йиллик ўқиш даврида бизнинг 1 йиллик ўқиш давримиз дала ишларига «бахшида» бўлаётган экан.

Мана бир неча йилдирки, институтимиз битирувчиларининг кўпчилиги Россияда, уларнинг ёш кадрлари эса бизнинг ўлкада шифокорлик фаолиятини бошлаб, бир-бирлари билан тажриба алмашишяпти. Минг афсуски, ТошМИ талабалари тиббиёт амалиётини яхши билмасликлари туфайли Россияда мулзам бўлиб қолишяпти. Уларнинг уялиб қолишларига далада йўқотилган кадрли дақиқалар бош сабабчидир.

### Манзура ШОНАЗАРОВА:

— Ҳамма врачлик касбининг ўта масъулиятли эканлигини кўп ўқтиради-ю, аммо бизнинг яхши врач бўлиб етишимиз учун етарли ғамхўрлик қилинмайди.

Уйлаб кўрайлиг-а, масалан, бўлғуси инженерлар пахтада узоқ қолиб кетишса, келажакда бирон детални нотўғри ишлашар. Бу хато айтарлик фожияли эмас. Лекин биз-чи?.. Ахир далаларда йўқотаётган вақтимиз бизнинг баъзи касалликларни ўрганишга улгурмаслигимизга олиб келади-ку! Бу эса ўз навбатида бизнинг ана шундай касалликларга нотўғри диагноз қўйишимизга ва нотўғри даволашимизга, бу эса аксари қандайдир фожияларга олиб бориши аниқ-ку!.. Ахир бежиз айтишмаган: «Рассом чизаётган картинасида йўл қўйган хатосини бўёқ чаплаб яшириши мумкин, аммо врач хатосини фақат ер яширади».

**Мухтор ЭШБЕКОВ:** — Тўғри, биз пахта далаларида узоқ қолиб кетишимиз билан жуда кўп нарсани йўқотаямиз. Мен бунинг ўз педагогик тажрибамга асосланиб айтаяман.

Биз ўқув йили бошланишида, йиллик ўқув планини пахта теримига кетадиган вақтни ҳисобламай Иттифоқнинг бошқа медицина институтлари билан бир хилда тузамиз. Аммо пахта теримидан сўнг 5 кунга планлаштирилган дарсларни 3 кунда ўтишга мажбур бўламиз. Натижада, мана шу 3 кундаги дарс соатларини узайтираемиз, студентлардан олдингига нисбатан 1,5—2 баробар кўп бўлган темаларни ўзлаштиришни талаб қиламиз. Касбимиз назария билан амалиётни узвий олиб боришни тақозо қилади. Аммо студентлар бу қисқа муҳлат ичида фақат базўр назарий билимлар олишгагина улгуриши мумкин. Лекин назарий билим ҳам амалий машғулотларнинг кам бўлиши туфайли талабанинг фикрида доимо сақланиб қолмайди. Демокчиманки, дарсларни, касалликларни батафсил ўрганиш учун бизларда имконият, яъни вақт етарли эмас. Демак шундай экан, биз медицина ўқув юртлари пахтага жалб этилмаса, ўлкамизда медицина хизмати кўрсатиш савияси кескин яхшиланиши аниқдир.

**Ғулум ХУДОЙБЕРДИЕВ:** — Пахта теримига борган пайтимизда кўпинча пахта териш машиналаридан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги, совхоз аҳолисининг кўпчилиги эса ўз томорқасидаги хўжалик ишлари билан машғул эканлигига гувоҳ бўламиз.

Мен Пахтакор районидаги далаларда бир совхоз бригадари билан суҳбатлашиб қолдим. Ундан «Нима учун совхоз халқининг кўпчилиги пахта теримига совуқонлик билан қарайди?», деб сўраганимда, у мийғида кулиб шундай жавоб берди:

— «Укажон, сиз ҳашарчиларни Тошкентдан олиб келиш, шарт-шароит яратиш, иш ҳақи тўлаш ва олиб кетишга қанчадан-қанча маблағ сарф бўлади. Маблағнинг кўпчилиги ҳашарчиларга сарф этилганлиги учун совхоз аҳолиси албатта кам даромад қилади. Агар сизларни ҳашарга олиб чиқмай, мана шу маблағларни колхозчининг ўзига сарфлашса эди, аҳоли даромадлироқ экинларга ўзини уришни ўйламай балки пахта терими учун жон куйдирарди».

Менимча, бу деҳқоннинг гапида жон бор. Бу фикрни яқинда «Литературная газета»да Узбекистон мухбири Владимир Соколов янада ишонарли қилиб исботлаб берди.

**Мухтор ЭШБЕКОВ:** — Тўғри айтдингиз. Менимча ҳам агар ҳар бир киши ўз вазифасини сидқидилдан бажаришса эди, ҳаётимизда шунчалик англашилмовчиликлар бўлмасди.

Келинглор, шундай экан, биз пахтакорларимиздан илтимос қилайлик, токи улар ҳашарчилар ёрдамига келажакда ҳам аввалгилардек таяниб қолмай, ўз ишларини уддаласинлар. Ана шунда колхозчилар медицина хизматининг кўнгилдагидек эмаслигига қуюнишлари камаяди.

**Муҳаммад САФАРОВ:** — Кўпинча ҳайрон бўлиб қоламан. Пахта-ку шунча йилдан бери териб келямиз, лекин пахтазорда пахта қолмаганда, ҳаттоки қор-ёмғир ёқанда ҳам бизларни ушлаб туришларида мантиқ борми?.. Ахир бу иллат турғунлик даврининг сарқитлари сифатида кечаги кун фожияси бўлиб қолиши керак эди-ку?..

**Қулмуҳаммад СУЛАЙМОНОВ:** — Мен бир нарсани таъкидлашни истардим. Биз бир-биримизнинг кўзимизга тикилиб ёлғон сўзлашга ўрганиб қолдик. Мана 2 йилдирки, ҳашарчи-талабалар фақат 1 ойга олиб чиқилади дейишяпти, лекин «алдагани талаба яхши» қабилда иш тутиб бизни 2 ойга яқин ушлаб қолишяпти.

Утган йилги пахта йиғим-терими кампаниясида ҳам биз 1,5 ой далада қолиб кетдик.

**Матлуба РАҲМОНҚУЛОВА:** — Пахтада узоқ қолиб кетиш ҳам майлику-я, яшаш шароитларини айтмай-сизми.

Бизнинг — «соғлом турмуш тарзи тарғиботчиларининг аҳоли шунчалик ачинарли экан, бошқа ўқув юртларининг яшаш шароитини гапирмасамиз бўлар».

Шифокорларда бир сўз бор: «Ҳар қандай касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осон».

роқдир». Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун эса касалликни туғдирувчи сабабларни йўқотиш керак.

Аммо биз айнан касалликлар сабаблари бўлган антисанитария ҳолатларини ва бошқа ноқулай шароитларни йўқотиш ўрнига, ўзимиз ўша шароитларда яшашга мажбур бўляпмиз. Шунинг учун бўлса керак, биз касал даволашга ҳам улгурмай, унинг асоратлари қолдирган пайтига дуч келамиз. Киши учун энг буюк бахт бу соғлику-ку. Ахир, одамзод ҳаётга бир марта келади-ку...

**Қулмуҳаммад СУЛАЙМОНОВ:** — Мана мен 6 курсда ўқияман, яқинда мустақил равишда врачлик фаолиятини бошлашим керак. Аммо иқроор бўлишим керакки, менинг шунча йилда олган назарий билимларим етарли бўлса-да, аммо амалий тажрибам ўзимни қониқтирмайди. Нафақат мен, ҳаттоки ўқишни битираётган кўплаб дўстларимиз ҳам оддий манипуляцияларни билишмайди. Амалиётни билиш учун кечқурунлари клиникаларда навбатчилик қилишга тўғри келади. Аммо ўқиш программасининг, машғулотларнинг тиғизлиги қолаверса, кун бўйи шаҳарнинг у четидан бу чеккасидаги бошқа клиникага югуриб, дарсга улгуриш — булар ҳаммаси бизнинг қимматли вақтларимизни олиб қўйиб, амалий машғулотларни ўрганишимизга имкониятни қисқартирмоқда. Институтни битирганимиздан сўнг ҳеч ким чаласаводлигимиз сабабини пахтада деб ўйламайди.

**Душан БОБОЕВ:** — Дарҳақиқат, биз шифокорларга жуда кўп таъна дашномлар қилишади, газета-журналларда аёвсиз танқидлар қилишади. Келинглор, агар шундай экан, биз ҳам ўз дард-ҳасратимизни халққа очик айтилик.

Республикамизда медицина хизмати оқсаб қолиши, болалар ўлимнинг қолақ Африка республикаларига тенглиги — буларнинг ҳаммасига ўқишимиздаги юзакичилик ҳам сабаб эмасмикин.

Мана шу юзакичиликни биргалашиб бартараф қилсак бўлади-ку, республикамизда бор-йўғи 5 та медицина олий ўқув юрти бор. Агар шу институтларни ўқишдан бошқа ишларга, пахта теримига жалб қилмасалар кўп нарса йўқотилмайди, аксинча, ютилади-ку?..

Эҳтимол, шунда республикамиз шифокорлари халқимиз олдидаги ўз бурчларини шараф билан адо этиб, ёруғ юз билан юришармиди?

— Сиз бунга нима дейсиз азиз мутасадди опакалар, раҳбар ходимлар, кадрдон тенгдош дўстлар?

Давра суҳбатини  
Уктам ҚУЧҚОРОВ уюштирди.

## Муаммога министрликнинг муносабати

Узбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги «Еш куч» журнаlining 1988 йил 4-сонида чоп этилган «Бўлғуси шифокорлармиз-ку» деб номланган мақола билан яқиндан танишиб чиқди. Мақолада кўтарилган жиддий муаммо бўйича Министрликнинг фикри қуйидагича:

Ҳар йили студентларнинг қишлоқ-хўжалик ишига икки ойлаб жалб этилиши, бу албатта, ўқув программаларини ва практика вақтини қисқартиришга олиб келади. У ўз навбатида юқори малакали мутахассис тайёрлашга салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир. Шунга қарамай, ўзбек халқининг фахри ва республикамизнинг асосий бойлиги пахта ишчи кучи танқис бўлган областларда, студентлар ҳамкорлигида териб олиниши лозим бўлган чоғларда уларга ҳамма керакли шароитлар яратиб берилиши керак, ҳамда бу ёрдам қисқароқ муддатга мўлжалланмоқлиги даркор.

Соғлиқни сақлаш министрлиги юқори малакали медицина ходимлари етиштириш мақсадида медицина олий ва ўрта юртлари студентларини, иложи борича қишлоқ-хўжалик ишларига жалб қилинмасликларини, эҳтиёж бўлиб қолганда эса медицина ёрдами кўрсатишда фойдаланишни лозим деб топади.

С. М. БАХРОМОВ,  
Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри.

# МУНГЛИ КЎЗЛАР

(саргузашт романдан парча)

— Жуда тўғри айтдингиз, — дедим мени тушунгани учун хурсанд бўлиб, — доим шунақа бўлган. Эҳ-хе, улар шунақа кўп олишганки...

Суҳбатимизнинг у ёғи худди ўзим кутгандек бўлди, насиҳатга айланиб кетди. Умуман, биз ёшлар ўзи бу дунёга фақат насиҳат эшитиш учун келганга ўхшаймиз. Катталар олдида бизнинг ҳаммиша ақлимиз паст, ишимиз хом бўлиб чиқарилди... Даъвогарнинг оғзаки ахбороти билан дуч келган одамни порахўрликда айблаб бўлмас эмиш. Бунинг учун ишончли гувоҳлар, ашёвий далиллар, жиноят устида тузилган актлар, экспертиза хулосалари керак бўларкан. Прокурорнинг менга насиҳат аралаш айтган жавоби шу бўлди.

— Ахир мен ўз кўзим билан кўрганман, — дедим қалтираб.

— Кўриш бошқа-ю, исботлаш бошқа.

— Демак, уларни жавобгарликка тортмайсизми?

— Афсуски ҳозирча йўқ. Энди йигитча, отингизни яна эсимдан чиқариб қўйдим, суҳбатимиз чўзилиб кетди, хайрлашайлик. Бориб ўқишингизни давом эттиринг. Яхши ўқисангиз жиноятчиларга берган жавобингиз шу бўлади.

— Уқишдан бир йилга «отсрокча» беришган.

— Прокуратура сиз айтган шахсларни назоратга олади албатта. Керак бўлса сизни чақиртирармиз. Адресингизни ёзиб олдим. Гаплашгингиз келиб қолса, эшигимиз очик, истаган вақтингда келаверинг.

Прокурор сўнги сўзларини, «энди тезроқ чиқиб кета қолсангчи, бошимни қотириб юборидинг-ку», дегандек бир оҳангда айтди.

Кирмасам ҳам бўларкан, пушаймон бўлдим. Назоратга олармиш, айтган гапини қаранг. Менга назоратнинг нима кераги бор! Жавобгарликка тортилсин, ўн бир йилданга кетишсин, «Волга»-ю тақинчоқларимизни қайтариб беришсин! Йўқ, мен қабристонда бекорга қасам ичмадим. Охиригача олиб бораман. Ҳа-ҳа, мен ҳам қайсарлар авлодидан бўламан. Нега акам ёганига ишонишиб, дадажоним билан ойижонимнинг устидан жиноий иш кўзгашади-ю, менинг қасам ичиб айтган гапларимга ишонишмайди. Демак, прокурор ҳам улардан қўрқар экан. Аслида бу шаҳарда улардан қўрқмайдиган одамнинг ўзи йўқ.

Мен қўрқмайман, қамашса қайтага яна яхши. Дадам билан бирга бўламан.

Бир ой давомида бошқа иш қилмадим. Область милициясига, республика ички ишлар министрлигига, Тошкентда чиқадиغان тўрт варақлик катта газетига, Москвага, «инсон ва қонун» телекўрсатувиغا шикоятлар ёздим. Ҳеч нарсани яширмадим. Оиламиз вайрон бўлиб кетганини айтдим, гапим ёлгон бўлса, майли, менинг ўзимни ҳам суд қилиб энг олий жазо беринглар, майли, отинглар, уч қабр ёнига тўртинчи қилиб менинг ҳам қабримни тикланглар, дедим. Январ ойида, чиллаи зимистонда Барно холамининг уйига қамалиб ўтириб мана шуларни ёзавердим. «Инсон ва қонун» кўрсатувида учта қабрининг суратини олдириб жўнатгандим. Телевизорда кўрсатишса одамларда шафқат уйғонармикан деб ўйлагандим. Қизиқ, хатни мен ўзбекчалаб ёздим, у ёқдан бўлса менга қисқагина русча жавоб келди. Демак, ўша ёқларда ҳам ўзбекчани биладиганлар бор экан-да, деб ўйладим.

Уч кун олдин мени шаҳар милициясига чақирди. Тўғриси, милиционер келиб ўзи олиб кетди. Бошқа вақтда бўлганда қўриб кетган бўлармидим, лекин юқорига ёзган шикоятларим эсимга тушиб ўшалар муносабати билан чақириваётганлар деб ўйладим, ўзимни босдим. Бошлиқнинг хонасида мени ёшгина, худди қиз болага ўхшаб қош-кўзи қоқ-қора, киприклари узун, овози ҳам майингина, сергўшт лабларида табассум ўйнаб турган лейтенант кутиб олиб юқори идорадан ме-

нинг шикоятим бўйича келганлигини айтди. Хайрият, биз ҳам одам қаторига қўшилиб қолибмиз, дея севиниб кетдим.

— «Инсон ва қонун» кўрсатувиданмисиз? — деб сўрадим, негадир бошқа сўз эсимга келмай.

— Область милициясиданман, — деб лейтенант юмшоққина жилмайиб қўйди. Жилмайганда яна ҳам ёқимли бўлиб кўринаркан.

— Муҳамедов билан гаплашдингизми? — деб сўрадим.

— Гаплашяпмиз.

— Бадалов билан-чи?

— У билан ҳам... давом этяпти... Неча ёшдасиз?

— Ўн олтига кириб ўн еттига кетаяпман.

— Уқишни нега тўхтатиб қўйдингиз?

— Узлари «отсрокча» беришди.

— Нега «отсрокча» беришади?

— Кўп касал бўлдим-да.

— Албатта, шунча гаму ташвишлардан кейин касал бўлмасдан ҳам иложингиз йўқ-да, — лейтенант менга жуда ачиниб, қоқ-қора кўзлари тўла шафқат билан боққандек бўлди. — Тошкентда қайси психатрияда ётувдингиз?

— Психатрия эмас, неврология санаториясида даволандим. Соғайиб кетганлигим ҳақида справка ҳам беришган. Уйда, олиб келайми?

— Ҳожати йўқ. Ҳозир қалай, ҳалиги... ўзингизни қандай сезяпсиз?

— Яхшиман.

— Ердам керак бўлса, тортинманг. Келганингиз учун раҳмат. Зарур бўлса яна чақиртирамиз. Ўзингиз кета оласизми. Яхшиси, сержант кузатиб қўяди сизни.

— Мени жиноятчилар билан қачон юзлаштирасиз? — деб сўрадим ўрнимдан тураётиб.

— Қайси жиноятчилар билан? — лейтенантнинг чиройли қошлари галати чимирилди.

— Бадалов, Муҳамедов...

— Ҳа, улар биланми... Юзлаштирамиз, албатта юзлаштирамиз. Хўп, хайр.

Икки кунгача юзлаштиришларини кутиб, керак бўлиб қолсам ахтариб юришмасин дея уйга қамалиб ўтирдим. Учунчи кун эрталаб жилмайишиб, хиёл тортинишиб эркак докторлар кириб келишди, юмшоқ-юмшоқ гапиритиб елкаларимни силлашиб, мана, кўриб турганингиздек жиннихонага ташлаб кетишди.

Тавба, нега бундай қилишдан экан, нега?

Ҳали айтганимдек хона уч кишилик. Икки крават бўш, уёқ-буёқни тимискилаб кўра бошладим. Тумбочкалардан бирида уч-тўрт дона қуртлаган попукли қант, қуриб тараша бўлиб кетган икки дона қурт, бошқасида кирланиб, титилиб кетган қартаю, жилди йўқ китоб: кимлар ётган экан бу ерда, нахотки жинилар ётган бўлса? Унда қарта билан китобнинг нима кераги бор эди уларга? Ахир жинилар китоб ҳам ўқимади, қарта ҳам ўйнашмайдику?

Хонам иккинчи қаватда. Яккаю ёлғиз деразаси бор. Ортидан темир панжара қадаб қўйишибди. Қочиб кетмасин дейишгандирда. Деразани ланг очиб юбордим. Муздек намхуш ҳаво ёпирилиб кирди. Йўқ, ҳаво эмас, туман бу. Таним яйраб кетгандек бўлди. Тугмани ечиб кўкрагимни кенг очдим — қандай яхшия!

Хона эшиги очилиб икки киши баробарига, худди орқаларидан биров зарб билан итаргандек ўқдек отилиб кирди. Норғул, барваста эркаклар. Агар эғнида оқ халати бўлмаса цирк паҳлавонларими деб ўйласа ҳам бўлади. Икковининг ҳам дўрдоқ лабида совуқ, заҳарли табассум бор.

— Деразани ёп, шамоллаб қоласан, — деди бири.

— Қани юр, душга тушасан, — деди бошқаси.

Касалхоналарда ўзи тартиб шундай. Янги мехмон, албатта, ювиниб олиши керак. Буни ўзим яхши биламан, бошимдан ўтган. Жимгина эргашдим. Кирсовун билан ювиндим. Касалхонанинг хлорнинг ҳиди анқиб турган кийимларини ҳам

кийиб олдим. Қайтиб чиқишим билан хонамнинг устидан яна кулфлаб қўйишди.

Нега бундай қилишди-а, нега?

Ким ташкил қилди буни, «мехрибоним» ким бўлди экан?

Деразани яна очиб юбордим. Шамолласам, майли, шамоллаб ўла қолай, дедим. Шундоққина деразанинг уёғи ростмана жиннихонага ўхшайди. Катақдек-катақдек ҳовличалар. Бир ҳовличада тўрт-беш аёл кўринаяпти... Алвастиникидек тўзгилган, биттаси ичкўйлақда, маммалари осилиб турибди. Қарсақ чалишяпти, сакраб-сакраб ўйинга ҳам тушишяпти. Цемент зах, билч-билч лой, оёқлари совуқ қотмаяпмикан? Нариги ҳовличада, қоқ ўртасида оёғи остига тикилганча бир одам симиғочдек қотиб турибди. Қизиқ, қачондан бундан турибди экан? Ҳали биринчи бор дераза очганимда ҳам кўзим тушувди. Ушанда уни ёғоч қоқиб устига қалат ёпиб қўйишган бўлса керак, деб ўйловдим. Энди, туман тарқалгач, у кўзга росмана ташланиб турибди — ўрта ёшли бир киши. Соқоқоли ўсиб кетган. Нега бундай турибди экан? Вечоранинг оёқлари ҳам толиб кетгандир?

Деразам остидан ўзим тенги, нозик-нихол, калласи катта, бўйни ингичка бир йигитча ўта бошлади. Икки пой қўнжли ботинкага ип бойлаб олиб:

— Биби-биби, — дея боряпти. Вечора, ботинкаларни машина деб ўйлаётган бўлса керак.

— Оғайни, машинанг зўрку, — деб қичқирдим беихтиёр.

Йигитча тўхтади. Оғзининг таноби қочиб илжайди:

— Жиннимисан, бу ботинка-ку! — деди-да яна бибилаб йўлга тушди. Ҳовлининг ичкарига ўтиб кетгунча орқасидан тикилиб қолдим. Энди деразам остидаги бошқа бир манзара эътиборимни торта бошлади. Кап-катта, дадам тенги, боши кал бир одам ўзи тенги бошқа бир кишини елкасига миндириб, икки оёғи остидан қўлларини ўтказиб, оёғларини саланглатиб чоптириб юрибди.

— Энди мен сени минаман, — деди калбош елкасидагини тушириб. Шериги бош чайқади:

— Йўқ.

— Сен мени миндингку?

— Миндим.

— Энди менинг галим.

— Йўқ.

— Нега йўқ дейсан, жинни?

— Орқамда қитгим бор.

— Барибир минаман.

— Минмайсан.

Ҳовлида, ҳали мени душхонага кузатиб борган икки барваста кўринди. Қўллари орқада, битта-битта босиб, жилмайишиб келишяпти. Жанжаллашаётган жим бўлиб, аввалига худди фавқулодда қизиқ, ғаройиб бир нарсани тўсатдан кўриб қолгандек анграйиб туришди. Кейин кўриб турганлари ғаройиб эмас, даҳшатдан иборат эканлигини яна, тўсатдан, пайқаб қолгандек жон-жаҳдлари билан шаталоқ отиб қоча бошладилар. Беихтиёр кулиб юбордим. Тўйиб-тўйиб кулдим.

Барваста кишилар, қўллари ҳамон орқада, қаттиқ боссақ ер қийналади дейишгандек, оҳиста-оҳиста қадам ташлаб гоҳ ўннга, гоҳ чапга бурилиб табассум қилишиб, ҳовлининг нариги томонига ўтиб боришаркан, катакчалардаги беморлар худди қийғирга дуч келган чумчуқлардек ўзларини очик эшикларга ура бошлашди. Ҳовли сув қўйгандек жим-жит бўлиб қолди. Юрагимни ваҳима босди. Мени ҳам бугунми, эртани ўшаларнинг қаторига киритиб қўйишса, битта-яримтаси елкамга миниб олиб чоптирасан деб туриб олса!

Йўқ, мени нега олиб келишди бу ерга?

Ким ташкил этди экан?

Кўзимни узмай кузатиб турганим ҳовлининг ўртаридаги уйчанинг очик деразасидан гуриллаб ашула эшитила бошлади. Кучли, ширали овоз билан қуйлаяпти. Ким бўлди экан? Хасталардан биридир-да. Хиёл ўтмай эшик очилиб ёқавайрон бир йигит отилиб чиқди. Қўллари худди дутор

(Давоми келгуси сонда)

ушлаб тургандек бир ҳолатда. Ер тепиниб, йўқ дуторни чертиб ашулани ўша айтаётган экан.

— *Меҳрибонинг ким десанг,  
Жонажоним онам дерман,  
Ғамузоринг ким десанг,  
Жонажоним онам дерман.*

Епирай, овоз ҳам шундай сеҳрли бўладими, фи-  
рон ҳам шунақа дардли, аламли бўладими! Юрак-  
ларим зирқираб кетди. Онам деярли у, онажоним  
деб фарёд чекапти. Ойижоним... мен ҳам ундан  
аллақачон жудо бўлганман. Тирик бўлганда мен  
бу кўйларга тушмасдим. Алдаб-сулдаб олиб кел-  
ганларни ойижоним сочларини юлиб оларди,  
гўшtlарини тишлаб-тишлаб узиб оларди.

Ойижоним!  
Ийглаб юбордим.

## IV боб

— Вой, деразангизни ёпинг, шамоллаб қоласиз-  
а, — деди кимдир. Орқамга ўтирилдим. Хонага  
доктор опа кирганини пайқамай қолибман. Ёним-  
дан тезгина ўтиб дераза қанотларини ўзи ёпди.  
Шоша-пиша кўз ёшларини артдим. Уят-да шу  
аҳволда кўриниш.

— Ташқари жуда совуқ-а, — деди яна доктор  
опа, — қани, каравотингизга ўтиринг-чи. Ёшсиз-  
лар-да, анча-мунча совуқни парво қилмайсиз-  
лар. Виз бўлсак дарров шамоллаб қоламиз. Ўхў-  
ўху йўталу, бурундан тарновдан оққандай сув  
келгани-келган. Мени кутиб қолмадингизми? Вой,  
бугун бирам бемор кўп эдики, ҳаммасини кутиб  
олгунча кунни ярим қилдим-а. Ўтиринг, мана  
мен ҳам ўтирдим.

Ўтираётганимизда бир-биримизга зимдан назар  
ташлаб олдик. У кулимсираб-у, мен қовоғимни  
уйиб қарадим. Лутфи холамга ўхшайди, тўладан  
келган, кўкраги баланд, юзи лўппигина. Яна қа-  
радим, қошлари ингичка терилган, пешонаси  
кенг, силлиқ, кўзлари шахло, бурни пучуққина...  
Йўқ, Лутфи холамга ўхшамас экан.

— Отингиз Зафаржонмиди?  
— Ҳа.  
— Фамилиянгиз Каримов.  
— Ҳа.

— Мени Мастура Ҳайриевна деб чақиришади.  
Ана, танишиб ҳам олдик. Хоҳласангиз ёнбошлаб  
олишингиз мумкин. Узоқ гаплашамиз. Тортин-  
манг, менинг ҳам сизга ўхшаган ўғилларим бор.  
Ёшингиз ўн еттидами?

— Йўқ, ўн олти-ю, уч ойлик бўлдим.  
— Қаранг, менинг ўғлим билан тенг экансиз.  
Ўқишлар қалай?  
— Бир йилга «отсрочка» беришди.  
— Ҳозир бекорчиман денг?  
— Жуда бекорчи ҳам эмасман, кўпроқ китоб  
ўқияпман.

— Китоб ўқиганингиз яхши. Менинг ўғлим ҳам  
шунақа — қўлидан китоб тушмайди. Қанақа ки-  
тобларни ўқиясиз?  
— Кўпроқ қонуношуносликка оид.  
— Кутубхоналаринг шунақа бойми?  
— Бу китобларни менга Атоулло Исаевич топиб  
беряпти. Ўзимизикини, акам, эшитгандирсиз,  
мактабга топшириб юборган. Шунинг учун ўша-  
нақа китобларни ўқияпман.

— Ниятингиз яхши экан, Зафаржон. Бошингиз-  
га кўп ташвишлар тушган, бунинг бутун шаҳар  
билади. Нақ тўрт ойча миш-миш бўлиб турди-  
ларинг-а. Бир врач сифатида шуни биламанки, сизга  
осон бўлмаган. Ушандаги кечинмаларингизни,  
албатта, эсда қолганларини, масалан, бошингиз  
айланганини, ўзингиздан кетиб қолганингизни,  
кейин шу кунларда сизни нималар беэовта қи-  
лаётганини, нимадан кўпроқ кўрқаётганингиз-  
ни, шунчаки она-боладек гаплашиб ўтирибмизку,  
тортинмай айтиб берсангиз. Тартибли айтаман деб  
қийналиб ўтирманг, эсингизга келганини гапи-  
раверинг.

Гапнинг оқоваси қаёққа кетаётганини шу за-  
хотийёқ пайқаб қолдим. Мен жинними, жинни  
эмасми, жинни бўлсам жиниликнинг қайси тури-  
га кираман, суҳбат давомида шуни билиб олмоқ-  
чи. — Нияти бошқа экану нуқул ўғлим-ўғлим,  
дейди-я! Жавоб бермайман, деб туриб олишим  
ҳам мумкин эди. Унда мени паққос жиннига чи-  
қариб қўйишади. Ахир жиниликнинг бир белги-  
си қайсарлик-ку, фикри ва ниятларини бировлар-  
дан беркитишга интилиш-ку!

Шошмасдан, ҳаммасини жой-жойига қўйиб,  
у ёқ-бу ёққа ўтлаб кетмасдан айтаман, шундай  
қилдим ҳам.

— Демак, биринчи марта онангизнинг вафо-  
тини эшитганда ўзингиздан кетгансиз? — сўради  
доктор опа ҳикоям сўнггида.

— Ҳа, ўшанда ўзимдан кетганман.  
— Кейин, яна такрорландими?  
— Акам уйда куяётганда яна ўзимдан кетдим.  
— Аввалари ҳам шунақа бўлармиди?  
— Ҳеч қачон бўлган эмас.

— Болалингизда, қанақа юкумли касал билан  
огригансиз?

— Бир марта жағ тишим огриган холос.  
— Олдирганмисиз?  
— Йўқ, даволатганман.  
— Дадангиз ичармиди?  
— Онда-сонда.  
— Онангиз-чи?  
— Уям.  
— Чекишармиди?  
— Йўқ.

— Қариндошларинг орасида довдираш, ваҳи-  
мага берилиш сингари касалга чалинганлигини  
эслай олмайсизми?

— Унақалар йўқ эди шекилли, эшитмаганман.  
— Шу кунларда сизни кўпроқ қандай ваҳима  
қийнаяпти?  
— Ваҳима-ми, ташвишми?  
— Фарқи бор деб ўйлайсизми?  
— Бўлмаса-чи.  
— Олдин, бўлмаса ваҳимангизни айтинг.  
— Қалбимда зигирча ҳам ваҳима йўқ.  
— Ташвишингиз-чи?  
— Тўлиб ётибди.  
— Уйқунгиз қалай?  
— Яхши ухлайман.  
— Иштаҳангиз?  
— Ҳамиша карнай.  
— Зафаржон, айтинг-чи, биринчи бир ўзингиз-  
дан кетганингиздан кейин хотирангиз қалай бўл-  
ган?

— Ҳушимга келишим билан зарур нарсаларни  
дарҳол эсладим.

— Тошкентда, неврология санаториясида ётга-  
нингизда кўп китоблар ўқидим, дедингиз. Номла-  
ри эсингизда йўқми?

— Нега бўлмасин, бор. Масалан, биттаси «Шок,  
психоневроз, шизофрения ҳолатлари» деб ата-  
ларди.

— Катта китобмиди?  
— Йўқ. Ўн олти варақ эди, холос.  
— Бу китобчани сизга докторлар беришдими?  
— Ваннахонанинг олдидаги столга, навбатда  
турганлар зерикмасин деб бўлса керак, шунақа  
юпқа-юпқа китоблардан анчагинасини ёйиб қў-  
йишган экан. Ўшалар ичидан танлаб олдим.  
— Нега энди, албатта шу китобни танладин-  
гиз?

— Ўзим шок бўлганман-да.  
— Ўқиганларингиздан эсингизда бирон нарса  
қолдими?

— Хотирамни текшириб кўрмоқчимисиз?  
— Текширсам бунинг нимаси ёмон, Зафаржон?  
Ахир она-боладек иноққина гаплашиб ўтириб-  
мизку, ҳали кўп гаплашамиз... Фақат сиздан эмас,  
ўғлимдан ҳам ўқиган китобларини сўрайман,  
қайта-қайта сўрайман. Такрорласа хотирада яхши  
қолади.

— Мен у китобчани деярли ёдлаб юборганман.  
— Қайта-қайта ўқидингизми?  
— Уни ўзим билан олиб келганман. Холамни-  
кида турибди. Хўп десангиз, келтириб беришим  
мумкин.

— Йўқ, эсингизда қолганини айта қолинг.  
— Қани, айтинг-чи.  
— Ўзи лотинча сўз эканда, онг, фикр, ақл де-  
гани экан. Вос-вос, галлюцинация, қўзғолувчан-  
лик, ҳаракатсизлик ҳолатларида намоён бўлар  
экан. У ёғиниям айтаверайми?  
— Вой, айтаверинг. Бирам яхши ҳикоя қил-  
ясизки.

— Ўша касалга учраган одам камгап, одамови,  
ўзи билан ўзи гаплашадиган бўлиб қоларкан.  
Ўқишга, яқин одамларига ётиборсиз бўлиб қо-  
ларкан. Ваъзан қизиқувчанлиги ҳаддан ташқари  
кучли бўларкан. Биттаси шунақа касалга учраб,  
буюк математик бўлиб кетган экан. Вир хиллари  
кўрқок, ваҳимачи бўлиб қоларкан. Ниманидир  
ахтараркан, ахтараётганини ҳеч кимга айтмас  
экан.

— Шуларнинг ҳаммасини ўша китобчадан ўқи-  
дингизми?

— Ҳа.  
— Китобни ким ёзган экан?  
— Э. Муталов, Г. Тарасова.  
— Зафаржон, хотирангиз яхши экан, баракалла  
ўғлим! Юрагингизни эшитиб кўрсам майлими?  
Қани қўйлақни кўтаринг-чи, бўлар. Ў, жуда зўр-  
ку. Жисмоний иш билан шугулланасизми дейман,  
темирчининг босқонидек гурсиллаб уряпти?

— Бада тарбия қиламан.  
— Анчадан буёнми?  
— Санаториядан қайтгандан бери.  
— Ҳар куними?  
— Ҳар кун.  
— Яхши қиласиз, бунинг асло қанда қилманг.  
Мен ўғлимга ҳеч ўргатолмадим-да. Кеч туради.  
кун бўйи ланж бўлиб юради.

— Ўғлингизда шизофрения касалининг алома-  
ти бор экан-да.  
— Вой, нега ундай дейсиз?  
— Китобчада шундай деб ёзилган... ўғлингиз

кўпинча жаҳлдор ҳам бўп қоладими? Шизофре-  
ниянинг яна бир кўриниши жаҳлдорлик экан.

— Йўғ-э!  
— Мабодо ўғлингиз аразчи эмасми?  
Доктор опа шарақлаб кулиб юборди. Шундай  
қаттиқ кулдими, икковимиз ўтирган қаравот қи-  
мирлаб кетди. Ҳайрон бўп қолдим куладиган  
қанақа гап айтдим экан?

— Об-бо, сиз-эй, — кулгиси аста-секин пасайиб  
кела бошлади доктор опанинг, — мен сизни тек-  
ширгани чиқсам, сиз менинг ўғлимни текшира  
бошладингиз-а. Бало экансиз-ку! Қани, энди би-  
лакни яланғочланг. Қон босимини ҳам бир кўра-  
миз-да. У-ў, мушакларингиз ҳам жуда қаттиқ,  
қадоқ тошдек ўйнаб турибди. Бада тарбия яхши-  
да... Ҳозир, ҳозир, зўр, жуда зўр! Гагарин осмонга  
учаётганда унинг ҳам қон босими саксону бир юз  
йигирма эди, зўр!

Мастура Ҳайриевна менга тикилиб қолди. Худди  
энди қалбимда нима борлигини ҳам билиб олмоқ-  
чидек узоқ тикилди. Кўзларини хиёл қисиб ҳам  
турибди.

— Емон тушлар кўрмайсизми? — деди ниҳоят  
паст овоз билан.

— Онда-сонда кўриб тураман.  
— Нималарни кўрасиз?  
— Ойижонимни тобутда олиб чиқиб кетаётган-  
ларини...

— Яна?  
— Акамнинг ёнаётганини.  
— Яна?  
— Укамнинг аварияга учраганини.

— Майли, бас қилақолинг... Бунақа тушлар  
огир албатта. Одам қийналади. Менга қаранг, За-  
фаржон. Сиз шу кунларда кимларни қаттиқ ёмон  
кўрасиз?

— Муҳамедов билан хотини Қози холани.  
— Судья Муҳамедовними?  
— Ҳа.  
— Яна.

— Горторгниг бошлиғи Садир Бадаловични.  
— Унияма хотинини ёмон кўрасизми?

— Ҳаммаси бир гўр улар.  
— Нега энди, фақат шуларни ёмон кўрасиз?  
— Бизнинг оиламизни шулар вайрон қилди-  
да. Ота-онамни жиноятга етаклашмаганда биз ҳам  
бошқаларга ўхшаб яшаётган бўлардик. Балли-  
балли, раҳмат-раҳмат, биз бор эканмиз сизларга  
ҳеч ким тегмайди, дейишиб, охири вайрон қи-  
лишди.

— Майли, қизишманг. Суҳбатимизни тўхтата  
қолайлик. Ҳозирча шуям етар. Ҳали кўп гапла-  
шамиз. Анализга қон олишдими?

— Йўқ.  
— Балғам-чи?  
— Сиздан бошқа ҳеч ким киргани йўқ бу ерга.  
— Айтаман. Киришади энди. Сиздан жуда кўр-  
қиб кетишибди-да, ваҳима қилиб юборишган экан.  
Сизда мен ҳеч қандай касаллик аломатини сез-  
мадим.

— Унда кетсам майлими?  
— Қаёққа?  
— Уйимизга-да.

— Йўқ, Зафаржон, сабр қиласиз. Бу ерга келиш  
ҳам, кетиш ҳам беморнинг ихтиёрида бўлмайди.  
Ўзлари олиб келиб, ўзлари обориб қўйишади. Вир-  
икки кун кутишингизга тўғри келар. Айтиб  
қўяман, энди эшигингизнинг устидан кулфлаш-  
майди. Хоҳласангиз коридорга чиқишингиз мум-  
кин. Ҳовлига чиққингиз келса... кузатиб чиқиша-  
ди. Лекин мана бу деразадан нариги ҳовлига кў-  
пам қарайверманг. Улар бутунлай бошқа одамлар.  
Эшик ёнига борганда Мастура Ҳайриевна тўх-  
таб ғалати бир жилмайди-да:

— Чиндан ҳам ўғлимга ўхшаркансиз, — деб  
қўйди, — қошу кўзингиз, чимирилиб туришингиз.  
Ҳа, айтгандек, сўраш эсимдан чиқибди. Мабодо  
наша-паша чекмайсизми?

— Чекмайман, — дедим.  
— Дадангиз-чи?  
— Уни, — кулиб юбордим, — қамоқдан қайт-  
гандан кейин дадамнинг ўзидан сўрасиз.

Коридорга чиқдим, торгина, қоронғу, энергияни  
тежаш учун бўлса керак чироқларини ўчириб  
қўйишибди. Стенд устида биттагина чироқ совуқ  
урган помидордек гезариб турибди, холос. Стенд  
катта, жуда катта, илғор врачлар, врачларнинг  
суратлари, докторлар қасами, деворий газета ҳам  
бор. Газета ёзда чиқарилган бўлса керак, ҳаммаё-  
ғига пашша ўтириб кетибди. Одеядан кўпол ти-  
килган халатларга ўралган қовоғи солиқ, ўйчан  
беморлар... бир хиллари шундоққина эшик ёнида  
кир, шалоқ стулларда ўтиришибди, бошқалари  
худди бедана овида юргандек оҳиста-оҳиста қадам  
босиб у ёқ-бу ёққа ўтиб туришибди...

Йўқ, мени нега олиб келишди бу ерга?  
Қон, балғам тошширдим. Хонамга овқат олиб  
кириб беришди. Ҳалиги табассумидан чаккиллаб  
заҳар томиб турган барваста кишилар олиб кирди.

Кулимсираб туришибди-ю, назаримда шу кул-  
гиси билан ўлдириб ҳам қўйишадиганга ўхшайди.  
Кўзлари тўла даҳшат, юзларида шафқатсизлик



ўрмалаб юргандек... Эшикни яна устидан қулфлаб қўйишди.

Эшик шарақлаб очилиб кетди.

Мастура Ҳайриевна, Барно холам, Атоулло муаллимлар кириб кела бошлашди.

— Мана, ўғилларингни қоғозга ўралган қантдек эҳтиётлаб ўтирибмиз, — деди доктор опа, — бехуда шовқин соляписиз, кап-катта одам, уят-э!

Мастура Ҳайриевна чиқиб кетди. Бир дақиқагина, ҳа, ҳа, бир дақиқагина бир-биримизга қарашиб турдик, кейин холамнинг бағрига отилиб, кўксига бошимни қўйиб йиғлаб юбордим. Хола-жоним елкамдан, бошларимдан юмшоқ-юмшоқ силаяпти. Атоулло муаллим негадир бағрида мени узоқ ушлаб турди, елкамга уриб-уриб қўйди.

— Нега бундай қилдинг, эси йўқ, — деб уришган бўлди кейин, — бу ёққа келар экансан, биз билан бир оғиз маслаҳатлашсанг бўларди-ку, бегона эмасмиз-ку! Пешиндан буён ахтарамиз.

— Ҳозир келганим йўқ, — дедим хўрлигим келиб.

— Ким олиб келади бўлмаса? Барно билмаса, Лутфи билмаса, мен билмасам, Э, ўша сени. Бу ерда бир марта ётиб чиққан одамнинг номи бир умрга ёмон отликқа чиқади-я, эсингни еб қўйибсан.

— Ўзлари олиб келишди, — дея тушинтира бошладим, — чой ичиб ўтирган эдим, иккита доктор кирди-ю, касалхонага бориб яна текширувдан ўтасиз, дейишди, жуда яхши гапиришди...

Атоулло Исаевич холам билан маънодор кўз уриштириб олди.

— Тавба, — деб қўйди холам.

— Саид Каримовлар хонадонидан ўчини оломай қолган яна ким бор экан? — дея холамга мурожаат қилди Атоулло муаллим, — хонадон бутунлай вайрон бўлди-ку! Нахотки кўнгиллари жойига тушмаган бўлса? Энди якка-ю ёлғиз ўғилларини жиннихонага тиқишлари қопти-да. Зафар, болагинам, ўйлаб кўр, сўнгги кунларда кимни урувдинг? Кимни хафа қилгансан? Кимнинг орқасидан қучиб бўйнидан тишлагансан?

Юрагим шув ётиб кетди. Демак, тушунарли. Ҳаммасининг сабабчиси ўзимман. Бадалов ҳам, Муҳамедов ҳам, жинни бўп қопсан, дейишаётган эди. Ушалар ташкил қилган бу ишни, ўшалар!

Айтдим. Бадалов билан Муҳамедовнинг уйига борганим, калтак еганим: жинни деб ҳақорат эшитганим, ёзганларим, қиз боладек чиройликки-на лейтенант билан учрашганим — ҳеч бири қолмади.

Икковлари ҳам қошларини чимиришиб, нафас олмай жим туришарди.

— Қахрамонлик кўрсатгилари кеп қопти-да? — деди Атоулло Исаевич. Энди унинг қуюқ қошлари паст-баланд бўлиб турарди.

— Мен «Волга» мизини қайтариб олмоқчи эдим, — дедим ўзимни оқламоқчи бўлиб.

— Ном чиқаргилари кеп қопти-да?

— Ойижонимнинг тақинчоқлари... Ахир у йиғирма минг сўмлик эди. Хола, сиз айтинг.

Холам сеҳрлангандек қараётган бир аҳволда ўтирарди. Тарафимни оладиган бирон сўз айтмади. Муаллим секин ўрнидан туриб яқинимга келди-да, кулогимдан чўзиб бўйи баробар кўтара бошлади. Юзим юзига тўғри келгач:

— Аҳмоқ! — деди.

Индамадим.

— Жинни!

Яна индамадим.

— Бор, — деди кўкрагимдан итариб, — каравотингни ғижирлатиб ётавер энди. Барно пошшо, туриг кетдик, жиянингиз чинакам жинни бўп қолган экан.

Барно холам ҳамон миқ этмай ўтирарди. Атоулло муаллим эшик олдидан яна қайтди.

— Ҳай, болам, нима қилиб қўйдинг, — деди узун қўлини шоп қилиб, — ҳеч жаҳонда сичқон арслонни енгганми? Атригул навдаси билан уриб катта чинорни кулатиб бўладими? Атоулло Исаевичдек одам бас келолмади буларга-ю, сенга йўл бўлсин! Сен шикоят йўллаган идораларга шикоятчининг ўзи вос-вос эди, жиннихонада ётибди деб справка жўнатган бўлишлари ҳам мумкин. Ҳа, аллақачон жўнатишган. Тамом, ётаверасан энди осмонга қараб... Барнопошшо, туриг, ҳалиям кеч эмас, болани қутқариш керак. Бош врачни топайлик...

## V боб

Йиғлаворай-йиғлаворай деб турган холам билан қутурган арслондек ҳайқариб бетоқат бўлиб қолган Атоулло муаллим чиқиб кетишлари билан эшикни яна устидан қулфлаб қўйишди. Эштибор бермаган эканман, эшикнинг ўртароғида, дўппидеккина тешикча бўлиб, сим тўр тутиб қўйишган экан. Беморнинг ҳолатини ташқаридан кузатиб туриш учун шундай қилишган бўлишса керак. Ким билади дейсиз, бу ерда ётганлар, ахтимолки, сакраб-сакраб ўйинга тушгандир, ўтириб олиб йиғлагандир, балиқ ушлагандир, овчи бўлиб қуш от-

гандир, тойчоқ бўлиб кишнагандир, ана шуларни ахтимолки, тешикча орқали суръатга ҳам олишгандир.

Коридордан Атоулло муаллимнинг қаттиқ-қаттиқ гапираётгани эшитилиб қолди. Тешикчадан мўраладим. Холам ҳам кетмабди ҳали. Атоулло муаллим стенд ёнида Манзура Ҳайриевна билан тиккама-тикка бўлиб бир-бирига хезланиб туришибди.

— Ҳозирок йигитчани кийимларини олиб чиқинг, — деяпти Атоулло Исаевич.

— Вой товба-ей, гапга тушунсангиз-чи, — деяпти Манзура Ҳайриевна.

— Болани олиб кетамиз, тамом.

— Юз марта айтим-ку, бош врач ҳал қилади деб.

— Чақиринг ўша бош врачингизни.

— Вой, бунча бетоқатсиз, одам юбордим деяман. Аслида айб менинг ўзимда. Сизларни бу ёққа киритмаслигим керак эди. Ҳали кўрасиз, роса гап ҳам эшитаман. Ана, ўзлариям кеп қолдилар. Ашур Қодирович, буларнинг сизда гапи бор экан.

Ашур Қодирович оёғи калта, бели узун, боши думалоқ бир киши экан. Катта кўзойнак тақиб олганидан юзида бурнидан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Муаллим билан қўл бериб илиққина сўрашиб, холамга бошини силкитиб қўйди-да:

— Нима гап, нимани талашяписизлар? — деб сўради.

Муаллим ўзини тантиб мени, яъни Зафар Каримовни бу ерга нотўғри келтирилганлиги, менда,



Х. СОДИҚОВ расми



# ЭҲ, КИЗЛАР, КИЗЛАР...

— Балки шу мудҳиш воқеа содир бўлишини билганида онам мени отам билан ёлғиз қолдириб кетмаган бўлармиди? — деди тошкентлик Шаҳноза ўйчан кўзларини ерга қадаб. — Мана, вақт ўтгани сайин бошимдан кечган ҳодисаларга чуқроқ назар ташлаб ҳаётимга ачиниб кетяпман.

— Кечирасан, Шаҳноза гапингни бўлдим. Ўз отангмиди у?

— Ҳа, ўз отам. Биласизми, ҳозир «ўз отам» дегани тилим бормади... Онам ҳар куни укаларимни менга топшириб ишга кетарди. Мен мактабдан келиб, уй ишларини бажарар, укаларимдан хабардор бўлиб туриб, овқат пиширар ва дарс тайёрлар эдим. Бир куни одатдагидай онам ишга кетди. Укаларим кўчага ўйнаб чиқиб кетишди. Мен ўз хонамда дарс тайёрлаб ўтирар эдим. Шу пайт хона эшиги очилиб, рангли оқарган, кўзлари алланечук қизарган дадам кўринди. Хонага тезлик билан кирдилар-да, уни ичидан маҳкам беркитдилар. Мен нималар юз бераётганига тушунолмадим... 8-синфда ўқийдиган қизалоқ эдим... Ишдан қайтган онамнинг жавраб-жавраб койишлари ҳам, менинг тинимсиз йиғлашларим ҳам зое кетди. Шундан сўнг менинг ҳаётимда катта ўзгаришлар бўлди. Ўртоқларимнинг юзларига қарай олмай қолдим... Менинг сиримни ҳамма билиб, масҳара ва таъна қилаётгандай мактабдан бутунлай кўнглим совиди. Уйга қадам босгим келмади. Аста-секин дайдилик одатини чиқардим. Ўзим каби мактабга бормайдиган ўртоқларни топиб олдим. Онамнинг сўзларига қулоқ солмайдиган бўлдим. Доимо кинода ўртоқларимникида, квартираларда ўтириб, ичадиган, чекадиган бўлдим...

Обрў-этиборли бир оиланинг келини бўлса арзийдиган, ўз ҳусни-жамоли билан ҳар қандай йигитни лол қолдирадиган бу қиз Қўқон шаҳридаги 48-маҳсус билим юртининг тарбияланувчиси.

Шаҳнозанинг мурғак қалбида, эндигина ҳаёт нима эканлигини тушуниб, мамнуният ва нафосат билан боқаётган кўзларига катта умид, ширин орзу, нур бор эди. Улар ҳайвоний ҳирс, шахвоний нафс қурбони бўлдилар!..

Вояга етмаган ёшлар билан шуғулланадиган участка инспектори рўйхатига тушган Шаҳноза Қўқонга — 48-маҳсус билим юртига келтирилди.

Ҳа, бу ерда ҳозирги пайтда 150 дан ортиқ қиз тарбияланмоқда. Уларнинг қисмати ҳар хил. Бировининг отаси йўқ, бировининг — онаси, бировининг ота-онаси йўқ, бошқа бировлари ота-онасининг бола тарбиясига «қунти» йўқ. Бу ерда тарбияланаётган қизлар 14 ёшдан 18 ёшгача бўлиб, улар оғир тарбияли қизлар ҳисобланади. Мактабда таълим олишни истамаган, енгил ҳаёт кечиршига ўрганиб қолган, спиртли ичимликлар ичиш ҳамда чекишга берилиб кетган, гиёҳванд қизлар... Ота-оналари эса улар билан шуғулланишга фурсат топа олишмаган. Баъзилари эса фурсатни қўлдан бой бериб қўйиб, сўнг пушаймон еган. Баъзи ота-оналар ўз қизларининг тарбиясига қизикмаган. Энг ачинарлиси шундаки, айрим тубан ота-оналар ўз қўллари билан ўз жигарғўшаларини пулдор, виждонини ютган эркакларга сотмоқдалар. Ўз қизларини спиртли ичимлик ичишга мажбур қилган, гиёҳвандликка ундаганлар.

Билим юртининг тарбияланувчиси Лилиянинг сўзлари: «Ота-онам топган пулларини ичкиликка сарфлашарди. Уйимизда уй-рўзғор буюмлари, кийимимиз ночор эди, аммо доимо ичимлик сақланарди. Хона ичида ҳаммамиз — отам, онам, мен ва 9 ёшли укам ҳам баравар чекардик. Шунинг учун тишларим ҳам сарғайиб кетган. Ниҳоят, бизнинг турмушимиздан хабардор бўлиб юрган қўшниларимиз участка инспекторига ёзиб беришди. Отам ва онамни алкоголизмга қарши даволатишга олиб кетишди. Укамни интернатга, мени эса бу ерга юборишди. Мен бу ерда иккинчи йил бўляпман. Ақлим шу ерда кирди, десам янглишмайман. Ҳамма нарсага ота-онам айбдор. Агар улар ичкиликка берилмаганида, биз укам иккаламиз яхши тарбия топган бўлардик»...

Саодатнинг сўзлари: «Отам билан онам ажраб кетган. Биз онам иккаламиз онам билан қолганмиз. Отам турмушга қикди. Мен онам билан қолдим. Авваллари уйимизга келаётган ҳар хил

эркаклар, уларнинг совға-саломлари билан қизиқмасдим. Кейинчалик ўз онам мени бойиш манбага айлантирди»...

Сайёра Маҳмудова: «Мен Самарқандданман, онам ёшлигимда ўлиб кетган. Оиламиз ўзига яраша обрўли эди. Отам ҳар куни ишга кетарди. 13—14 ёшларимда «ўртоқларим» кўпайиб қолди. Ҳовлимиз холи. Ўртоқларим ҳам ўз «ўртоқлари» билан келишарди. Ичардик, ўйнардик. Шу куларнинг бирида бутунлай юзим шувит бўлиб қолди».

Мавжуда Шарипова: «Ота-онам ёшлигимда ўлиб, синглим иккаламиз амакимнинг қўлида қолдик. Амаким ота ўрнида оталик қилаётган инсон — охиригача яхшилик қилишни хоҳламади... Ҳаёт менга хунук ва мазмунсиз дарё бўлиб қолди»...

Ҳа, 150 дан ортиқ тарбияланувчида 150 дан ортиқ афсус ва ҳасрат. Ҳар йили билим юртидан юзга яқин қиз қайта тарбия қилинган ҳолда ҳаётларини қайтадан бошлаш учун уйларига ёки комсомол йўлланмаси билан ишчи кучи керак бўлган районларга юборилади. Улар ўрнига бошқалари келади.

Билим юртига кириб борар эканмиз, у ернинг нақадар саранжом-саришта эканлигини, озода ҳовлини, ҳаммаёқ дид билан безатилганлигининг гувоҳи бўласиз. Билим юртида ётоқхона, мактаб, ишлаб чиқариш хоналари, ошхона, кутубхона, кино ва кечалар ўтказиш учун катта клуб, ҳаммом, спорт зали, музей — ҳамма-ҳамма нарса мавжуд. Хоналар озода, машҳур педагогларнинг портретлари, чиройли гуллар, деразаларда ҳарир пардалар. Эшик-деразалар бир хил рангда бўялган. Пол ярақлайди. Оёқ остига поёндозлар тўшалган. Қизлар куннинг биринчи ярмигача кенг ва ёруғ синфларда ўқийдилар. Куннинг иккинчи ярмидан ишлаб чиқариш цехларида мастерлар ёрдамида тикувчилик касбини эгаллайдилар.

Кечқурунлари эса қизлар ўз тарбиячилари билан бўладилар. Бу ерда 10 га яқин тўғарақ ишлаб турибди. Тўқши, бичиш-тиқиш, гул солиш, макраме, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, волейбол, баскет-

Ҳурматли редакция!

Мен ўқувчилар бошланғич комсомол ташкилотининг секретариман. Лекин ўз вазифамни унча яхши билмайман. Шунинг учун мактаб комсомол ташкилотининг фаолиятига оид мақола эълон қилишингизни сўрайман. Негаки бундай мақолалар бизнинг комсомол ишларини қайта қуришимизда катта ёрдам берарди...

Андижон область,  
Пахтаобод районидаги  
12-ўрта мактаб  
ўқувчилари комсорги  
Бурҳон УСМОНОВ.

Бу воқеа худди шу кунларнинг бирида рўй берди. Аслида худди шундай ҳолини бир вақтнинг ўзида жуда кўп жойда кузатиш мумкин эди. Бундай воқеаларнинг содир бўлишига йиллар ўз таъсирини ўтказган. «Бизга нима», «бўлса-бўлар» тушунчалари «пишиқ», «мустақкам» заминга қурилган. Энди ундан воз кечиш қанчалик қийин бўляпти. Аянчлисиз, сизга ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз бу «оддий» воқеалар мактабларда рўй бермоқда. Майли, бундай фикрлардан тўғри хулоса чиқармоқ учун бир саволга жавобни аниқлаб олайлик. «Ўқувчилар комсомол ташкилоти қачон ва қай пайтда ёдга олинади?» Ва шу заҳотиёқ тилингизга иккинчи савол келганини пайқайсиз. «Лоқайд комсомоллар қандай «пайдо» бўлмоқда?»

Аслида-чи, улар пайдо бўладими? Улар қаердан «униб» чиқмоқда?

Эҳтимол, бу саволларга жавоб топиш баъзилар учун мушкулдир. Биз эса ўзимиз гувоҳ бўлган баъзи воқеалардан бу саволларга жавоб топгандай бўламиз. Аслида у саволларга бу воқеалар ҳам унчалик тўғри жавоб эмасдек туюлаверади. Нимага?

Аслида ҳалидан бери айтмоқчи бўлганимиз — бу воқеа яқин кунларнинг бирида Паст Дарғом районидаги 34-мактабда содир бўлди.

Шундай қилиб, унча «катта» бўлмаган БИРИНЧИ ВОҚЕА:

Ўқувчилар комсомол ташкилотининг секретари Зилола Абдурахмонова бир бетли докладни базур ўқирди. Юқори синф ўқувчисининг тутила-тутила ўқишининг ўзиниёқ кишига нохуш кайфият бахш этади. (Истасангиз-истамасангиз мактабларда ҳалиям саводи говлаган ўқувчиларни кўп учратасиз. Хатто юқори синф ўқувчилари орасида ҳам). Кейин билсак, Зило-

лага сал ноўринроқ баҳо берган эканмиз. Унинг «мушкул»ни осон қилиш ниятида мактаб илмий мудири Раббим Эгамбердиев ҳисобот-сўзлов докладыни Зилолага ёзиб берган экан. Зилола ўқитувчисининг шошилинича ёзган «ҳисобот»ни тушунолмаётган ўқишда қийналаётган экан.

Зилола бундай қилишга мажбур эдимиз? Мажбур бўлса нима учун? Ахир қоғоздагина бор ишларни айтишга оддий комсомол синфдошлари олдида хижолатга тушиб қолиши мумкинлигини ўйлаб кўрмадимки? Балки, ўйлагандир. Фақат ўйлаш билан бир нарсани амалга ошириш мумкин бўлса экан. Унинг учун ўйлаш эмас, йилда бир марта бўладиган ҳисобот-сўзловни «кўнгилдагидек» ўтказиб олиш муҳимроқ. Кейин бир гап бўлар.

«Кейин бир гап бўлар». Ҳақиқатан комсомол йиғилишларида ана шу фикр биринчи ўринда тургандек. Бу йиғилишлар нима беради? Унда айтилган фикрлардан кейин бирор ўзгариш бўляптими? Ҳозир ҳамма йиғилишларда бирор фикр айтиш мусобақасини ўтказиб берилган туюлаверади. Авваллари ҳеч нима айтилмастидиган, эътиборсизликдан шикоят қилинарди. Мана ўша «фикр»лар айтиляпти ҳам. Нималар ўзгаряпти? Ўқувчилар комсомол ташкилоти у ёқда турсин, ҳатто район комсомол комитетидагилар ҳам сўз ва иш бирлигини ҳали тўла тушуниб етмаётдилар-ку. Қарорларнинг бажарилишини бир назорат қилинг, унинг бажарилганлари рўйхатини ўқиб ё жойларга бориб кўрсангиз афтингиз қийноқдан бужмайиб кетганини ўзингиз сезмай қоласиз.

Майли, аслида шунча фикрларни айтишга ундаган Зилоланинг ҳисобот-сўзлов докладыда нималар ёзилган эди? Ана шунисига келганда яна... «Ўқувчилар ҳисобот заврида 12 килограмм рангли металл, 3 тонна темир-терсақ, 500 килограмм қоғоз парчаси тўпладилар. 3 гектарлик ерда ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси аъзолари гектаридан 30 центнердан ҳосил олишди. Бир гуруҳ ўқувчилар Одесса, Москва шаҳарларига бориб келишди».

Шу, холос! Хўш яна нималарни кутган эдингиз? УҚИШ-ЧИ?

Қачондан бери мактаб ўқувчиларидан асосий бўлган ўқишни эмас, «ибратли меҳнат ишларини» талаб этишга ўрганган эдик! Истаганча жавоб қайтараверинг. Аслида энг асосий нарса унутилиб қолмаётганлигини нималар биландир изоҳлашга уриниш керак-ку.

Ўқувчилар комсомол ташкилотиди-чи? Уларнинг ҳам ҳисобот-сўзлов йиғилишида қатнашишга тўғри келган ҳоллар жуда кўп бўлган. Нимагадир улар-

## БИР КУННИНГ «ОДДИЙ» ВОҚЕАСИ

нинг ҳисобот докладыда ҳам Зилоланинг хабарига ўхшаш фикрларни эшитишга тўғри келган. Аслида бу икки ташкилотнинг вазифасига нималар қиради?

Кўп нарсалар. Лекин сизга жим туришга тўғри келади. Ахир йўқлик жимлик билан изоҳланади-да.

Ҳозир мактаб ўқувчилар ташкилотига жуда катта ҳуқуқ бериб қўйилган. Улар келажак комсомолларини «сўйлаб» олишади. Тўғри, улар бу номга энг лойиқ ўқувчиларни танлаб олишга интиломоқдалар. Лекин ўша «лойиққа» эга бўлиш учун қандай фазилатли бўлмоғингиз керак? Биринчи навбатда жамоат топириқларини бажаришда актив қатнашадиган! Иккинчидан — ўқиши яхшилар.

Худди ана шундай комсомолга қабул пайтда дуч келганмисиз? Дуч келган бўлсангиз у ерда берилган саволларга эътибор берганмисиз? Анъанавий саволлар. Бу саволларга бошқа, комсомол сафига ўтишга даъвогар бўлмаганлар ҳам жавоб бераверади.

Район комсомол комитетининг ўқувчи-ёшлар билан ишлаш бўлимида ҳар доим даста-даста бўлиб турадиган анкета-аризаларни ўқиб кўрганмисиз? У аризалардаги имло хатоларини кўриб, сиз хижолат чекасиз. Лекин райкомдагиларнинг бунга кўзлари «ўрганиб» қолган. Улар бу учун ўзларини ортиқча ҳаяжонлантиришмайди. Бу аризалар эса ўша — ўқувчилар комсомол ташкилотиди олдидан кўриб чиқиш комиссияси аъзоларининг қўлидан ҳам ўтган.

Ўқувчиларимизнинг саводсизлигини уялмайди-ган, ҳатто сескамийдиган бўлиб қолдик. Хатирчи районига командировкага борганда бир неча мактабнинг битирувчи синф ўқувчиларидан ишо олишга

бол, теннис, аэробика шулар жумласидандир. Умуман бу ерда қизларнинг бўш вақтларини бекор кетказмаслик, уларни турли йўллар билан меҳнатга жалб қилишга катта аҳамият берилади. Шу жумладан олиб борилаётган сиёсий, атеистик, меҳнатга ҳамда ахлоқ-одобга доир суҳбатлар, кечалар, мунозаралар уларга ижобий натижалар бермоқда.

Мана, беш йилдирки, билим юртида тажрибали педагог, Республика ҳунар-техника таълими аълочиси Жамила Раҳмонова раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу киши ўзининг бош педагогик тажрибасига суянган ҳолда иш олиб бориб, билим юртида катта ўзгаришлар ясашга муваффақ бўлди. Жамила Расуловна билим юртига келган пайтларини эслаб шундай дейди:

— Билим юртига келгач ишни нимадан бошлаш ҳақида кўп ўйладим. Чунки коллектив орасида ҳам, тарбияланувчилар орасида ҳам тартиб-интизом талаб даражасида эмас эди. Ниҳоят, шу қарорга келдимки, тарбияси оғир қизларни тарбиялаш учун аввало иноқ, дўст коллектив керак. Бу биз учун биринчи шартдир. Тарбияланувчи қизларда эса, ўз-ўзини бошқариш деган принципга амал қилдик. Яъни, қизлар эрталаб, аввало билим юрти ҳовлисини, ўз хоналарини, ётоқхона коридорини тартибга келтирадilar. Сўнгра ҳар ким ўз каравотини, кийимларини якка-якка ҳолда тартибга солади. Умуман шу йўсинда меҳнатга бўйсундириш, ўз-ўзига хизмат қилиш қобилияти шаклланади.

Билим юртига ишга келганимнинг биринчи йили қизларда қочиш, «қўзғолон» уюштиришлар олдингидай давом этиб турди. Мана, тўрт йилдирки, — давом этади Жамила Раҳмонова, — биздан бирорта тарбияланувчи қочиб кетгани ёки «қўзғолон» кўтаргани йўқ. Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, ота-оналар ўз фарзандларининг тарбиясига асло бепарво бўлишмаса, мактаб билан яхши алоқада бўлишса, вояга етиб келаётган фарзандларининг кимлар билан дўстлашаётганликларига аҳамият беришса.

КПСС Марказий Комитетининг Февраль пленуми биз педагоглар олдида ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш ва оила билан ҳамкорликда тарбия қилишдек муҳим ва масъулиятли вазифани кўйди. Бу шу куннинг долзарб масаласидир. Н. Крупская айтганидек: «Бола туриш жисмоний балоғат белгиси бўлганидек, бола тарбиялаш психик балоғат аломатидир», — деб ўз сўзини якунлайди Вутуниттифоқ ўқитувчилар съездининг делегати Жамила Расуловна.

Ҳа, директорнинг гапида жон бор. Пала-партиш



шароитда ўсган, ҳаттоки ўз рўмолчасини юволмаган қизлар билим юртида ўз-ўзига хизмат қилиб, озода, ихчам кийимларда кўзга ташланади. Ахир қизлар келгусида саранжом-саришта уй тутишга тайёрланаётган бўлгуси уй бекаларидир.

Билим юртига раҳбарлик қилиш чегараланмаган иш вақтини талаб қилади. Шундай пайтлар бўладики, тунги 2—3 да ҳам директор телефон қилиниб чақириб олинади. Жамилаҳон Раҳмонова ўтган йили «Тарбияси оғир болалар тарбияси» проблемаларига бағишланган Вутуниттифоқ кенгашида ҳамда Вутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида, СССР ҳунар-техника

таълими Давлат Комитетининг кенгашида иштирок этганида 48-маҳсус ҳунар-техника билим юрти ҳақида анча яхши фикрлар билдирилди. Ҳамда Иттифоқимиз бўйича бу билим юрти III ўринни эгаллаганлиги эълон қилинди.

Фарзанд — киши ҳаётининг кўрки. Ҳақиқатан ҳам, болани дунёга келтириб қўйган билан иш битмайди. Унинг тарбияси билан шугулланиш ота-она, ўқитувчи, маҳалла фаоллари, қолаверса ҳар бир жонкуяр инсон учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини унутмаслигимиз керак.

Максуда ҚАҲҲОРОВА,  
Кўкон.

## ХАТЛАР ВА ЎЙЛАР

Мен ёшлиқдан китоб ўқишга ҳавас қилганман. Китобни жон-дилимдан севишимда меҳрибон ойм сабабчи бўлганлар. Қандай китоблар ўқишимни оймлар маслаҳат берадилар. Мен кўпроқ Улуғ Октябрь революциясидан олдинги ва Улуғ Ватан уруши давридаги совет ва қардош халқларнинг бошдан кечирган азоб-уқубатлари моҳирона тасвирланган китобларни жон-дилимдан ёқтириб ўқийман. Севимли ёзувчиларимиз Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Шухратнинг «Олтин занг-ламас», М. Горькийнинг «Она», Н. Островскийнинг «Пўлат қандай товланди», «Бўрон болалари», Одил Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса», Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» каби асарлари қарийб ёд бўлиб кетган. Баъзи бўш вақтларимда қизлар билан асар автори ва асар ҳақида суҳбатлашмоқчи бўламан. Лекин қизлардан бирортаси улар ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмайди. Вунга ким айбдор? Менимча ўқитувчилар ёки ота-оналар бўлса керак. Масалан: ўқитувчи дарёда ёзувчи ва унинг асари тўғрисида маълумот беради. Лекин у шу ёзувчининг программадан ташқари ўқувчилар ўқимаган асарини ўқишни маслаҳат берса ва келаси дарё шу тўғрида ўқувчилардан сўраб-суриштирса. Ота-оналар эса ёшлиқдан фарзандларини кутубхонага аъзо ёки эмаслигини билиб, унга бадиий китоблар ўқишга маслаҳат берса ва мунтазам шугулланиб боришни кузатиб юрса. Шу нарсалар ёшлиқдан ўратилиб борилса, ўқувчи қуйи синфдан бир режим асосида китоб ўқиса юқори синфларда ҳам қилаётган иши такрорланади. Мен шундай деб ўйлайман.

Дилрабо ҒУЛОМОВА,  
Тошкент область Бўка район,  
Октябрь 40 йиллиги колхозидан,  
10-синф ўқувчиси.

Мактабда бирга ўқиган синфдош дугонам бор эди. Оиласида ёлғиз қиз. Уйда ҳамма шароит етарли. Ота-онаси савдо соҳасида иш-лашади. Улар ҳам ўз қизининг келажоги учун ҳар нарсани муҳайё қилишади.

Бундан тўрт йил муқаддам, мактабни ту-галлаш арафасида келажак ҳақида у билан суҳбатлашиб қолгандим. Ушанда дугонам: «Мени пединститутга жойлаб қўйишади. Диплом олишим билан боғча мудирлигини дадам гаплашиб бераркан» деган эди, ўйла-ниб қолдим. Чунки мен дугонамни жуда за-монавий қиз деб тасаввур қилардим. У ҳамма вақт ўзига ярашадиган қимматбаҳо кийим-кечак кияр, (айниқса, турли кечаларда) мак-табга ҳам тилла тақинчоқлар тақиб келар-ди. Мен ҳурмат қиладиган кўпгина ақлли йигитлар ҳам унга ҳавас қилишади. Дуго-намни мешчан деб аташ мумкинми?

Феруза МИРЗАОЛИМОВА,  
Андижон шаҳри.

\* \* \*

«Еш куч»ни ўқийман. ЭХМ, диктофон, лингофон каби аппаратлар етишмаслиги ҳа-қида кўп ёзасизлар. Қизиқ, қишлоқлардаям шунақа техника воситалари бўлиши керак-ми? Бизнинг мактаб ўқувчилари бунақа ап-паратларни кўриш у ёқда турсин, номини эшитишса ҳам ҳайрон қолишади.

Фармонжон КҮЧИМОВ,  
Навий область Нурота районидан  
24-мактаб ўқувчиси.

тўғри келди. Энг яхши иншоларни аниқлаш мақсади-да. Лекин уларнинг ичида ўқиганда кўнглингиз ку-вонадиган бирортасига дуч келмадик. Улар битирув-чи синф ўқувчилари иншои эди. Балки, уларнинг баъзилари бугунги кунда студент ҳам бўлгандир? Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Ўқувчилар комсомол ташкилоти мактабдаги ҳар бир комсомол аъзосига объектив характеристика бериш имкониятига эга. Комсомолнинг қандайлиги-ни улар яхшироқ ҳар томонлама билишлари керак. Бу жиҳатлар эътиборга олинсагина, характеристикадаги таърифлар ишонарли ва ҳаққоний бўлиши мумкин. Лекин Пахтачи районида дуч келганим бу фикрларнинг ҳаммасига тамоман зиддир. Ҳатто ўта кулгили ҳол. Уша кунни район комсомол комитетига бир гуруҳ болалар характеристикага муҳр урдириш учун келишди.

Улардан район аппаратининг бир ходими сўради: — Характеристикани ким ёзди? — Ўқувчилар тўғрисида айтишди-қўйишди. — Ҳар ким ўзига ўзи ёзиб келди. — Ким шундай деб айтди? Ахир мумкин эмас-ку. — Комсорг шундай деди. Унинг вақти йўқ экан. — Боринглар, бундай характеристика тасдиқлан-майди.

Райком аппарати ходимининг фикрларига қўшил-ган эдим. Лекин уларнинг сўзи бошқа, иши бошқача эканлигига ўша кунёқ гувоҳ бўлдим. Кечки пайт биринчи секретарь Г. Қувондиқованинг кабинетида ўша — худди ана шу характеристикаларга муҳр урилган ҳолда кўрдим. Ана энди бу ўқувчиларга комсомолнинг мавқеи ҳақида соатлаб гапирсангиз ҳам бир тийин. Улар балки ўша кунни истеҳзоли кай-фиятда райкомдан чиқиб келишгандир. Балки рай-комдагиларнинг устидан мазаҳ қилиб ҳам кулишган-дир. Эҳтимол, уларнинг бундай қилганлари тўғри-дир. Бошқа нима ҳам дея оласиз? Лекин улар рай-комдан характеристикаларини қандай тасдиқлатиб олишганларини (ўзларига ўзлари баҳони) бир умр кулиб эслаб юришар. Шунинг учун бу воқеани унутолмайсиз ҳам.

ВЛКСМнинг XX съездида КПСС Марказий Комите-тининг Бош секретари М. С. Горбачев ислоҳотдан кейин жойларда ўзгариш-сезилмаётганлиги ҳақида гапириб, «ислоҳот жойидан силжимаи турибди» де-ган эди. Ислоҳот «жойидан силжиши» ўқувчилар-нинг билими билан ўлчанади-ку. Бу борада ўқув-чиларнигина айблаш нотўғри бўлади.

Гулчехра АЛИБОЕВА.



Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ

## Ҳолат

Хато қилдингми-я, шундай замонда,  
Шундай одамларнинг кўзида, яна  
Энсангни қотириб иста—истама  
Ҳимоя қилишар...  
Юрагинг зада.

«Биз кафил» — кўксига урарди бахил,  
«Йўлга солволамиз» — қичқирар номард.  
«Керакмас» — дейишга ярамайди тил,  
Пасткашлар шу фурсат энг оқил, энг мард.

Қандай кўргилик бу?!  
Чидаб бўлмайди.  
Мудҳиш мурувватлар йўқдек ниҳоя...  
Улар... Улар хато қилмайди,  
Яшар гуноҳкорни қилиб ҳимоя.

М. НАЗАРОВА

## Мен сенинг давомчингман...

«Еш гвардия» қахрамони  
Олег Кошевой хотирасига

...Сен ҳам шеър ёзардинг менинг ёшимда,  
Ғалаба ҳақида куйлардинг жўшиб.  
Бугун сен ўйлаган ўйлар бошимда,  
Сен куйлаган куйлар — менга ҳам қўшиқ.  
Жисминг юрагингни кўмолмадилар.  
Тоабад шағнингга келтирувчи шон —

Адхам АҲМЕДОВ

Бағрингда тоабад яйрадим, аммо  
Қучоғинг жаннатга этмадим қиёс.  
Ахир сен нақдимсан, беҳиштчи рўё —  
Олисдаги сурнай навоси холос.  
Кимгадир тўнгароқ туюлмай балки,  
Лекин ҳақиқатдир сени севишим.  
Жуда лозиммикан, ўзинг айт қани,  
Юргим, сенга жоним фидо дейишим?...  
Негайин сен учун тўколмадим қон.  
Жангу-жадалларда мардлар сингари,  
Фақат такрорлайман шоирни бу он  
Нега тўгмадикан онам илгари...

\* \* \*

Ҳайрат уммонидир — қорачиқларим,  
Сен унда сузгинсан бир умр.  
Ҳайрат уммонидир — қорачиқларим,  
Тубига дунёни этганман зуҳр...

Сузабер, майлига, билмагил завол,  
Асов тўлқинларла талашиб ҳуқуқ.  
Мен-ку тошмоқ учун тополмадим йўл,  
Сен эса чўкмадинг, чўколганинг йўқ...

\* \* \*

Қайлардадир битта йигит бор,  
Бормоқдасан у томон оқиб.  
У ҳам сенинг висолингга зор,  
Келаётур шошиб, ютоқиб.

Тақдирингда битта йигит бор —  
Олиб кетар сени қутқариб.  
Сўнг, бу бахтинг — бахтим деб зор-зор  
Йиғлагайман орқангда қолиб...

\* \* \*

Мабодо тўкилсам бир япроқ каби,  
Бўронлар маҳв этса йигит ёшимда.  
Еллар эгиб кетган сарв гул дардин  
Айтиб бўзламагил менинг бошимда.

Мабодо тўкилсам бир япроқ каби,  
Бўронлар маҳв этса йигит ёшимда.  
Насиб этмас эса ўз юртим хоби  
Фарёд қил, фарёд қил қабрим бошинда.

\* \* \*

Йўқ, бефойда, бундай қарама,  
Юрагимга ташлама каманд.  
Икки зулфинг ўзи шундоғам  
Мастдир хиёнатнинг ҳидидан.

Мен эдим-ку, сенга қайиниб,  
Вафодор ит каби топинган.  
Муҳаббатнинг тахир майини  
Тўйдим, ичиб лаъли лабингдан.

Эзгу тилагингни кўмолмадилар.  
Тенгдошим, жаранглар мангу даъватинг:  
«Одамлар урушга очиб берманг йўл!»  
Кўзларим олдида тиклаб қоматинг,  
Сурагинг пойига қўймоқдаман гул.  
Сенинг давомчингман қаламинг билан,  
Езмаган шеърларинг битаётурман.  
Тинчлик қўшиғини куйлаб баралла,  
Сен кетган ҳақ йўлдан кетаётурман.

## Пахтазор мадҳи

Оппоқ либос кийган пахтазор,  
Юрагимга солди эҳтирос.  
Пахтакорим, мадҳингни минг бор  
Куйласам-да, оз туюлар, оз!

Бугун сенинг соф кулгуларинг,  
Оқ толалар узра бўлмиш жо.  
Кўнглинг каби пок орзуларинг —  
Хирмонларни этмоқда барпо.

Пахтакорлик азиз санъатинг —  
Пок қалбингга мангу ҳамдамдир.  
«Оқ олтиннинг шону шуҳрати —  
Тинчлик учун муҳим қадамдир!


## Тўртлик

Бахтсиздирсан халқинг бахтдан тинмаса,  
Дўстсиз яшамоқ ҳам бахтсизлик эрур.  
Юз-кўзинг кулса-ю, қалбинг йиғласа —  
Дунёда энг оғир бахтсизлик шудир.

## Чўнг гуноҳ

Йигитлик йилларим қолмоқда орда.  
Орда қолиб кетган изларим мисол.  
Нега чақнамади шаҳдимдан ўтлар,  
Гарчанд жасоратни этсамда хаёл?  
Кимса борганида тоғ сўқмоғидан  
Унга хавф солгандай қорлар кўчкини...  
Эндиги умримнинг йўлида бу дам  
Қўрқув исканжага олмоқда мени.  
Ўйласам бу қўрқув то азоб қадар...  
Оҳ, мағрур очолмам кечмишимдан сўз.  
Энди ҳам ордаги йиллардай агар  
Яшасам дунёдан йўқолжум беиз.  
Дўстларим, охираг бор бўлса агар  
Мени ҳам сўроққа тугурлар албат.  
Надир чўнг гуноҳинг дея сўрсалар,  
Дегайман: яшамоқ, бешаҳд, бежурғат!





Юрий РОЗВАДОВСКИЙ

### 1918 йил шеърияти

Энди уни ўлдирсалар ҳам,  
Кекса шоир ёзолмас баёт  
Қўл силгарди барига, лекин  
Эшик қоқмоқда ночор ҳаёт...  
Ҳеч тушуниб етолмайди у  
Нима бўлди ўлчовли ҳаётда?  
Ким билан борсин?!  
Парижда кларет ичсинми,  
Еки Питерда юрсинми,  
Ҳар-хил юмуш-ла?  
Ўйларига кирар оч буйруқ.—  
Деразасига тош отишар, кун йўқ бесас...  
У кутади, лекин, йўқ —  
Келмайди илҳом париси — Пегас.  
Танлаш вақти етганида у  
Чет элликка ишонар ўз ўйида.  
У кетади узоқ Констанца томон,  
Фақат... Улиш учун қайтар уйига.

### Пластинка

Пластинка ғижирлайди,  
Янграйди қўшиқ:  
«Чарчамас қуёш, уфқдан  
Кўтарайди бош»...  
Оёғини қисади этик,  
Мойланган ботинка эмас  
Шляпа ўрнига пилотка кияр,  
Ва оғир ПППШ.  
Яқинда ўн саккизга тўлар у,  
Эртага жўнаши керак.  
«Чарчамас қуёш...»  
Отасининг сочларида оқ.  
Бомба тилкалайди Киев кўксини.

Александр ВАСИЛЬКОВ

### Яхшиликни куйлагайман

Куйлайман ғам ўртаган дамда,  
Қўшиқ айтиб торгаман енгил.  
Емонлик кўксимга бошлаганда,  
Яхшиликни куйлагайман, бил.  
Куйлайман, қалб оғриса агар,  
Дилга орзу қўнса куйлайман.  
Жароҳатга зўр малҳам бўлар  
Дорилар олинса қўшиқдан.  
Ҳар юракнинг бордир оққуши,  
Узингсан мен куйлаган қўшиқ.



Порох ҳидидан айланади бош.  
Фронт чизиқлари,  
Сўнги йўқ уруш.  
«Бугун тунда сен айт...»  
Яна пластинка ғижирлай бошлар.  
Кимдир вокзал перронига  
иргитар рўмолини,  
Лекин ҳеч ким айтмайди,  
Айтилиши зарур у сўзни.  
Мўрт диск ҳам синади,  
кутмасдан уни.  
Бехос портлашдан узилар юриш,  
«Чарчамас қуёш» юзига,  
Чанг-тўзондан торгади парда.  
Кейин бутун гавдаси билан,  
Қайнаган денгизга оғир қулайди.  
Қора хат келтирган,  
Бир қўли бор қўшниси  
Алам билан боқар ойнадан.  
На онани, на сингилни  
Овутолмас ҳомийси бўлиб,  
Жимлик ҳам ҳўнграйди, гўё,  
Кўз ёшдан йпкаси тўлиб...  
Ва қайси бир уйда  
бошқа пластинка айланабошлар,  
Бош айланади жўшқин қўшиқдан.  
Дискни игна тинмай арралар,  
Янграйверади қўшиқ,  
Бахт ҳақида, севги ҳақида.

\* \* \*

Мен мўъжиза кутаман, ҳаёт  
Балки қайғу этади ато?  
Нима узоқ кутганим, нима?...  
Шуни англаб етмасман ҳатто!

Поезд каби келар кечикиб,  
Мен орзиқиб кутган лаҳзалар.  
Урганяпман кутишни ахир:  
Умид осмон қадар юксалар.

Кутиб сени висол олдидан,  
Дийдорингни йўйдим баҳорга.  
Шунчалар ҳам сенга чанқоқман,  
Келгин,  
Мени тўйдир баҳорга!

Неки ғам бор унутай, фақат  
Мен учун сен бўлмагин хато.  
Мен мўъжиза кутаман, ҳаёт,  
Балки қайғу этади ато...

\* \* \*

Ҳоҳлайсанми баҳор ёмғири бўлиб,  
Сен чиққунча деразангни қоқаман.  
Олов бўлиб ёниб турай истасанг,  
Бор ғамингни менга ташлаб ёқасан.

Гар хоҳласанг бўлай йўлдаги излар,  
Оёқларинг остида бўлай ҳарсанг.  
Истасанг ҳеч киминг бўламан сенинг,  
Истайсанми, бўламан ҳеч нарсанг?..

\* \* \*

Қандай муҳим, лекин қийиндир жуда,  
Бир умр бахшида этмоқ ҳаётинг:  
Енсанг халқинг ҳамда юртинг дардида,  
Тилидан бол томиб эсласа отинг.

Қандай муҳим, лекин қийиндир жуда.  
Хатар қаршисида ён бермай туриш.  
Ва оғир дамларда, бўлмайин зада  
Ҳақиқат йўригин кўтариб юриш,  
Қандай муҳим...

\* \* \*

Осмон яна қизара бошлар —  
Зулмат қаърин парчалайди нур.  
Янги меҳмон дунёга келар,  
Дунё унга қучоқ очсин — ҳур.

Қўшиқ айтсин ирмоқлар тўлиб,  
Унинг учун куйласин булбул.  
Ва ҳеч кимнинг бағри қон бўлиб —  
Зинҳор ўқдан туғамасин йўл.

### Асалари

Асалари бир чақса, ўлади,  
Бутун умри бир қаҳрига тенг.  
Ширин нектар излайди, тинмай  
Гуллар эса кўксин очар кенг.

У учади, қилиб хиргойи,  
Ҳаёт тўла бўлса-да суронга...  
Унинг учун... аччиқдир асал,  
Қисмат етаклар ҳар томонга.

Кимдир сўздан ясайди найзалар:  
Чақиб тирик қолишни билар!  
Ари чақса, учиб кетаверар  
Асалари бир чақса ўлар...

### Тонг

Тонг отмоқда...  
Тун кетади  
Судраб этакларини —  
Осмонга сингади ой.  
Шамол оқ булутларни турткилаб  
Шивирлаб айтади ўз эртагини —  
Баланд қамишлар яна бўй чўзар,  
Еноқларини ювиб шабнамга.  
Кўлнинг салқин нафасидан,  
Титроқ югурар танамга.  
Нақш солишар сувнинг ипак юзига  
Ўрдақлар кериб қанотларини,  
Ва уйқу эрийди уфқнинг кўзида  
Тонг отмоқда...  
Тонг отмоқда...

### Ажралиш

У кетди,  
Айтдики, «бир умрга»...  
Эшик қаттиқ ёпилди:  
Қўшнилари ҳам кетди уйғониб.  
Ваннада томчилайди сув.  
Салфеткани кир қилаверар,  
«Прима» куллари.  
Булут каби сузиб кетар,  
Узоқлашар қадамлар саси...  
Бурчакдаги сурагга боқар аёл:  
Унда кулиб турар икки бахтиёр...  
У девордан олиб сурагни,  
Бўлди ўртасидан икки тақдирга  
Ва майдалаб йиртди ўзини...

### Урушдан сўнг

Бозор растасида матоҳлар сероб,  
— Келинг, буви, буларни бир кўринг!  
Мана кўйлак ҳам бор, ўғлингга совға  
Ҳашамли, хром этик, баридан зўри...  
— Худо ёр бўлсин сенга, азизим,  
Етишмовчилик замони эмас.  
Ҳамма-ҳаммаси уйда бор, лекин,  
Ким қайтарар ўғлимни урушдан?..

Ойбек РАҲИМ таржималари



Кетмоқ гали етганида ҳам,  
Истагим шу — айтаман такрор:  
Янги меҳмон ўссин кўрмай ғам,  
Тинч дунёда шодон, бахтиёр.

Замон елиб умид дарёсин  
Жўшдирсин ва хотира бутун  
Бўлиб барча қалбларга сингсин,  
Туғилажак меҳмонлар учун.

Русчадан Икром ОТАМУРОДОВ таржимаси

# МАРДИКОР БОЗОРИ



Ж. УСМОНОВ расми

## (Дастлабки мақола)

Шаҳримизда бозорлар кўп, уларнинг ўзига яраша ташвишлари, муаммолари бор. Лекин биронтасининг ташвишу-муаммолари «Мардикор бозори» даги каби мушкул ва мураккаб эмас.

Нега?

Бу саволга жавобни узокдан, «Мардикор бозори» даги чигал, боши-охирини топиб бўлмайдиган оғир йўллардан бошлаймиз.

## «Ошиқча одамлар» ми?..

Тошкентнинг «Беруний» кўчаси чеккасида, ёки неча йиллардан буён битмай, баланд қуббасининг устига ёпилган тунукалари чирий бошлаган, «Ўрта Осиёда ягона» «Октябрь бозори» нинг чорраҳасида ҳар кун одамларнинг тартибсиз гавжум тўдаси саҳардан то чошгоҳ маҳалигача аримайди. Бу ер расмий ҳужжатларда «бозор» тариқасида қайд этилмаган бўлса-да, уни шаҳар халқи «Мардикор бозори» деб аташади. Неча йиллардан буён бу ерда аҳолининг турли табақалари — дурадгордан тортиб, бетон қуювчигача, электрикдан тортиб, ғишт терувчигача, боринги нимага муҳтожлик сезилса ҳожатингиздан чиқадиган хунарманд халқнинг қўлигул вақллари бор. Ва яна бошқалар ҳам.

Бу ердаги одамлар кимлар? Уларга халқнинг ва расмий давлат ташкилотларининг муносабатлари қандай? Улар не муҳтожлик сабаб кетмонини елкасига ташлаб, ёки анжомларини халтасига бекитиб, меҳнатига харидор одамларининг йўллари-га интизор бўлиб турибди?

Бу ердаги одамлар Совет мамлакатининг граждандлари, шу заминда улғайиб ўсган кишилар.

Халқнинг уларга муносабати холис ва айна пайтда лоқайд ҳам. Холислигики, шаҳар аҳолисининг уларга деярли ҳар куни иши тушади, ишларини эса телефонсиз, қоғозларга қўл қўйдириб овора бўлмай, қандайдир бюрократ раҳбарнинг остонасида соатлаб сарғайиб ўтирмай, шу ернинг ўзида келишиб битқизади. Қилинган ишнинг ҳисоботи бўлмайди, рапортлар берилмайди, планлар муддатдан аввал бажарилмайди ва ҳоказо. Лоқайдлигики, одамлар иши битиб, эшаги лойдан ўтгач, (эйтибор қилинг, мардикор аҳли мўътабар давлат ходимларининг, «халқ виждони» деб аталадиган ижодкорларнинг, санъаткорларнинг, профессор ва академикларнинг хизматларини ҳам қилишди) «бу одамлар кимлар ўзи?», «Уларни мардикорчилик қилишга мажбур этган сабаблар нимадакин?», «Кунига 20 сўм, 30 сўм, ва ундан зиёдроқ пулга ишлашларига қарамай, нега рангирўйи қароб, усти-боши кўнгилдагидай эмаскин?» деган бир қийноқ ҳеч кимни қизиқтирмайди, кўнглига ғашлик солмайди, виждони қийнаймайди. Аксинча, мардикор ҳаққини тўла бергани, яхши таом билан қорини тўйдиргани учун ўзларида қандайдир хотиржамлик ва таскин бир туйғуни сезишади. Сўнг, «Катта шаҳарнинг ўзига яраша ташвишлари бор» деган лоқайдлик билан кўнглининг

бир чеккасидаги ғашлик ва тасодиф туфайли пайдо бўлган исёнкар бир дард сўнади. Бўлмаса, милиция ходимларининг шарпасидан қўрқиб, тирқираб қочаётган оломон ҳам менинг халқим-ку, деб, бир бор назар ташламасмиди? Атлас қўйлақларни кийиб, зарли рўмолларни дуррача қилиб тангиб, фаровон турмушимизнинг рамзи сифатида пахта далаларида олинаётган суратларнинг нуқталари мана шу пароканда, бесаранжом одамларнинг нигоҳларида бир дақиқа қалтирамасмиди?

Хўш, расмий давлат органларининг буларга муносабати қандай?

Бу саволга бугунги ошкоралик ва демократия принципларидан келиб чиқиб, рўйи рост жавоб айтиш мумкин — ниҳоятда ёмон!

Нега?

Қонуний давлат ташкилотлари «Мардикор бозори» кўринишини бугунги социалистик турмуш тарзимизга ёт бўлган, унинг хуснига доғ бўлиб тушган ҳунук ҳодиса деб тушунишади. Ва бунинг натижасида уларга нисбатан тинимсиз ва самарсиз «курашиб» келишади.

Ўйлашимизча «Мардикор бозори» аҳолиси расмий давлат органлари назарида давлат ишларини қилишдан бош тортиб, шахсий бойлик орттиришга киришган, қўнимсиз «ошиқча одамлар» ва яна шубҳали шахслардир.

Тўғри, «бозор»да қўнимсиз, бир кунлик иш билан ўзларини овутиб юрган дайди, ҳатто ўрни келиб қолса жиноятга қўл уришдан ҳам тап тортмайдиган шубҳали одамлар ҳам йўқ эмас, бор. Буларга қарши курашиш керак эмасми?

Керак.

Қандай курашяпмиз улар билан?

Биз бу саволимизга жавоб излаб, деярли бир

ҳафта давомида тонг саҳардан то «Мардикор бозори»нинг гуллари сийраклашгунга қадар шу ерда бўлди. Бу муддат жараёнида нималарни кўрган, кимлар билан суҳбатлашиб, нималарни эшитган бўлсак, шундай, борича ҳикоя қилишга уринамиз.

29/V 88 йил. Яқшанба. Соат саккиз. Шундай трамвай муйилишига қадам босишим билан: «Амаки қандай юмушларингиз бор?» деб олдимга келган 16—17 ёшлар чамасидаги ўқувчиларнинг нигоҳига тикилиб туролмадим.

— Нима, мактабга бормадингларми?

— Э, каникулку...

— Қайси мактабдансизлар ўзи?

— ...

Болалар «харидор»нинг мужмаллигини сезишди нари кетишди.

Айланиб, одамларнинг гап-сўзларига қулоқ тутгач билдимки, буларга: «Кимсиз?» «Қаерда ишлайсиз?» «Сизни «мардикор бозори»га чиқишга мажбур қилган сабаблар нима?» каби уларнинг гагини келтирадиган, меъдасига тегиб кетган саволлар бериб, бирон нарсанинг моҳиятини англаб бўлмас экан.

Уша ерда ўзгаларнинг ишини енгил қилиб, ўз ўрнига кимнидир юбориб, куйиб-пишиб юрган новча, яғридор йигитга кўзим тушиб омонлашдим.

— Келинг ака...

— Менга ишлайдиган одам керакмас ука, фақат бир илтимосим бор, агар малол келмаса ёрдам қиласизми демоқчийдим, ўзи редакцияданман...

— Биздан ёрдам деярлик йўқ, — йигит ҳайрон бўлиб елкасини қисди, — ўзимиз муҳтожликдан, бола-чақанинг ризқига бир-икки танга ишлаб олашимиз деган ниятда мардикорчиликка чиққан одам бўлсак, унинг устига... Қўйинг, сизга нима деб ёрдам қилар экан, сизлар бизга қўл суқангиз бунинг йўриги бўлак, ака.

— Ўзи асли ният шундай, мана бу хунук кўришни тузатмоқ, кўпроқ сизларнинг хоҳишингиз бўйича, жамоатчиликка бирон амалий ишнинг йўлини таклиф қилиш ниятида экан.

— Бизнинг хоҳишимиз, таклифимиз инobatта олинадими? Йўқ, мен бунга ишонмайман ака.

— Нега?

— Негалигини ўзингиз ҳам биласиз, бизни биров одам қаторида санамайди, «булар ҳам Совет граждани» деган ниятда муносабат қилишмайди, ёппасига дайди, ўғри деб ўйлашадими, билмайман. Бўлмаса ҳар куни икки маротабадан келиб қувишармиди? Ахир, бизни ҳайдаётган милиция ходимларининг ҳам забони бор. «Хей инсон, қочма, мундоқ бу ёққа ке, нима дардинг бор» деса биз ҳам одаммиз, ичимиздагини айтаемиз.

— Шундай дайдилар, пайти келиб қолса ўғирлик қилишдан ҳам тоймайдиганлар йўқми ораларингизда?

— Бор.

— Балки шуларни қувишар, ўшаларни ушлашар?

— Аслида шундай. Лекин биз кўпроқ қўрқамиз, биз кўпроқ қочамиз милиция ходимларидан.

— Уэр, нега?

— Дайдиларнинг иш топгани топиб, тополмагани милиция ходимларини кутиб туришади, уларни кўп ҳам овора қилмай ўзлари олдиға тушиб кетишаверади. Бизни ушлаб олишса обориб текширгунга қадар вақт ўтади, (милиция ходимларининг ҳужжатларини аниқлашга олиб келганларни уч соатгача ушлаб туришга қонуний ҳуқуқлари бор. — Е. Я.) Сўнг: «Ҳа, пропусканг жойида, ишлар экансан» деб қўйиб юборишади. Олиб кетилган дайдиларнинг қорни тўйса бас, биз эса бир кунлик ишимиздан қоламиз. Энди бизнинг нега қочишимизга тушингандирсиз.

— Ўзингиз ишлайсизми бирон жойда?

— Ишлаганман, армиядан сўнг ўша ерда қолиб, Владивосток томонларда 10 йил балиқ овлаганман, исмим Мўминжон, Куйганёрданман, бўлдимми?

— Нега ўз юртингизда ишламаяпсиз?

— Нима бу иш эмасми? Ўғирлик қилаётганим йўқ-ку, бировнинг олдини тўсаяпманми? Кисовурлик қилиб, чўнтак кавалаяпманми? «Ишламаяпсан» деган одам мана бу қўлларга қарар ахир, — Мўминжон қўлларини ёзди, меҳнатдан пишиб, чандиқсимон тусга кириб кетган бармоқларига қараш, уни айблаш оғир эди.

— Барибир бу ишнингнинг охири йўқда, Мўминжон. Бозорда мардикорчилик қилган экан деб, «Меҳнат дафтар»ингизга ёзиб қўймас.

— Ёзмаса ёзмас, қўлларингиздан келса «Трудовой»га туширадиган қилиб қўйинглар. Магазиннинг гўшини олиб, 55 тийиндан «копторг шашлик» қилиб сотишяпти, булар стажга ўтадимиз, э, ўргилдим замонангиздан, ака.

— Расмий кооператив тузиб, ишлашнинг имкони яратилса рози бўласизларми?

— Нега бўлмас эканмиз, қанийди.

— Патент тўлайсизлар-ку?

— Осмон билан ерни олмас, инсоф билан бўлар.

— Келишадиган баҳоларингиз қиммат эмасми,

20 сўм, 25 сўм, ундан ҳам баландроқларининг овозини эшитдим.

— Қиммат эмас, эрталаб соат олти-еттидан, саккизгача ишлаймиз, қандай ишлашимизни айтиб ўтирмай сизга, унинг устига бозорда «копторг картошка» деб, бир килосини 2 сўм 60 тийиндан сотиб ўтирибди, мундоқ ўйласангиз ўн икки соат ишлаган пулимизга саккиз кило картошка берай экан ака.

— Шундай қилиб кооператив тузишга сиздан бошқалар ҳам рози бўлади, денг?

— Ҳозир кун алламаҳал бўлиб қолди, «бозор»нинг росмана усталари ишга кетиб қолишган, индинги соат олти яримда келинг, ўзингиз ҳамма нарсани кўриб, уларнинг гапларини ҳам эшитиб оласиз.

## Кооператив керак, тўхтанг, милиционер ўртоқ!

31 май. 88 йил. Баҳорнинг сўнгги кун. У ёзга ҳаққини ўтказмоқчи эмасдай баданни жунжиктиради. Соат саккиз, Мўминжонни учратолмадим. Бошқатдан буларнинг кўнглига қўл солиб, гапимиз қовушгунча қанча вақт керак. «Қўли гуласт хунаромандлар»нинг тўпи борган сари камайиб борапти. Келишувлар жуда тез. «Салом, ассалом.» дегунча битишиб, келган ёлғиз одам бир жуфт бўлиб қўзғолишяпти. Машиналар тирбанд, гўё автомобиль бозори кўчиб келгандай. Асл хунаромандлар эса хотиржам, беш-ўн сўм илинжида келганларнинг нигоҳлари ғариб, тўхтаганки машинанинг, оёқ қўйганки одамнинг олдиға келишади: «Нима ишингиз бор ака?»

Бирдан оломон пароканда бўла бошлади. Еш-яланг недандир чўчиб, онасининг бағрига тисарилган гўдақдай кўрқиб, йўл чеккасидан ичкариликка қараб жила бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг катта, панжарали машинанинг кабинасидан иккита милиция ходими тушиб келди.

— Қани, қани нарироққа ўтинглар, турманглар бу ерда, турманглар.

Еш болалар, ўқувчилар бир зумда кўздан ғойиб бўлишди. Чиндан ҳам банги, дайдилар пинагини бузишмайди, (арзон иш кучи ҳисобланган бу тоифанинг ҳам харидорлари кўп) усталар эса бесаранжом...

Ўз вазифасини тўғри адо этаётган милиция ходимларининг исми фамилиясини билишнинг мушкуллигини айтинг, унинг устига улар ўзгаларнинг номларини сўраб ўрганиб қолишган бўлса...

— Нима, биз ноҳўя иш қилишимиз ўртоқ, фамилиямизни сўрайсиз, — Собир Рахимов район милиция бўлимининг ходими Амриддин Садриддинов ажабланиб елкасини қисди.

— Йўқ, лекин тўғри ишингиздан бирон натижа чиқаяптими ўзи, булар шу билан бошқа тўпланмайди бу ерга?

— Тўпланади, биз кетишимиз билан яна тўпланишади.

Милиция ходимлари айланиб ярим соатлар, ундан сал кўпроқ муддат туришди чамаси, сўнг машиналар жилғач, яна ўша манзара пайдо бўлди. Яна ўша «нима юмушингиз бор эди, ака?» деган илтижоли товушлар эшитила бошлади.

«Мардикор бозори» сийраклашиб қолган маҳал одамлар яна бир силкиниб пароканда бўлишди. Милиция ходими кимнидир қўлидан ушлади, қайгадир етаклади, ёш йигит тисарилди, силкиниб, қўлини силтади.

— Келинг ўртоқ, шу йигитнинг кимлигини билай, — дедим милиция ходимига илтимос қилиб.

— Кўрсат ҳужжатларингни, бу аканг—редакциядан.

Йигит кўзлари жовдираб, чўнтагидан ҳужжатларини олди.

— Илтимос ака, исми-фамилиямни ёзмам.

— Нима, сиз ўғирлик қилибсизми, нега ҳижолат бўласиз?

— Минг бир машаққат билан ўқишга кирганман ака, унинг устига «мардикор бозори» деган хунук номи бор, ота-онам эшитиб қолишса...

Наманганлик йигит «Су-76» қурилиш трестиди ишлар экан, ойлиги 120 сўм атрофида, разряд паст, унинг устига бола-чакалик, ижарада ўтирар экан, кечкида, Халқ хўжалиги институтида ўқиркан.

Йигит милиция ходимига қўполлик қилибди чоғи, «Нима ҳаққинг бор мени ушлашга» дебди тап тортмай, хуллас номаъқулчилик ўтибди ундан. Йигитнинг «гуноҳи»ни сўраб олишга тўғри келди. Тасодифан юз берган бу воқеа, аҳли мардикорнинг кўнглига хуш келганми, ҳар қалай улар дилидагини бир мунча яширмай айта бошлади.

— Чиндан ёрдам қиласизми ака бизларга?

— Қандай ёрдам қилиш мумкин ахир сизларга. На исм-фамилиянгизни; на яшаш жойингизни, на қаерда ишлашингиз ва нега муҳтожлик сабаблар

рини айтмасангиз, милиция ходимларининг қораси кўринди дегунча қочсангиз. Бизга ҳам, «булар мана бу ишга рози бўлди» деб ёзиш учун аниқ маълумот керак.

— Нима демоқчисиз ўзингиз?

— Менми, мана шу пароканда, бесаранжом, хунук аҳволингизни тузатиш керак демоқчиман. Масалан, давлат томонидан расмий кооператив тарзидаги ташкилот тузилса, сизлар ҳам бўш вақтингизда бемалол, қоч-қочсиз келиб ишласангиз, рози бўласизларми шунга демоқчиман.

— Бўламиз, албатта рози бўлаемиз.

— Рози эканлиқларингизни қоғозга туширсам қўл қўясизларми?

— Масалан, қандай?

— Масалан: бизлар, «Мардикор бозори»га келган кишилар колхоз ва ҳукумат ишларидан бўш вақтингизда, турмушингизга ёрдам бўлсин деган ниятда шу ерга ишталаб бўлиб келаемиз. Бизга кооператив тузиб берилса, патент тўлаб ишлашга розимиз, милиция қувишидан, таъқибидан қутулсак, бизга ҳам яхши... тахминан шундай мазмунда.

— Патент қанча бўлади?

— Уни мен бу ерда белгилаб беролмайман, у сизларнинг розилингиз билан, қонунда курсатилганидек бўлади.

— Розимиз.

— Унда шундай хат ёзай, қўл қўясизларми?

— Келинг.

Мақтубимга колхозчидан, ишчидан, студентлардан вакил бўлишиб имзо чекишди.

## Шароитни ким яратиб беради?

5 июнь, 88 йил. Яқшанба. Саҳар соат олти. «Мардикор бозори» гавжум, одамлар тирбанд. Машиналар бетартиб қўйилган, тўхтовсиз сигналлар, қулоқни қоматга келтирадиган даражада шовқин, йиғилган оломон трамвай йўлигача тушиб кетган, автобус, троллейбус ҳайдовчиларнинг асаблари таранг...

Мардикорнинг ҳам, одам ёлловчининг ҳам вақтлари тизилди, шошилич. Ишсиз қолмаслик ҳамда вақтни ўтказиб бормасликнинг пайига тушган ҳар икки томоннинг иши тезлик билан битяпти, беш-тўрт сўмнинг юзига қарамай келишишяпти. Оддий мардикорчилик 20,25 сўм, асл усталар, бетон қуувчилар 40—50 сўмдан.

Бу кун милиция ходимларининг келишидан тирқираган оломоннинг қочиши бирмунча ваҳимали кўринди, зилзиладан чўчиган одамдай, бенажот қолган кишилардай...

— Нега ҳар куни ҳайдайсизлар, ўртоқ милиционер?

— Нима, қўйиб беришимиз керакми буларни, кўриб турибсиз-ку, ахир транспортнинг юришига ҳам қўйишмаяпти.

— Ҳайдаган билан бирон натижа чиқмаяпти-ку?

— Энди бизга буйруқ шундай ака, биз бир кичик одаммиз, топшириқни бажарамиз, бу гапингизни юқорига чиқиб хўжайинларга айтинг.

— Топшириқни бажарганингизни бирон одам билاديمи?

— Ҳа, билишади, ҳадемай хўжайинлар текшириб ўтишади мана шу йўлдан.

Булар билан гапимиз ниҳоясига етмай, Чорсу томон пастликдан яна милиция ходимлари чиқиб келишди.

— Октябрь район милиция бўлиmidанмиз оғайни, нима ишингиз бор эди?

— Икки оғиз гапиришмоқчийдим сизлар билан.

— Йўқ, бизнинг гаплашишга ҳеч вақтингиз йўқ оғайни, бирон нарса билгингиз келса пастга ўтинг, ҳу... ана идорамиз.

Пастга, Октябрь район милиция бўлимининг бозор атрофида тартибни сақлаш пунктига ўтдим. Участка бошлиғи, милиция майори Аловиддин Сидақалиев билан суҳбатимиз бирмунча қизгин давом этди.

— Бу ерни, мана бу «Мардикор бозори» деб аталадиган жойни тартибга келтириш мумкинми деган ниятда келдим, фикрларингизни билмоқчийдим.

— Йўқ, тартибга келтириш қийин, иложи йўқ. Туриши, бўлиши шу ўртоқ корреспондент. Ҳайдамасак бўлмайди, мана пешонамизга «Москва» меҳмонхонасини қуриб қўйган, интуристар аппаратларини тўғрилаб: «Мана Советский Союзда ишсизлар» деб суратга олишади, яхшими шу?

— Унчалик яхши эмас, лекин ўзимизнинг қилаётган ҳаракатимиз ҳам чиройли эмас-ку, ундан кўра буларга ёрдам қилишнинг, бу хунук манзарани ўзгартиришнинг йўлини қидирсак бўлмай-дими?

— Бунисини билмадим, ким ёрдам қилиши керак ўзи?

— Ҳамма, жамоатчилик, лозим мутасадди ташкилотлар.



— Йўқ, бунга кўнгилик бўладиган одам йўқ, тартибга келтириш қийин, неча йиллардан буён ишлайман шу ерда, ҳамиша аҳвол шу.

— Тартибга келтириб бўлмас, нега кунига икки маҳалдан ҳайдаётибсанлар?

— Биз дайдиларни, пропускази бўлмаган шубҳали шахсларни ҳайдаймиз, ўшаларни ушлаймиз.

— Қолганлари...

— Қолганларими, уларнинг ҳужжатини текшириб, парадка бўлса қўйиб юборамиз. Келинг, яхшиси ярим соат сабр қилинг, ҳамма нарсани ўз кўзингиз билан кўрасиз, бизнинг аҳволимизни ҳам тушунасиз, нима учун бу ерда тартиб ўрнатилган ёрдам беролмаётганимизни сабабини ҳам аниқлашсиз. Ҳадеб милицияга: «Ундоқ қилаётибсанлар, мундоқ қилмаётибсанлар, деб таъна қилавериш ҳам яхши эмас, ўртоқ».

Шу ўртада милиция ходимлари «Мардикор бозори»дан бир тўп одамларни ҳайдаб келишди. Ростини айтсам, бир неча кун юриб бундайларига кўзим тушмаган экан, ҳайрон бўлдим.

— Мана, ўртоқ корреспондент, — деди милиция майори Сидикалиев, — бир бошдан бу нусхаларни сўрайвераман, хоҳласангиз ёзиб олинг, — у қаршида турганлардан бирига қўлини чўзди, — қани, паспортингни буёққа бер.

Мен ёзиб бораман...

Гайниев Тоҳир Гайниевич, — ҳеч қаерда ишламайди, олти йилдан буён пропусказда йўқ, профессионал дайди. Вайкин Николай Васильевич, — бу ҳам ишламайди, пропускази. Влагушкин Николай Михайлович — бу ҳам... рўйхатни шу тарзда давом эттиравериш мумкин.

Хаёлимга Маяковскийнинг «Совет паспорти» деган шеъри келди. Шоир кўргандайди бу хунук аҳволни, назари тушгандайди бу ачинарли манзарага дейман, нималарни ёзмасди.

— Кўрдингизми, — деди Сидикалиев, бу гал унинг овозида очиқ таъна оҳанг бор эди, — деярлик ҳар кун аҳвол шу.

— Шунчалик кўпми булар?

— Ҳар қалай оз эмас, лекин булар смена билан келишади. Билсангиз юқорида махсус қабул пунктимиз бор. Биз буларни олиб борганимиздан кейин орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қўлига бир парча қоғоз бериб қўйиб юборишади, биз яна ушлаймиз, улар яна қабул қилади, сўнг яна қўйиб юборишади. Хуллас аҳвол шу тарзда такрорланаверади. Ваҳоланки Ўзбекистон Жиноят кодексининг 220-моддасига биноан биз такрор ушлаб топширган дайдилар жиноий жавобгарликка тортилиши керак. Аммо улар бу ишни қилишмайди, оқибат бизнинг ярим кунимиз буларни ушлаб, рўйхатдан ўтказиш, топшириш билан ўтади. Аслида биз «Октябрь бозори» атрофида содир бўлаётган ноҳўят хатти-ҳаракатлар — безорилик, чайқовчилик, ўғирлик каби жиноятларнинг олдини олишга сафарбар этилганмиз. Буни чуқурроқ ўйласангиз неча кун сайин жиноят кўпайиб бораётгани деган саволга жавоб топиш мумкин.

— Демак, сизнингча «Мардикор бозори»нинг аҳволини тартибга келтириш мушкул?

— Ҳа, жуда мушкул. Албатта жамоатчиликнинг фикри, мулоҳазаси керак. Лекин расмий мутасадди ташкилотлар аралашмаса, барибир иш юришмайди. Бизнинг вазифамиз «Мардикор бозори»нинг аҳволини яхшилаш эмас, жиноятга қарши курашишдан иборат.

— Мактаб ўқувчилари: «нима ишингиз бор ака?» деб юришибди, бунга бироз кўнгилик бўлишинг иложи йўқми?

— Мактаб ўқувчиларининг ҳужжати бўлмайди, мактабларини айтишмайди, махсус қабул пунктимизга эса топширолмаймиз, олишмайди. Лекин болалар мана шу атрофдаги мактаблардан ўқитувчилар келиб хабар олишга яхши бўларди.

— Район маориф бўлимларини, мактаб маъмуриятларини келиб хабар олишга даъват этиш, иложи бўлмаса мажбур этиш керак.

— Тўғри.

\* \* \*

Бизнинг юқорида баён этганларимиз «Мардикор бозори»нинг бугунги ҳаёт тарзимизга ярашмайдиган хунук манзараси. Лекин у кўзимизга нечоғлик хунук кўринса-да, гўё бу ҳолатни тузатиб, ишни кўнгиликдайдан йўлга қўйиб юбориш мушкул, ҳатто иложи йўқдай туюлса-да, ҳозирча манзаранинг рўйи-рост кўриниши шундай.

«Мардикор бозори» деган сўз эшитган, ўқиган одамнинг дилига оғир ботишини сезганимиз ҳолда, уни сарлавҳага чиқариб такрор-такрор таъкидладик. Бу маъно жойга шундай ном қўйиш учун эмас, янгилаш мақсадидадир.

Эндиликда ошкоралик, демократия деган сўзлар биз учун шior эмас, у ишимизнинг моҳиятини белгилловчи ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам жамоатчилик, мутасадди ташкилотлар бу ҳақда фикрларини ошкора баён қилишлари, амалий таклифларни ўртага қўйишлари ва бу таклифларнинг амалда жорий этилиши учун жон куйдиришлари, фидойилик кўрсатиши лозим деб ҳисоблаймиз, зеро бу барчамизнинг гражданлик бурчимиздир.

«Эстрада лотоси» викторинамизнинг янги «Эстрада юлдузлари» деб номланган турини бошлаймиз. Яъни Сиз 1989 йилда журнализм саҳифаларида ўзингиз ёқтирган саҳна юлдузлари билан танишингиз, улар санъатини холисона баҳолашингиз, журналда эълон қилинган суратлари ҳақида ўз фикрингизни айтишингиз мумкин. Редакциямизга талабномалар йўллашга шошилинг. Чунки «юлдуз»лар рўйхати келгуси сонда яна бир марта эълон қилинади, холос. Шартларимиз аввалгидек: карточкаларни қирқиб, рўйхатдаги ўзингиз ёқтирган ансамбль тартиби рақамини ёзасиз, хатни почта қутисига ташлайсиз, вассалом!

Шундай қилиб, эстрада «юлдузлари» ҳукмингизга мунтазир!

1. «Автограф».
2. «Ария».
3. «Байт».
4. «Блэк сәббет».
5. «Браво».
6. «С бригадаси».
7. Григорий Пушкин группаси
8. «Дау-метал».
9. «ДДТ».
10. Майкл Жексон
11. «Диалог».
12. «Дип перпл».
13. «Дорз».
14. «Инсам».
15. «Кино».
16. «Круиз».
17. Владимир Кузьмин
18. Наргиза Зокирова
19. «Наутилус-Помпилиус»
20. «Вулутли ўлка».
21. «Осиё».
22. «Пикник».
23. «Роллинг стоунз».
24. «Рондо».
25. «Садо».
26. «Телевизор».
27. «Оғир кун».
28. «Форум».
29. «Қора кофе».
30. «ЭВМ».
31. Эмерсон, Лейк ва Пауэлл.
32. Юлдуз Усмонова

# НИМАЛАР

## ДЕЙИШЯ

### ЁЗИШЯПТИ



керакки, норозилик тўлқини «қуйи»дан кўтарилапти. Матбуотда газетхонлар «жазолансин», «пайи қирқилсин» ва ҳатто «ҳайдалсин» дея талаб этаётган хатлар тез-тез кўриниб қоляпти... Бунақа хатволик билан шуғуланмаслик ҳам мумкин эди. Ашулачининг машинасига бўёқ суртиб қўйиш, унинг почта қутисини ёқиб юбориш, квартирасининг шипидан тешиб очиб ёки «Прибалтийская» меҳмонхонасида юз берганидек майдароқ ярамас қилиқни амалга ошириш мумкин эди. Арзиманган бу воқеа бундай бўлганди: оддий совет граждани Джендаян Ленинградга келиб «Прибалтийская» дан хона олибди. Уша куни «томдан тараша тушгандек» А. Пугачёва келиб қолибди-ю, бу номер унинг учун ажратилгани маълум бўлибди. Бунақанги тасодифдан огоҳ бўлган Джендаян машхур ашулачи олдида ўзини ҳақиқий жентельмен сифатида намоён этиб, бошқа хонага кўчиб ўтишга тийёр эканини айтибди. Йўқ, иш шу билан тугамабди. «Бу хонанинг ҳақи тўланган, — дебди жойлаштириш хизматининг бошлиғи, — кимнинг қаерда яшашини эса мен ҳал қиламан».

Шундан кейин умумиттифоқ «можароси» бошланиб кетди. Перолар ишга тушиб кетди, баландпарвоз гаплар айтилди... Айниқса, Ленинград матбуоти жонбозлик кўрсатди бу борада.

Бу шов-шувни эшитиб одатда Алла Пугачёва гастролга чиққанда яшайдиган чет эл меҳмонхоналарининг эгалари ҳар эҳтимолга қарши унга нисбатан янада илтифотли ва сермулозамат бўлишни режалаштириб қўйишди. Россияда нимадан жанжал чиққанини ким билади дейсиз?

Агар совет «юлдузи»нинг ҳатто феъл-атвори ўзгариб қолганда ҳам фирма барибир «ўз мавқен» даражасида туриши керак.

Санъат соҳасида энг йирик мутахассислардан бири, СССР халқ артисти М. Ульянов меҳмонхонадаги оддий можаро хусусида фикр юритишга мажбур бўлди: «...мураккаб вазият юзага келиб қолди. Бир томондан биз юзакчилик, майдакашликни қоралаймиз, актёрлик шахсияти йўқлигидан хафа бўламиз. Иккинчи томондан, яна бир «юлдуз» пайдо бўлиши билан, қиладиган ишимиз уни қолипга солиш бўлади... кўп йиллар илгари Москва гастролларидан бирида Марк Бернесга лойга қориб ташлаган «Волга»даги

лиши номаълум бўлган бутун бошли пойабзал санъатига тенг келади»,— деб ёзганди. Шуни ҳам айтиш керакки, Алла Пугачёва концертнинг лимит қиймати шунчалар каттаки (балет ва муз рақсини ҳисобга олганда), ҳар қандай концерт ташкилоти ҳам ашулани уни кузатиб юривчи барча шахслар билан бирга таклиф этишга қодир эмас...

Меркантил манфаатлари билан эстрада ижодиётининг уйғунлашуви хусусида Алла Борисовнанинг ўзи нима дейди. «Давра столи» суҳбатида у: «Ҳар томондан бизга

шундоққина сахна олдида эшитилди. Буни қаранг-а, Алла Борисовнанинг ўзи ҳуштак чалибди! Жаҳли чиққан, дарғазаб ҳолда! Қаҳрғазаб тўлқини сахна ортидан эшитилиб турарди: «Бу пасткашлик! Бу пасткашлик!» Бунга жавобан залдан: «Панама»чи — бу пасткашлик эмасми?» деган овозлар эшитилди.

Бу орада «Юз дўст» ва «Каламуш тутувчи» ашулаларининг даври бошланиб қолди. Ҳар қандай қочириқ ва кинолардан ҳоли бўлган тўғри ашула. Қизиқ! Бир ашулачи битта концертда паст даражали, маънисиз «Панама»ни ҳам, ижтимоий соз, секин оҳангли «Каламуш тутувчи»ни ҳам куйлаши га-лати бўларкан. «Каламуш тутувчи» каби бундай ўткир, даъваткор қўшиқ Алла Пугачёва репертуарида жуда оз. Аммо ўзининг оммавий таъсир кучи жиҳатидан ўнлаб энг «сўл» рок-опусдан устун келади. Ахир буни ким куйлаяпти! Алла Пугачёва!

Бундан бир неча ой муқаддам «ярим тунгача ва ярим тундан сўнг» телеэшитирувида «Каламуш тутувчи» қўшиғи янгради. Бундан олдин ўзбек режиссёрлари яратган «Тўхтатилган вақт хроникаси» фильми кўрсатилди. Ғурумсаройлик золим А. Одилов ҳақидаги бу телехикояга бундан кўра мос келадиган бошқа музикавий шарҳни билмасам керак. Бу қўшиқнинг сўзларида ҳашаматли дангиллама уйлардаги очкўз каламушларга нисбатан пардаланмаган қизгин нафрат оҳанги бор. Агар бизда энг ўткир ижтимоий қўшиқлар рўйхати тузиб чиқилса, «Каламуш тутувчи» биринчи ўнликдан ўрин олган бўларди.

Шундай қилиб, дабдабали рўдапо билан бирга фақат ўзининг шахсий масалалари билан шуғулланган куйловчи Аёл ҳам ўтмишга жўнайди. Келажакда нима бўлади? Уйлашимизча, ҳар ҳолда ҳозирги калта кўйлакли, поп-аёл эмас. Масалан, Игорь Николаев бундай деярли: «Мен шунчаки унга ҳавас қиламан... Саҳнамизнинг ўта ёрқин юлдузи сифатида шунча йил яшаб изланиш истагини йўқотмасликнинг, таваккалчиликдан чўчимасликнинг ўзи бўлмайди! Чунки бу таваккалчилик — услубини ўзгартириш, бу билан ўз ҳавасмандларини ўзгартириш демакдир».

Албатта, А. Пугачёва ҳам юлдузи сўнадиган, унинг характерида кексайиб қолган мухлислари қизгин олқишлари билан бир пайтлардаги муваффақиятларидаги ширин хотираларни яна эсга туширадиган учинчи даражали залларда куйлашга ғурури йўл қўймайдиган вақт келади. Ота ва оналар бу ашулачига бўлган ўз садоқатларига чек қўймай, унга муҳаббат эстафетасини фарзандларига қолдирмоқдалар. «Томошабинларим яшаряпти,— дейди Алла Борисовна,— мен эсам қарияпман... Агар мен умрбод ёшлигимча қолиш имкониятига эга бўлганимда, ҳаммавақт куйлаган бўлардим. Аммо кексайганда сахнага чиқишни хаёлимга ҳам келтирмайман».

Узоқ муддатли ижодий алоқа Алла Пугачёвани шоир Илья Резник билан боғлаб турибди. Бундан ўн олти йил аввал, унда ҳали Олег Лундентром оркестрининг солисти эди, унинг «Ўтириб ўйлаймиз» қўшиғи учун ёрқин образли бўёқлар топа олганди. Ушундан бери уларнинг дўстлиги давом этапти. «Севинч ва кулфатда ҳам, изланиш ва ихлос қайтиш чоғларида ҳам, ютуқлар ва янгила-ниш даврларида ҳам уни билардим,— дейди И. Резник.— Бу аёл ҳақиқий чин дўст. Бош-пана хусусида жиддий масалага дучор бўлганимда у ўз квартираси эшигини ланг очиб берди ва биз оиламиз билан шу ерда ярим йилча яшадик. (Пугачёвнинг 67 квадрат метрли уч хонали квартираси бор.) Мен унинг бенуксон бека, моҳир пазандалигидан хабардорман. Бирор одамга ёрдам керак бўлиб қолса, ўша ондаёқ унинг ҳузурига бориб қўлидан келган ҳамма ишни қилган ўнлаб воқеаларни биламан. У олижаноб ва меҳрибон аёл!»

А. ПОПОВ

# У ҲАҚ- ДА ПТИ-Ю,



«юлдуз» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Атайин уюштирилган айбнома рад этиш учун қанча марта асабланишга тўғри келди! Геннадий Хазанов ва Алла Пугачёвага нисбатан шунга ўхшаш воқеалар ҳам бўлган».

Дарғазаб ёзилган хатларда кўпинча мана бундай важларни ҳам учратамиз: «Ашулачиларнинг нафи бўлармиди? Ҳозир ашула айтадиган пайт эмас. Ундан кўра ишласин, фойдаси кўпроқ бўлади». Ягона халқаро классли эстрада юлдузимизга ҳатто «Известия» газетаси орқали кўча супургиси таклиф қилишди. «80 сўмга супуриб юрсин, қанақа ашула айтишини кейин кўрамиз»,— деб ёзганди газетхон аёллардан бири. Гап йўқ — 80 сўм энг паст маош. Лекин «Аргументи и факти» (№ 50, 1987 йил)дан олинган маълумот билан танишиб кўринг: «1986 йилда А. Пугачёва 119 та концерт берди, бундан давлат 526 минг сўм фойда кўрди. Ашулачи маошининг 1 сўмига олинадиган фойда — 65 сўм. (мамлакат бўйича маошининг 1 сўмига олинадиган ўртача фойда 1987 йилда 70 тийинни ташкил этган). Мана шунақа!»

«Труд» газетасининг «давра столи» суҳбатида М. Жванецкий шу муносабат билан ўзига хос аския ва киноя билан: «А. Пугачёва маҳсулотини ҳеч ким сотиб олмайётган ва у ерда қачон қайта қуриш амалга ошири-

ўргатишади, йўл-йўриқ кўрсатишади, ҳамма санъатимиз ва ўзимиз қандай бўлиши лозимлигини тушунтиришга шай туришади. Артистларнинг иш ҳақи системали — талантни бешафқат эксплуатация қилишга қаратилган, кўп концерт берсанг — кўп пул оласан... Бунақа моюнанинг бизга кераги йўқ! Биз кварталда элликта концерт эмас, балки бешта концерт беришимизни тасаввур қилиб кўринг-а. Шунда ўйлашга, янги қизиқроқ бир нимани яратишга вақт бўларди»,— деди.

Концерт фаолиятини ташкил этишнинг ҳозирги шароитида, масалан, шўрпешона «Панама»нинг аҳволига ҳайрон бўлишнинг жожати йўқ. Айни ана шу ашуладан кейин, эмишки Пугачёвнинг ашуласи тугади, адои-тамом бўлди, агар у шунчаликка етиб борган бўлса, демак энди ундан бирон нима кутиш амри-маҳол, деган гап-сўзлар тарқалди.

Шуни айтиш керакки, Алла Борисовна ҳар маҳал ҳам танқидга обрў сақлаб муносабат билдиравермайди. Бундан икки йил аввал Лужникида жуда қатта жанжал бўлиб ўтди. Ўзининг музикали тақлидлари билан машҳур «Вим-Бом» ансамбли сахнага чиқди. Одатдагидек кулги авжига чиқди. Кейин Пугачёвага навбат берилди. Аввал битта, кейин иккита ашула айтди. Шу пайт тўсатдан залда ҳуштак чалиниб қолди. Кейин

Еш математиклар!  
Еш физиклар!  
Еш химиклар!

Севимли журналингиз «Еш куч» қошидаги «Аниқ фанлар академияси» янги, навбатдаги беллашувларга Сизларни таклиф этади. Беллашувлар ўтказишдан мақсад Сизларнинг аниқ фанлар бўйича билимингизни чуқурлаштириш ва мустақкамлашдир.

### Унда кимлар қатнашиши мумкин!

Республикадаги, шунингдек, қардош республикалардаги мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юрти талабалари ҳамда математика, физика ва химия фанларига қизиқувчи, уларни чуқур ва пухта ўрганишга аҳд қилган барча ўқувчилар иштирок эта оладилар.

Сиртқи мусобақалар олти турда ўтказилади. Ҳамма турларда фаол қатнашиб, топшириқларни ўз вақтида ва тўғри ечиб, редакцияга юборган ўқувчилар ғолиб деб эълон қилинади.

### Ғолиблар қандай мукофотланади!

Унинг синф ёки ҳунар мактаби битирувчиларига республикадаги олий ўқув юртларида ўқишга кириш учун тавсияномалар;

Академиянинг фаол қатнашчиларига область олимпиадасида конкурсиз қатнашиш ҳуқуқи берилади.

Шунингдек, ғолиблар ЎзССР Фанлар академиясининг, республика Халқ таълими министрлигининг ҳамда «Еш куч» журналининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланади. Эсдалик совғалар топширилади.


«Аниқ фанлар академияси» мусобақаларига ЎзФА мухбир аъзоси Т. А. Азларов бошчилигидаги жюри раҳбарлик қилади. Жюри жавобларни текширади, баҳолайди ва ғолибларни аниқлайди.

Бир ўқувчи ўзи севган фанларнинг бирини танлаб олиб, мусобақада қатнашади. Лекин бир вақтнинг ўзида уччала фан беллашувларида қатнашиши ҳам мумкин. Фақат топшириқларнинг жавоблари алоҳида-алоҳида жўнатилади ва конверт устига «физика», «химия», «математика» деб ёзиб қўйиш шарт.

Бугун 1 тур топшириқларини эътиборингизга ҳавола этамиз. Биринчи турда жавоб йўллашнинг охириги муддати — 30 ноябрь. Жавоб хатингизда исм-фамилиянгиз, мактабингиз, ўқийдиган синфингизни, почта индексини тўлиқ кўрсатинг.

Хатларингизни кутамиз.

# АНИҚ, ФАНЛАР



АНИҚ ФАНЛАР

## АКАДЕМИЯСИНING ПРЕЗИДЕНТИ

Т. А. Азларов 1960 йили В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультетини битирди. Уша йили аспирантурага ўқишга кириб, академик С. Х. Сирожиддинов раҳбарлигида илмий иш олиб борди. 1963 йили диссертацияни муваффақиятли ёқлаб, физика-математика фанлар кандидати унвонини олди. Роппа-роса ўн йилдан сўнг, яъни 1973 йили физика-математика фанлари доктори бўлди. 1979 йилда эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси бўлиб сайланди.

Турсун Абдураҳимович устози С. Х. Сирожиддинов изидан бориб, республикада математика фанининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Уларнинг фанининг долзарб мавзуларига бағишланган монография ва мақолалари мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам chop этилган. Т. А. Азларов Х. Мансуров билан биргаликда олий ўқув юртлари студентлари учун «Математик анализ» деб номланган икки томлик дарслик ёзганлар. Унинг биринчи жилди ўқувчиларга етиб борди. Иккинчи жилди келгуси йили баҳорда чиқади.

— Мен, — деди янги президент суҳбат чоғида — «Аниқ фанлар академияси»нинг барча иштирокчиларига топшириқларни ечишда сабот ва кунт билан меҳнат қилишларини истаيمان. Чунки фанда сабот ва кунт муваффақиятлар гаровидир.

### Ташкилий комитет ва жюри аъзолари

АЗЛАРОВ Т. А. — ЎзФА мухбир аъзоси, «Аниқ фанлар академияси»нинг президенти ва жюри раиси.

ГУЛОМОВ У. Ғ. — ЎзФА мухбир аъзоси, «Аниқ фанлар академияси»нинг вице-президенти.

ПАРПИЕВ Н. А. — ЎзФА мухбир аъзоси, «Аниқ фанлар академияси»нинг вице-президенти.

САТИМОВ Н. Ю. — ЎзФА мухбир аъзоси.

САЪДУЛЛАЕВ А. — физика-математика фанлари доктори, профессор.

НАЗИРОВ Э. Н. — профессор.

АЪЗАМОВ А. — физика-математика фанлари доктори.

ОДИЛОВ А. А. — физика-математика фанлари кандидати, доцент.

МУФТАХОВ А. — химия фанлари кандидати, доцент.

МУСАЕВА С. Б. — химия фанлари кандидати.

МИРЗААХМЕДОВ М. — физика-математика фанлари кандидати, доцент.

АБДУРАХМОНОВ А. — физика-математика фанлари кандидати, доцент.

РИХСИЕВ Б. — физика-математика фанлари кандидати, ташкилий комитет ва жюри раисининг ўринбосари.

ҒАНИХУЖАЕВ Н. — физика-математика фанлари кандидати.

ИСАМУҲАМЕДОВА М. С. — доцент.

БРИНСКИХ Н. А. — доцент.

АКМАЛОВ А. А. — республика ўқитувчилар малака ошириш институти математика кабинетининг мудири, ташкилий комитет ва жюри масъул секретари.

ҲОШИМОВ Р. — Андижон Давлат педагогика институти катта ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати.

ҚУРҒОНОВ Т. — Тошкент Политехника институтининг катта ўқитувчиси.

ҚУРБОНОВ М. — ТошДУ физика факультети лаборатория мудири.

А. УМАРОВ — ТошДУ ҳисоблаш маркази катта илмий ходими.

М. МАМАТОВ — ассистент.

$$\bullet \quad x'' = -x_m \cos t = -x \quad \bullet \bullet \quad \text{CH}_2 = \text{CH}_2 + \text{H}_2 \rightarrow \text{CH}_3 - \text{CH}_3$$

### I тур топшириқлари

#### МАТЕМАТИКА:

1. 1988 сонининг чап ва ўнг томонларига биттадан рақамни қўйингки, натижада ҳосил бўлган сон 15 га бўлинсин.

2. Тўғри бурчакли учбурчакнинг катетларидан бири 13 сантиметрга тенг. Қолган икки томони бутун сонлар билан ифодаланиши маълум бўлса, шу томонларнинг узунликларини топинг.

3. Икки ва учдан бошқа ихтиёрий туб соннинг квадратини 12 га бўлганда бир қолдиқ қолишини исботланг.

4. Дастлабки 1988 та натурал сондан 995 та сонлар олинган. Булар орасида бири иккинчисига қаррали бўлган, албатта, иккита сон борлигини исботланг.

5. Қавариқ кўпбурчакда энг кўпи билан қанча ўткир бурчаклар бўлиши мумкин?

#### ФИЗИКА:

1. Нима учун симоб лампанинг колбаси кварц шишадан ясалади?

2. Бор назариясига кўра водород атомининг электрони доиравий орбита бўйича ҳаракат қилади. Доиравий орбитанинг радиуси  $0,5 \cdot 10^8$  см га тенг

бўлса, электроннинг орбита бўйлаб ҳаракат тезлигини аниқланг?

3. Қуввати 10 Вт бўлган мотор вакуумда ҳар бири 200 г массали икки бўлак музни 273 К температурада бир-бирига ишқалаб айланмоқда. Қанча вақтдан сўнг муз тўла эрийди?

4. Бирор типдаги ички ёнув двигатели ҳар соатда 0,24 кг/кВт ёқилғи сарф қилса, двигателнинг Ф.И. К. ни аниқланг. Ёнилғининг ёниш солиштирма иссиқлиги  $q = 4,6 \cdot 10^7$  Ж/кг.

5. Радиолокатор 100 метрдан то 100 км гача оралиқда нишонни сеза олади. Ҳар бир импульснинг давомийлигини ва унинг частотасини аниқланг.

#### ХИМИЯ:

1. «Азотни боғлаш» терминини тушунтиринг. Сиз бу жараённи қандай рўёбга чиқариш усулларини биласиз? Мувофиқ келадиган реакция тенгламаларини ёзинг.

2. Ихтиёрингизда бертоле тузи, марганец (IV) оксид ва сульфат кислота бор. Бертоле тузи таркибига хлор киришини тасдиқлаш учун қандай тажрибалар ўтказиш керак? Тажрибаларнинг кетма-кетлигини ва реакция тенгламаларини тузинг. Шу тажрибалар учун ишлатиладиган сульфат кислота концентранганми ёки суяқ бўлиши керакми?

3. А, Б ва В элементлари Д. И. Менделеев даврий

системасининг турли группаларида жойлашган бўлиб, водород билан 1, 2 ва 3 моддаларни, кислород билан эса 4, 5 ва 6 моддаларни ҳосил қиладилар. Модда 1 ва 4 ларга сув таъсирида эритма 7 ҳосил бўлади, бу эритмага 5 ва 6 моддалар таъсир эттирилганда 8 ва 9 моддалар чўкмалари ҳосил бўлади. Бу чўкмалар хлорид кислотада эриб, 5 ва 6 газларни ҳосил қилади. 2 ва 5 газлар аралаштирилганда оддий модда Б ҳосил бўлади. Модда 2 ёндирилганда ёки Б, ёки 5 модда ҳосил бўлиши мумкин. Модда 3 ёндирилганда сув ва модда 6 ҳосил бўлади. Оддий моддалар А, Б ва В лар ўзаро реакцияга киришганда 10, 11 ва 12 моддалар ҳосил бўлади. А, Б ва В элементларнинг атом массалари 1,25:1:0,375 нисба-тида бўлса, улар қайси элементлар бўлади? Шу элементларнинг электрон конфигурацияларини ёзинг. Барча реакция тенгламаларини тузинг.

4. 18 г. сувни электролиз қилинганда олинган водородни 88 г. сирка альдегидининг номаълум қисмини қайтариш учун, кислородни эса альдегиднинг қолган қисмини оксидлаш учун ишлатилди. Ҳосил бўлган маҳсулотлар орасида этерификация реакцияси олиб борилганда 15,84 г. этилацетат олинган. Шу реакциянинг унуми 90 процент бўлса, альдегидни қандай қисмларга бўлиб, оксидлаш ва қайтарилиш реакциялари олиб борилганлигини аниқланг.

5. 2,88 г. органик модда ёқилганда 6,16 г. карбонат ангидрид 0,9 г. сув ва 0,62 г. натрийли қолдиқ қолди. Ёқилган модданинг формуласи қандай?

Баъзан, математика ниҳоятда қийин ва абстракт фан, уни тушуниш учун алоҳида қобилият керак, деган гапларни эшитиб қоламиз. Ҳақиқатан ҳам, математиканинг қийин ҳамда абстракт соҳалари бор, аммо улар қайси фанда йўқ дейсиз! Шу билан бирга, математика кенг татбиқларга эга бўлган фандир, у минг йиллар давомида кишилик жамияти, фан ва техникада учрайдиган турли масалаларга татбиқ этиб келинган.

Ф.Энгельснинг ёзишича, бошқа барча фанлар каби математика ҳам кишиларнинг амалий эҳтиёжларидан — ер участкаларининг юзалари ва идишларнинг сизимини ўлчаш, вақтни ҳисоблаш ва механикадан пайдо бўлди.

Зеро, Сиз мактабда ўрганаётган предмет — геометриянинг луғавий маъноси «ер ўлчаш» демакдир.

Улуғ ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783—850) ўзининг машҳур «Алжабр ал муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»ини ёзишдан мақсадини баён этиб, алжабр — алгебранинг ...мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай билимларда ва, шунингдек, ер ўлчашда, каналлар ўтказишда, инженерлик ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун «зарур»лигини уқтиради. Маълумки, бу шоҳ асарини ал-Хоразмий амалиёт масалаларидан келиб чиқиб яратди ва унда чизикли, квадрат тенгламалар ечишининг умумий методини берди.

Математика астрономияда ҳам кенг қўлланилган. Қомусий даҳо Абу Райҳон Берунийнинг

ёзишича, юлдузлар ҳукмига оид илм математика фанларининг энг яхши ҳосиласидир.

Буюк астроном ва математик Мирзо Улуғбек (1394—1449) «Зижи Кўрагоний» асарига 1018 та юлдузнинг координаталарини ниҳоятда тўғри аниқлик билан берган. Бунга қандай эришилди? Расадхонанинг асбоблари ўз замонасининг энг яхши, катта аниқлик берадиган асбоблари эди. Аммо, энг муҳими, Улуғбек расадхонасида йирик математиклар ишлашарди, улар учинчи даражали алгебраик тенглама илдизини исталганча аниқликда ҳисоблашнинг янги, оригинал усули — кетма-кет яқинлаштиришлар усулини кашф қилдилар. Бу усул ёрдамида бир градусли ёй синусини хоҳлаган аниқликда ҳисоблаш мумкин, бу эса тригонометрик жадваллар тузишда, юлдузлар координатларини катта аниқлик билан топишда ниҳоятда муҳим. Ана, кўрдингизми, азиз ўқувчи, улуғ бобокалонимиз математиканинг астрономияга ажойиб татбиқини намойиш этганлар.

«Қалам учуда» топилган сайёраларни биласизларми? Кузатишлар Уран сайёраси ҳаракатининг Бутун олам тортишиш қонунига мос назарий траекториядан четланишлари борлигини кўрсатарди... Бунга нима сабаб бўлиши мумкин? Балки, бошқа бир осмон жисми Уран билан тортишиб, унинг траекториясини ўзгартираётгандир? Бу номаълум осмон жисмининг ҳаракат қонунияти, массасини қандай ҳисоблаш мумкин? Бу саволларга У. Леверье жавоб берди ва номаълум сайёранинг осмон сферасидаги координаталарини кўрсатди. Телескопни ўша нуқтага йўналтирган немис астрономи

И. Галле 1846 йил 23 сентябрда сайёрани кузатди. «Қалам учуда», Леверьенинг математик ҳисоблари асосида кашф этилган бу сайёрага Нептун деб ном берилди, у Қуёш системасида Қуёшдан узоқлиги бўйича саккизинчи сайёрадир.

9-чи сайёра, Плутон эса 1915 йилда қилинган математик ҳисоблар асосида 1930 йил кашф этилди.

Шунга ўхшаш мисолларни математиканинг бошқа соҳаларига татбиқдан ҳам келтириш мумкин. Нима учун математика биз яшаб турган моддий оламга татбиқ этилиши мумкин? Ф.Энгельс таъбирича, математика худди шу оламдан олинган ва шу оламга тегишли боғлиқ шакллариининг бир қисмини ифодалайди холос, ва худди шунинг учун ҳам у умуман татбиқ қилиниши мумкин. Бўлажак математик ўз фанининг татбиқларини яхши билмоғи лозим. Математиканинг татбиқларини билиш, уни ҳаётий масалаларни ҳал қилишга қўллай олиш математик касбнинг муҳим хусусиятидир. Математиканинг ҳозирги татбиқлари ЭҲМларни бевосида ишлатиш билан боғлиқдир.

Вазифа сифатида ушбу масалани таклиф этамиз.

1. А, В, С қишлоқлар орасидаги масофа а, в, с км. АВС учбурчак ичидаги бирор О «нуқтада» (жойда) газ тақсимлагич станция қуришмоқчи. Сиз қурилиш инженери бўлсангиз А, В, С қишлоқларига етказиладиган газ қувури узунлиги энг қисқа бўлиши учун станцияни АВС учбурчакнинг қаерида қурдирардингиз ва бунга қанча км газ қувури заказ қилар эдингиз?

М.МИРЗААҲМЕДОВ,  
доцент.

## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

(Ўтган олимпиада яқунларига доир)

Мана бугун математика, физика ва химия фанлари бўйича 1988-1989 ўқув йилидаги республика сиртки олимпиадаларига старт берилди. Мен эса сиз билан 1987-1988 ўқув йилидаги математика бўйича олимпиада яқунлари ҳақида бир оз суҳбатлашмоқчиман. Хабарингиз бор, журналнинг 8-сонига ғолиблар эълон қилинди. Ўтган ўқув йилида жюри ҳайъати математика бўйича 800 дан ортиқ жавоб — хатлар олди. Аксарият хатлар Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қашқадарё областларидан ва Қорақалпоғистон автоном республикасида олинди. Лекин Жиззах, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё ва Бухоро областларидан олинган хатлар оз. Нима, бу областларда ёш математиклар камми? Ундай эмасдир. Биз бу областлардан ҳам қобилиятли ёшлар кўплаб топилишига ишонамиз. Фақат, уларга «Ёш куч»да сиртки олимпиадалар ўтказилаётгани ва уларнинг топшириқлари етиб бормаётган бўлиши мумкин. Демак, олимпиадани тарғиб қилишда халқ маорифи бўлимлари ва мактаб ўқитувчилари фаоллик кўрсатишлари лозим.

Олинган ҳар бир жавоб — хат жюри ҳайъати томонидан ўрганилди. Шуниси қувончлики, редакцияга келган хатларнинг 70 фоизидан кўпроғида 5 та топшириқдан камидан 3 тасига тўғри жавоб топилган. Бундан ташқари хатларда, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг олимпиада ҳақидаги шахсий фикрлари, ўзлари тузган янги мисол ва масалалар ҳам юборилган. Кўп олимпиада иштирокчилари 6 турдан иборат барча топшириқларга жавоб йўллаганлар. Лекин, узрли сабабларга кўра олимпиада баъзи турларида иштирок этолмаган қатнашчилар орасида ҳам ғолиблар сафида ўрин олганлар бор.

Тақдим этилган масалаларни бир неча усулда ечганлар, ҳамда жюрига маълум бўлмаган янги усуллари топган ўқувчиларни журнализмизнинг келгуси сонларидан бирида алоҳида келтирамиз. Юборилган янги мисол ва масалалардан навбатдаги тур топшириқлари тузишда фойдаланамиз ва бунда авторнинг фамилиясини ҳам келтириб ўтамиз.

Ёш талантлар, мусобақага марҳамат!

Бу беллашувда фақат ғолиблар бўлади, мағлублар бўлмайди.

Б.РИХСИЕВ,

Сиртки олимпиада жюри раисининг ўринбосари,  
ЎзФА математика институтининг етакчи илмий ходими.

Ф.СП-1

Министерство связи СССР «Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на ~~газету~~ **журнал** **75242**

«**Ёш куч**» (индекс издания)

(наименование издания) | Количество комплектов:

на **1989** год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
х	х	х	х	х	х	х	х	х	х	х	х

Куда | |

(почтовый индекс) (адрес)

Кому | |

(фамилия инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

п. в. место ли-на ~~газету~~ **журнал** **75242**

тер **«Ёш куч»** (индекс издания)

(наименование издания)

Стоимость подписки **4 руб. 20 коп.** Количество комплектов

пере-адресовки — руб. коп.

на **1989** год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
х	х	х	х	х	х	х	х	х	х	х	х

Куда | |

(почтовый индекс) (адрес)

Кому | |

(фамилия инициалы)



## «Еш куч» журналіга 1989 йил учун обуна бўлишни УНУТМАДИНГИЗМИ ?

Обуна «Союзпечать»нинг барча агентлик-лариди **ЧЕКЛАНМАГАН** миқдорда қабул қилинади. Бир йиллик обуна баҳоси 4 сўм 20 тийин, 6 ойга 2 сўм 10 тийин.

Индекс 75242.



### ПРОВЕРЬТЕ ПРАВИЛЬНОСТЬ ОФОРМЛЕНИЯ АБОНЕМЕНТА!

На абонементе должен быть проставлен оттиск кассовой машины.

При оформлении подписки (переадресовки) без кассовой машины на абонементе проставляется оттиск календарного штампа отделения связи. В этом случае абонемент выдается подписчику с квитанцией об оплате стоимости подписки (переадресовки).

Для оформления подписки на газету или журнал, а также для переадресовки издания бланк абонемента с доставочной карточкой заполняется подписчиком чернилами, разборчиво, без сокращений, в соответствии с условиями, изложенными в каталогах Союзпечати.

Заполнение месячных клеток при переадресовании издания, в также клетки «ПВ — МЕСТО» производится работниками предприятий связи и Союзпечати.



# Еш куч Молодая смена

Ижтимоий-сиёсий, адабий бадий  
безакли журнал

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№9 (27) сентябрь, 1988.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти.

Бош редактор  
Худойберди ТУХТАБОЕВ  
Редколлегия  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Владимир ВОЛОТКО  
(бош редактор ўринбосари)  
Евгений ГРЕВЦОВ  
Хуршид ДУСТМУҲАММАД  
Мирза КЕНЖАБОЕВ  
Эркин МАЛИКОВ  
(масъул секретарь)  
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ  
Латиф МАҲМУДОВ  
Мирвосил ОДИЛОВ  
Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ  
Йўлдошали ТОЖИБОВ  
Александр ФАЙНБЕРГ  
Александр ФРОЛОВ  
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ  
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

Рассом Маҳкам АБДУЛЛАЕВ

Техредактор Файбулла БАРИМОВ

«Еш куч («Молодая смена») — ежемесячный общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке  
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП.  
«Правда» газетаси кўчаси, 60.

Телефонлар:

78-94-67, 78-75-94, 78-94-73,  
78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Еш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Еш куч» — «Молодая смена» 9, сентябрь, 1988

С «Еш гвардия» нашриёти.

Босмаҳонага туширилди 13.07.88 й. Босишга рухсат этилди 18.08.88 й. Офсет усулида чоп этилди. Р-17614. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Қоғоз ҳажми — 4 лист. Шартли босма листи 5,6. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 187692 нусха. Буюртма № 3934. Баҳоси 35 тийин.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.

Пойтахт кўча ва хиёбонлариаро «юриб», шаҳарликларга ҳордиқ улашаётган «Шарқ» қаҳвахонаси трамвай салонига жойлашган...

А. Кудряшов фотоси



Баҳоси 35 тийин.  
Индекс 75242

Р. ЯРУЛЛИН фотоси.

